

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРМАМАТОВА КУМУШБИБИ РАСУЛЖОН ҚИЗИ

ТЕЛЕВИДЕНИЕДА МУАЛЛИФЛИК
КЎРСАТУВЛАРИ: ТУЗИЛИШИ,
ТИПОЛОГИЯСИ ВА МАҲОРАТ
МАСАЛАЛАРИ

Тошкент – 2025
“Firdavs-Shoh nashriyoti”

УЎК 811.512.133

КБК 76.12

Э 80

Монография Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий-услубий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган. (2024 йил 14 майдаги 12-сонли Баённомаси).

Илмий маслаҳатчи:

А.А.Каримов – филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Г.Ж.Тоғаева – филология фанлари номзоди, доцент

О.Ш.Тошбоев – филология фанлари номзоди, доцент

Эрмаматова, Кумушбиби

Телевидениеда муаллифлик кўрсатувлари: тузилиши, типологияси ва маҳорат масалалари. – Т.: “Firdavs-Shoh nashriyoti”, 2025.138 б.

Ушбу монография телевидениеда муаллифлик кўрсатувлари, уларнинг тузилиши, типологияси ва маҳорат масалаларига бағишланган. Ундан “Аудиовизуал журналистика”, “Тележурналистика”, “Интерактив журналистика” фанларидан маъруза ва семинарлар олиб боришда, илмий тадқиқот ишлари, малакавий битирув ишларини ёзишда, ўқув кўлланмалар, дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкин.

ISBN 978-9910-670-55-8

© ЭРМАМАТОВА К.Р., 2025
©“FIRDAVS-SHOH NASHRIYOTI”, 2025

КИРИШ

Жаҳон медиаконида бугунги кунда замонавий техника-технологиялар ривожланиши натижасида ахборот оқимининг янада жадаллашуви, кишиларнинг информация алмашув жараёни енгиллашиб бораётган бир пайтда журналистика соҳасининг илғор тараққий этиши долзарбланимоқда. Айниқса, интернет тармоғининг ривожланиши ОАВ турларида эълон қилинаётган янгиликларга эҳтиёжни камайтириб, глобал тармоқ тезкорлик хусусиятини бошқа воситалардан кўра илдам ва шиддат билан намоён этмоқда.

Телевидение жонли эфир ва трансляциялар, шунингдек, кўнгилочар дастурлар ҳисобига аудитория эътиборини жалб қилишга уриниши кузатиляпти. Телевизор экранларига томошабинлар диққатини тортиш долзарб масалага айланган. Журналист, муаллиф тушунчаси ҳозирги даврда кўпроқ янгиликлар журналистикасида долзарб ва муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Муайян факт, ахборот билан бирга, ўткир таҳлил жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Дунё телевидениесида муаллифлик кўрсатувларининг айнан воқеалар таҳлиliga урғу беришга интилиши кузатилмоқда. Бу эса кучли қалам ва сўз соҳиблари, фикри теран журналистларнинг янада ортишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соҳа ходимларига йўллаган табригида “Эл-юртимизнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши мурасасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман. Албатта,

барчамиз яхши тушунамиз, бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакилларидан нафақат профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба, ўз сўзи учун масъулият ҳисси, айни вақтда юксак гражданлик позицияси, маънавий жасорат ҳам талаб этилади”, дея соҳа ривожини учун муҳим фикрларни билдиради. ¹ Яратилган имкониятлар журналистларнинг янада кенгроқ ижодий фаолият юритишлари, халқ, юрт, бутун дунё учун долзарб ҳисобланган мавзуларни жамоатчиликка етказиш ва бу борада муайян фикрларни шакллантиришлари учун хизмат қилиши лозим. Бугунги кунда жамоатчилик муаммоларини очиқ айтиш, мамлакат ва жаҳондаги воқеликларга тезкор муносабат билдириш каби вазифалар журналистлар олдида устувор бўлиб турибди.

¹ Мирзиёев Ш. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан мамлакат Президентининг соҳа вакилларига табриги. 27.07.2017 /uza.uz/ (м.в. 30.01.2019)

I БОБ. МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

1.1. Муаллифлик кўрсатувларининг ўзига хослиги ва тузилиши

ОАВ турлари орасида энг таъсирли ва нисбатан тезкор ҳамда кўп аудиторияни қамраб олган телевидениеда чексиз имкониятлар бор. Бугунги давр тележурналистларга ижодий маҳсуллари бўлган муаллифлик кўрсатувлари орқали жамиятнинг барча муаммо ва масалаларини ўрганиши, уларни таҳлил қилиши ёки аудиторияга фақат ахборот етказиш билан чекланмасдан, кўнгилочар, маънавий-маърифий дастурлар тайёрлаш талабини қўймоқда. Натижада, янги кўрсатувлар вужудга келиб, уларнинг тузилиши, таркиби, яратилиш технологиялари замонавий тенденцияларни ўзида акс эттирмоқда. Бу эса уларни тадқиқ ва таҳлил қилиш масаласининг долзарблигини кўрсатади.

Кўнгилочар дастурлар, турли мавзуларда тайёрланган кўрсатувларда журналист фақат муҳаррир сифатида иштирок этиб қолмоқда. Муаллифлик кўрсатувлари, уларда журналистларнинг иштироки яққол намоён бўлаётган, бу орқали аудитория қалбидан жой олаётган медиа маҳсулотлар бармоқ билан санарли ҳолатга келиб қолган. Жамият муаммоларини очиб бериш, ўрганиш, бунда журналист ақли, тафаккури, профессионализмига эҳтиёж ҳар қандай даврда устувор бўлиб келган. Шу жиҳатдан, бугун замонавий медиа муҳитида телевидениеда дастур ва шоулар қандай кўринишда ҳамда уларда кимнинг иштироки, ўрни аҳамиятга эгаллиги долзарб бўлиб турибди. Бугун медиа макон тубдан ўзгариб кетмоқда. Бу эса кўрсатувларни таҳлил қилиш ва ўрганишнинг эҳтиёжини янада оширмоқда.

А. Тепляшина муаллифлик журналистикасининг жанр моделини, Л. Кайда публицистикада муаллифлик позициясини, М. Старуш публицистик асарда муаллифлик “мен”ини, А. Кустарёв журналистик асарлардаги рақобат ва можарони, В. Коломина муаллифлик журналистикасининг янги тенденцияларини интернет мисолида, А. Колесниченко муаллифлик журналистикасини умумий тушунча сифатида турли томондан ўрганган ва тадқиқ қилган. Телевидениеда муаллифлик кўрсатуви тушунчаси эса алоҳида шакл ёки жанр сифатида

ўрганилмаган, аммо соҳа мутахассислари бу атамани амалий жараёнларда фаол қўллашади.

Шу пайтгача телеасарлар журналистика назарияси билан боғлиқ билимлардан келиб чиқиб, умумий аспектда ўрганилган. Аксарият илмий адабиётларда муаллифлик кўрсатувлари алоҳида объект сифатида чуқур тадқиқ этилмаган. Унинг ўзига хос жиҳатлари, тематик дастурлардан фарқи, тузилиши, турли шоулар ва телемаҳсулотлардан фарқли жиҳатлари ўрганиб чиқилмаган. Соҳага оид адабиётларда жанрлар ҳақида сўз боради, лекин муаллифлик кўрсатуви жанр сифатида ҳам, телевидение маҳсулотининг бир шакли сифатида ҳам илмий адабиётларда кўрсатилмаган. Ваҳоланки, “муаллиф мени”, “муаллифлик лойихаси”, “муаллифлик дастури”, “муаллифлик кўрсатуви” тушунчалари жаҳон, хусусан, ўзбек тележурналистикаси амалиётида кенг қўлланилади.

Шунингдек, соҳага оид Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тарихи, ривожланиш босқичлари, бугунги кундаги фаолиятига бағишланган “Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси: замон билан ҳамқадам”, телерадио журналистикаси тараққиёт босқичлари, жанр хусусиятлари ҳамда соҳага салмоқли ҳисса қўшган ва қўшаётган журналист, режиссёр, диктор-бошловчилар ҳаёти ва ижоди ҳамда бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган давлат ва нодавлат телерадиоканаллар ҳақида сўз борадиган “Радио ва телевидение”, телевидениеда ўзига хос мактаб яратган Маҳкам Маҳаммедов, Галина Мельникова, Насиба Иброҳимова, Турсун Қоратоев, Фарҳод Бобожонов каби соҳа мутахассисларининг хотиралари жамланган “Телевидение – менинг тақдиримда” илмий-оммабоп тўплами чоп этилган. 2 Мазкур адабиётларда ҳам ўзига хос мактаб яратган муаллиф-журналистлар, уларнинг лойиҳалари, кўрсатувлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Бугунги кунда телевидение аудиторияни шов-шувли ахборотлар, шунингдек, мусиқа, сериал ва фильмлар, реалити шоу сингари

2 Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси: Замон билан ҳамқадам / таҳрир ҳайъати А. Хаджаев ва б.; нашр учун масъул Ш. Ҳайитов, П. Алламбергенова. – Т.: Dizayn-Print, 2022; Хаджаев А., Ҳайитов Ш. Радио ва телевидение. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: IJOD-PRESS, 2022; Телевидение – менинг тақдиримда. Тўплам / нашр учун масъул: Ш. Ҳайитов. – Т.: IJOD-PRESS, 2022.

кўнгилочар дастурлар орқали кўпроқ ўзига жалб қилишга уринмоқда. Шунга қарамасдан, телеканалларда қизиқарли, бошқа дастурларга ўхшамайдиган муаллифлик лойиҳаларини тайёрлаётган ҳамда бу билан аудиторияси қамровини кенгайтириб бораётган тележурналистлар ҳам кўпчиликти ташкил қилади.

Муаллифлик кўрсатувлари ва унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишдан аввал, биринчи навбатда, телекўрсатув тушунчаси моҳиятини англаш зарур. Турли манбаларда ушбу тушунчага берилган таърифларни кўриб чиқамиз:

1) “Телевизион дастур – умумий мақсад ва яхлитликка эга, телевидение орқали намойиш этиладиган видео кетма-кетликдир”.³

2) “Телевизион дастур – олдиндан тузилган сценарий (режа) асосида яратилган ва телевизион каналлар орқали узатиш учун тайёрланган асар”.⁴

Бу таърифлардан маълум бўладики, муайян мақсаднинг мавжуд бўлиши, сценарий асосида яратилиши, видео кетма-кетликлар жамланмаси теледастурга хос хусусиятлардир. Қўшимча қилиб шуни таъкидламоқчимизки, қатъий сценарий асосида тайёрланмайдиган, импровизацияга асосланган, воқеа жойидан тўғридан-тўғри уланишлар, трансляциялар, жумладан, спорт мусобақалари шарҳи, жойлардан узатилган репортажлар ва шу каби теледастурлар ҳам мавжуд бўлиб, улар рақобатбардошликни таъминловчи муҳим омиллар ҳисобланади. Бунда тезкорлик, долзарблик, реал вақт режимида янгиликларни етказиш сингари хусусиятлар катта аҳамиятга эга.

Муаллифлик лойиҳалари телевидение вужудга келган ва маълум муддат ривожланганидан сўнг экранларда намойиш этилган. 1956-йилдан Тошкентда телевизион кўрсатувларни мунтазам эфирга узатиш бошланган бўлса, олти йил ўтиб, 1962-йилдан Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларини бир неча дастур орқали эфирга узатиш йўлга қўйилган.

³<https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/364776> (м.в. 12.12.2019)

⁴ Дедов А. Технологии телевизионной журналистики. [Электронный ресурс]: учебное пособие. – Курган: Издательство Курганского государственного университета, 2017.

[//dedovkgu.narod.ru/bib/dedov2.htm#1.4](https://dedovkgu.narod.ru/bib/dedov2.htm#1.4)_ Телевизионная_ программа._ Форматы_ телевизионных_ программ/ (м.в. 11.03.2020)

Ўтган асрнинг 70-80 йилларига келиб, Ўзбекистон телевидениеси эфирга бераётган кўрсатувлари билан томошабинлар қалбидан чуқур ўрин эгаллай бошлади. “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Ойнадан ўпкалама”, “ТВ-альманах”, “Телевизион миниатюралар театри”, “Оламда нима гап?” каби туркум кўрсатувлар бунга мисолдир.⁵ Мантиқан олиб қаралганда, дастлабки дастурлар фильм кўринишида, таълим-тарбиявий, маданий жиҳатдан юксак мазмунда тайёрланган. Сабаби, телевидение ривожда илк йиллар асосан режиссёр, сценарийнавис ва дикторлар ҳиссаси бирламчи саналган. Журналистика ва унинг имкониятлари кейинги йилларда кенгая борди.

Тошкент Телемаркази очилишига гувоҳ бўлган ва дастлабки дастурларнинг ижодий жамоаси таркибида бўлган Анбара Отамуродова ўз хотираларида “Ўлкам, омон бўл” мусиқали кўрсатуви намойиш қилингани ва унинг тайёрланишида муҳаррир сифатида иштирок этганлигини ёдга олади.⁶ Ушбу маълумотлар ҳам илк дастурларнинг жамоавий тарзда тайёрлангани, журналистлар уларнинг муҳаррирлари сифатида иш бошлаганларини исботлайди.

Муаллифлик кўрсатувлари теледастурлар сирасига киради ва ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Авваламбор, мазкур тушунча моҳияти ва унга берилган таърифларни кўриб чиқамиз.

Рус тадқиқотчиси М.А. Мясницкая қуйидагича таъриф беради: “... штамп ва трафаретлардан ҳоли, муаллиф, муайян шахснинг хусусий иқтидори ноёб ва такрорланмас кўринишда намоён бўлган дастурдир”.⁷ Бунда тадқиқотчи телеасарнинг бирламчи хусусияти сифатида штамп ва трафаретлардан йироқ бўлишини қайд этган. Яъни муаллифлик кўрсатуви – ижодкор томонидан бирор-бир соҳа, йўналиш, мавзуга бағишланган муайян ғояни эфирга журналистнинг ўзи томонидан олиб

⁵ Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси: Замон билан ҳамқадам / таҳрир ҳайъати А. Хаджаев ва б.; нашр учун масъул Ш. Ҳайитов, П. Алламбергенова. – Т.: Dizayn-Print, 2022. – Б. 16-18.

⁶ Телевидение – менинг тақдиримда. Тўплам / нашр учун масъул: Ш. Ҳайитов. – Т.: IJOD-PRESS, 2022. – Б. 41.

⁷ Мясницкая М. А. Художественные программы на телевидении.

//sites.google.com/site/gosyfjnsu/13-avtorskoe-televidenie-istoria-i-sovremennost// (м.в. 11.03.2020)

чиқилиши кўзда тутилган теледастур, телелойиҳадир. Бунда энг асосий жиҳатлардан бири – муаллифга тегишли ғоя.

Мазкур чиқишлар бир қанча хусусиятлари билан бошқа дастур ёки кўрсатувлардан ажралиб туради:

- мақсадли аудиторияга йўналтирилганлиги;
- ғояларнинг оригинал, бошқаларга ўхшамаслиги;
- муаллиф иштирокининг муҳимлиги. У ғоя, сценарий муаллифи, шу билан бирга, телемахсулотни тайёрлаш вақтида ташкилий ишларнинг асосий қатнашчиси ва бошқарувчиси, кўпинча бошловчиси ҳамдир;
- кўрсатувда жанрлар хилма-хиллиги.

Энди ушбу хусусиятларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталамиз.

Мақсадли аудитория – бу умумий ижтимоий характеристикага ва ягона информацион қизиқишга эга бўлган инсонлар гуруҳидир. Ижтимоий характеристика кишиларнинг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, фаолият юритадиган тури ва бошқа жиҳатларни қамраб олади. Умумий ёш, жинс, ижтимоий мавқедаги инсонларга мўлжалланган медиа маҳсулотнинг рақобат кучайган даврда мухлисларини топа олиши ёки рейтингда юқори ўринларни эгаллашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Муайян ижтимоий характеристикага эга инсонларга мўлжаллаб телемахсулот тайёрлаш самарали усулдир.

Ғоянинг оригинал, бошқаларга ўхшамаган кўринишда бўлиши ҳам муваффақиятни таъминловчи муҳим омил. Асар ўйинли, кўнгилочар ёки публицистикага дахлдорлиги кам, асосан реалистик бўлиши ҳам мумкин. Бу муаллифнинг ижодкорлигига боғлиқ, чунки у ўз ғоясини амалга ошириши учун қайси йўналиш муваффақиятлироқ бўлишини олдиндан кўра олади. Жумладан, “Yoshlar” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Osh bo‘lsin!” дастурини 8 типик мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур муаллифлик кўрсатувида муаллиф ва бошловчи Гулҳида Жўраева ошпазлик, пазандалик маҳоратига оид мавзуни одатдагидан фарқли равишда томошабинларга етказди. Бунда муаллиф томонидан ёзилган матн ва унинг ўқирилиши, стенд-апларда ўзига хослик кузатилади.

8 “Osh bo‘lsin!” кўрсатуви. // <https://www.youtube.com/watch?v=A6gBc1sWo04//> (м.в. 12.03.2020)

Бир неча йил “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга узатилган “Kelin-kuyov” шоуси 9 ҳам муаллифлик кўрсатувларининг бир кўринишидир. Муаллиф ва бошловчи Соат Шарипов ўзининг оригинал ғоясини илгари суриб, бевосита телетомошабинлар иштирокида ўз дастурини тайёрлайди. Бир муддат бу кўрсатув “Milliy TV” орқали намойиш этилди. Кўрсатув ўзининг мавзуси, таркибий тузилиши, бошловчи маҳорати ва ўзига хос юмори билан мухлисларига эга бўлган ҳамда шуҳратга эришган.

“Муаллифлик кўрсатуви” тушунчасида “муаллиф” сўзининг қўлланилиши бежиз эмас, яъни унда муаллифнинг шахсий иштироки бирламчи ҳисобланади. У ташқи кўриниши жиҳатидан эфирга мос келмаслик каби сабаблар туфайли дастур бошловчиси сифатида намоён бўлмаслиги мумкин. Аммо телеасар матни, кадр орти овози, тузилишидан унда иштирок этувчи шахсларнинг ким бўлишигача барча жиҳатларда муаллифнинг ўрни катта бўлади. Агар кўрсатувнинг бошловчиси ҳам бўлса, бу кўп ҳолларда дастурнинг муваффақиятини таъминлайди ҳамда муаллифнинг имиджини намоён этишига хизмат қилади. “... муаллифнинг ўзи бошловчи бўлиши – дастурнинг бирламчи белгиси”, деб ҳисоблайди тадқиқотчи Л. Акопян.¹⁰

“O‘zbekiston” телеканали орқали маълум бир муддат эфирга узатилган “Tashrif”¹¹ телеасарида таниқли суҳандон Шуҳрат Қаюмов бошловчилик қилган. Шу билан бирга, Ш. Қаюмов кўрсатув муаллифи ҳам ҳисобланади. Бунда журналист ва бошловчи дастурни бошқариб турган инсонлиги, бошқача айтганда, унинг “соҳиби” ўзи эканлигини кўрсатади. Тележурналист сценарий ёзмаслиги, нутқи кўпинча спонтан бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳақда ўзбек тадқиқотчиси қуйидагича ёзади: “Нутқ спонтан характерда бўлиши ҳам мумкин. Дарс жараёни, журналистларнинг турли тадбирлардан тўғридан-тўғрирепортажлари, интервьюлар ана шу характердаги нутқ ҳисобланади. Бу нутқлар мазмуни одатда, олдиндан ўйлаб қўйилган бўлишига қарамасдан,

9 “Kelin-kuyov” шоуси. // <https://www.youtube.com/watch?v=A-FaiI0rRaE/> (м.в. 01.04.2020)

10Акопян Л. Авторы телепередач и аудитория. Взаимосвязь // *Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире*. 2014. Т. 3. № 6. – С. 115-120.

11 “Tashrif” кўрсатуви. // <https://www.youtube.com/watch?v=jApJTJW8qzU/> (м.в. 01.04.2020)

ижродагикутилмаганлик ва тезкорлик унинг фонетик жиҳатдан шаклланишига ҳам таъсир қилади”.¹² Журналист ёки бошловчи спонтан нутқда сўзласа ҳам, суратга олиш жараёнларидан олдин қўлида, албатта, муайян қайдлар бўлади. Сабаби, ҳар қандай кўрсатув маълум бир режа ёки сценарий асосида тайёрланади. Унингсиз дастур “хом”, тартибсиз, тушунарсиз ҳолатга келиши мумкин. “Tashrif” кўрсатувида ҳам ана шу камчиликлар кўзга ташланади. Шунга қарамай, бошловчини ижод қилмайди, деб бўлмайди. Кўрсатувнинг режасини тузади, вазиятга қараб, режасини ўзгартиради, респондентига берадиган саволлари қандай бўлишини ўзи ҳал қилади ва тузади.

Ўрганилаётган телемахсулот турининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – унинг турли жанрларга мансуб бўлишидир. Инсонларни мулоқот мавжуд бўлган медиамахсулотлар қизиқтиради, жумладан, суҳбат, мунозара, ток-шоу ва ҳ.к. Очерк, бадиий портрет, бадиий тележурнал, публицистик жанрдаги телемахсулотлар монтажида динамика, кадрлар хилма-хиллиги кузатилади.

Кўрсатувлар муайян сценарий асосида ўзига жалб қилувчи кириш билан бошланади. Кўпинча киришда журналист-муаллиф намоён бўлади. Кўп ҳолларда “шапка”да (дастур номи ёзилган кадр) унинг сурати ҳам акс эттирилади. Бундай ҳолатни ток-шоулар, таҳлилий дастурлар ва суҳбат жанридаги чиқишларда кузатиш мумкин. Типик мисолларга юзланамиз. Масалан, “Zo‘r TV” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Siz bilan” дастури шапкасида бошловчи Ферузабону Абдурахмонованинг ўзини ҳам кўриш мумкин. Асосий қисмда асар формати ва жанрига қараб, суҳбат ёки ўйин ва етакчи ахборотлар берилди.

Суҳбат жанридаги телемахсулотларда журналист унинг одатий мулоқотларга ўхшамаслигига ҳаракат қилиши лозим. Олдиндан тайёрланган саволлар даражаси ва жавоб юзасидан кутилмаганда саволлар бера олиш журналистнинг маҳоратига боғлиқ бўлади. Интервью олувчи ўзининг суҳбат йўналишига эриша олиши керак. Бунда, шунингдек, студия шароити, декорацияси ва муҳити ҳам муҳим

¹² М.Т. Қаршиева, С.Б. Тўраева. Тилшуносликда фоностилистикада экстралингвистикомиллар. СХХI междунар. науч.-практ. конф. – № 21 (121). – М.: Интернаука, 2019. – Б. 487.

рол ўйнайди. Жумладан, Ферузабону Абдурахмонованинг “Siz bilan” лойихаси аслида “Vodiy sadosi FM” тўлқинлари орқали тингловчилар эътиборига ҳавола этилган. Кейинчалик “Zo‘r TV” телеканалда эфирга узатила бошлаганда ҳам радиостудиядан ёзиб олинар эди. Тез орада ушбу кўрсатув кенг студия, сахнавий безакларга эга, аудиторияси мавжуд муҳитда эфирга узатила бошланди. Бу эса кўрсатувнинг томошабинлари сони ошишига ҳам хизмат қилди. Якунда ҳар бир дастурда олиб чиқилган мавзудан келиб чиқиб, муайян хулосаларга келинади ёки хулоса телетомошабинларга қолдирилади.

Муаллифлик кўрсатувларига хос яна бир жиҳат – унинг номланиши муаллифнинг исми билан боғлиқ бўлади ёки тўғридан-тўғри муаллиф-журналист исми ёки шарифи дастур номига айланади. Масалан, “Первый канал”да эфирга узатилувчи “Познер” (муаллифи В. Познер) ҳамда И. Ургантнинг “Вечерний Ургант”, “НТВ” да намойиш этилувчи “Поздняков” (муаллифи К. Поздняков) кўрсатувларини мисол қилиб келтириш мумкин. Аммо бу муаллифлик дастурлари учун мажбурий хусусият эмас. 13 Келтириб ўтилган дастурлар орасида “Вечерний Ургант” кўрсатувини тадқиқотчи А. Каширин муаллифлик кўрсатуви деб ҳисобламайди. “Бундай шоуларбир неча муаллиф-сценарийнавислар жамоасининг профессионал меҳнати маҳсули ҳисобланади ва улар муаллифлик дастури ҳисобланмайди”. 14 А. Каширин бу борада ҳақ фикрларни билдириб ўтган. Сабаби телемаҳсулот маълум бир муаллифнинг ғояси, сценарийси ва саъй-ҳаракатлари орқали юзага келади, агар бу жараёнларда бошқа журналист ёки ижодкорлар иштирок этса, жамоавий дастурга айланади. Масалан, “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Assalom, O‘zbekiston!” кўрсатувининг 15 ҳар бир куни учун алоҳида муаллифлар ажратилган. Шунга қарамай, уни

13 Каширин А. Авторские телепрограммы как объект коммуникативно-прагматического исследования. <https://cyberleninka.ru/article/n/avtorskie-teleprogrammy-kak-obekt-kommunikativno-pragmaticheskogo-issledovaniya/> (м.в. 20.12.2019)

14 Каширин А. Авторские телепрограммы как объект коммуникативно-прагматического исследования. <https://cyberleninka.ru/article/n/avtorskie-teleprogrammy-kak-obekt-kommunikativno-pragmaticheskogo-issledovaniya/> (м.в. 20.12.2019)

15 “Assalom, O‘zbekiston!” кўрсатуви. // <https://www.youtube.com/watch?v=DB6pazmMOp8/> (м.в. 02.04.2020)

муаллифлик дастури деб атаб бўлмайди. Сабаби унинг тайёрланишида ижодкорлар жамоаси ҳиссасини қўшади. Бошқача айтганда, телеасар жамоавий меҳнат маҳсулидир. Шу сабабли айрим ток-шоуларни муаллифлик дастури, дея аташ тўғри бўлмайди. Улар асосан интервью-сухбат кўринишида тайёрланади, аммо истисно ҳолатлар ҳам мавжуд. Ток-шоуларда маъмур, режиссёр, техник ходимлар журналистга ёрдамчи вазифасини ўтайди. Айрим ҳолларда муаллифлар ва муҳаррирлар жамоаси бир телемаҳсулот устида ишлаши мумкин. Лекин бутун ижодий ва ташкилий жараёнлар муайян ижодкор – муаллиф ва бошловчи зиммасида бўладиган ток-шоулар ҳам фаолият юритмоқда. Жумладан, “O‘zbekiston” телеканалида эфирга бериладиган “Munozara maydoni”да меҳнат қиладиган жамоа муаллиф Нилуфар Жумаевага ижодий ва ташкилий жараёнларда ёрдамчи вазифасини бажаради. Асосий масалалар, ғоя, мавзу, иштирокчилар кимлардан иборат бўлиши, дастур қандай тузилишда бўлиши, саволлар таркиби ва кетма-кетлиги каби қолган барча масалалар ижодкор томонидан амалга оширилади. Ушбу жиҳатлардан келиб чиқиб, “Munozara maydoni”ни муаллифлик лойиҳаси қаторига киритиш мумкин.

Журналистларнинг ижодий фаолияти натижаси бўлган муаллифлик кўрсатувлари муайян функцияларни ҳам бажаради. Авваламбор, телевизион дастурлар бажарадиган вазифалар борасида тўхталган маъқул. Уларни белгилашга бўлган эътибор XX асрнинг ўрталарига тўғри келади. 1922 йили ВВС корпорациясининг биринчи бош директори Джон Рейт томонидан “Ахборот бериш, ёритиш ва кўнгил очиш” принципларининг белгиланиши журналистика вазифаларини ишлаб чиқишга замин яратди. 16 Россияда эса телевидениенинг ижтимоий функцияларини классификация қилиш 1950 йилларда бошланди. 17 Тележурналистиканинг маълум функцияларини белгилаган ҳолда, у томон интилиши мақсадли аудиторияни шакллантиришга хизмат қилади.

16 Любимов Б.И. Общественное вещание: британская модель. – М.: Издательство ВК, 2006. – С. 42.

17 Сапак В.С. Телевидение и мы. – М.: Искусство, 1988. – С. 112.

Россиялик кинорежиссёр ва телепродюсер А.Роднянский аудиторияни 5 та гуруҳга ажратади:18

- “интеллектуаллар” – телевидениени, энг аввало, ахборот манбаи деб қабул қилувчи инсонлар;

- “активистлар” (фаоллар), телевидениени муайян статусга эга бўлиш, ижтимоий ҳаракат воситаси сифатида билувчи инсонлар. Бундай инсонларнинг теледастурлардан оладиган ахбороти улар учун маълумотлардан хабардор бўлиб, шу орқали муайян муҳитда фаолиятни олиб боришларига хизмат қилади;

- “оилалилар”– улар учун телевидение – оилани бирлаштирувчи омил;

- “дам олувчилар”– улар учун телевидение ҳордиқ чиқариш воситасидир;

- “жамиятга қўшила олмайдиганлар” – бундай инсонлар ўзлари ва ўз ҳаётларига ўралиб олганлар ва улар учун телевидение ҳаёт адолатсизлигини исботлайдиган оддий тезисдир.

Тадқиқотчилар ОАВ нинг 7 та ижтимоий функциясини ажратиб кўрсатади:19 (1-жадвалга қаранг)



1-жадвал. ОАВ функциялари.

18 Добрынин С.А. Особенности телевизионной коммуникации в современных проектах с двумя ведущими // Вестник электронных и печатных СМИ. – № 2. – С. 100-105.

19 Фомичева И.Д. Социология СМИ. – М.: Аспект Пресс, 2007. – С. 52.

Функциялар борасида турлича тадқиқотлар бор. Уларнинг барчасида инфор­мацион функция бирламчи ҳисобланади. Шунингдек, ижтимоий, ташкилий функциялар деярли барча классификацияларда мавжуд. Аммо 1-жадвалдаги онгни бошқариш вазифаси бошқа классификацияларда учрамайди. Онгни бошқаришни ОАВ функция сифатида ўз ол­дига қўйиб олиши мунозарали. Чунки бу вазифа эмас, балки ОАВ, журналистикага хос жиҳат, дейиш тўғрироқ, назаримизда. Яна бир классификацияни кўриб чиқамиз.

Телевизион ОАВ бажарадиган вазифаларни социологлар икки гуруҳга ажратган ҳолда кўриб чиқишни таъкидлайдилар:20

- Ижтимоий йўналтирилган;
- Индивидуал йўналтирилган.

Уларнинг ҳар бирига қатор функциялар киради:

Ижтимоий йўналтирилган	Индивидуал йўналтирилган
-------------------------------	---------------------------------

Ахборот бериш, хабардор қилиш	Информацион
-------------------------------	-------------

Ижтимоий назорат ва бошқарув	Шахсий идентификация
------------------------------	----------------------

Жамоатчилик шакллантириш	фикрини Интеграция ва ижтимоий мулоқот
--------------------------	--

Мафкуравий-тарбиявий	Кўнгил очиш, рекреатив
----------------------	------------------------

Жамият ижтимоий фаоллигини амалга ошириш	аъзоларининг
--	--------------

Маданиятни тарғиб қилиш	
-------------------------	--

Кўнгил очиш	
-------------	--

Коммуникатив ёки ижтимоий алоқа	
---------------------------------	--

Мобилизация	
-------------	--

2-жадвал. ТВ функциялари.

20 Шилова В.А. Полифункциональное телевидение в системе интерактивного управления социально значимыми процессами // Социология и социальная антропология. – 2000. – № 2. – С. 25-27.

Тележурналистика бўйича дарсликлар ёзган тадқиқотчилар телевидениенинг 7та ижтимоий функциясини санаб ўтадилар: 21 (3-жадвалга қаранг)

информацион
маданий-маърифий
интегротив
ижтимоий-педагогик
ташкилий
таълимий
рекреацион

3-жадвал. Телевидение функциялари.

Деярли ҳар бир классификацияда маданий функция мавжуд. Муаллифлик кўрсатувларининг маданий-маърифий функцияларини кўриб чиқамиз.

Исталган теледастур қайсидир маънода инсонни маданият билан бирлаштиради, маданий маълумот, ахборотларни ўзида сақлайди. Ҳаттоки информацион дастурларда ҳам маданий ахборотлар бўлади.

Ёритилаётган воқеа-ҳодисалар иштирокчилари, бошловчилар, уларнинг мулоқот услуби, саводхонлик даражаси ва ҳ.к.ларда маданий ахборотлар мавжуд бўлади. Буларнинг барчаси томошабин онгига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Ушбу функция туфайли кўпинча етарлича маданиятга эга бўлмаган, саводсиз телебошловчилар танқидга учрайди ва норозиликларга сабаб бўлади.

Шунингдек, телевидение ўзининг маданий-маърифий функциясини маданий тадбирларни ёритиш ёки трансляция қилиш, спектакллар, концертлар, кино ва телефильмлар намоиши орқали ҳам бажаради.

21 Телевизионная журналистика / Г.В. Кузнецов и др. – М.: Высшая школа, 2002.; Князев А.А. Основы тележурналистики и телерепортажа. – Бишкек: Изд-во КРСУ, 2001.
<http://www.evartist.narod.ru/text1/09.htm> (м.в. 25.02.2020)

Айтиш жоизки, маданий-маърифий мавзудаги кўрсатувларда дидактика элементлари ҳам мавжуд бўлади. Бунда муаллифларнинг вазифаси – бу ишни ўта нозик йўллар билан амалга оширишдир. Сабаби, томошабин ўзига “ақл ўргатилаётгани”ни ҳис қилса, бу унинг ғашига тегади ёки ҳафсаласини пир қилади.

Умумий ўзбек телевидениесининг типик ҳолатини анализ қиладиган бўлсак, маданий-маърифий вазифани бажаришда, айниқса, “Madaniyat va ma’rifat”, “O‘zbekiston”, “Mahalla” каби телеканаллар фаоллиги кузатилади. Қиёсий жиҳатдан, хусусий телеканаллар ҳолати юзасидан “Milliy” фаолияти таҳлил қилинганда, йўналиши ва формати бўйича миллийликни тарғиб қилиш асосий мақсад этиб қўйилганлиги англанади. Ундаги шапкалар, анонслар, реклама, шунингдек, кўрсатув номлари миллийликни, қадриятларимизни, маданий ўзига хос жиҳатларимизни намоён этади. Ваҳоланки, дастлаб телеканалдаги дастурлар ҳам шунга мос равишда бўлиши назарда тутилган эди. Аммо ҳозирги кундаги фаолиятида мазкур мақсад ва вазифаларнинг ўзгарганлиги кўзга ташланади. Жумладан, телеканалнинг дастлабки кўрсатувларидан бири бўлган, маълум муддат эфирга узатилган журналист Акмал Мирзонинг “Cho‘y ustida” муаллифлик дастури ҳам маданий-маърифий вазифани амалга оширган. Дастур номининг ўзиёқ ўзбек маданияти, қадриятларига хос жиҳатни намоён этмоқда. Кўрсатув суҳбат жанрида тайёрланади ва унинг номи ҳам ўзбекона чой устида суҳбатлашиш урф-одатига мос танланган. Студияда декорация сифатида китоблардан фойдаланилгани, чойнак ва пиёланинг ҳам миллий пахта гулли безакка эгаллиги, савол-жавобларда маданий қадриятларимизга зид келадиган сўз ва иборалардан фойдаланилмаслиги кўрсатувнинг маданий-маърифий функцияларини кўрсатади.

“Исталган теледастурнинг маданиятга алоқаси бўлади”, деб ёзади Г. Кузнецов. 22 Дарҳақиқат, кадрда кўринган ҳар бир инсон, у хоҳ бошловчи, хоҳ респондент бўлсин, унинг кийиниши, ташқи кўриниши, соч турмагидан тортиб, ўзини тутишигача маданий ахборотлар томошабинга етказилади. Телевидениенинг маданий-маърифий

22 Телевизионная журналистика / Кузнецов В. Г. и др. – М.: Высшая школа, 2002.

//http://evartist.narod.ru/text6/26.htm#%D0%B7_02 (м.в. 15.03.2020)

функцияси деярли барча муаллифлик кўрсатувларида намоён бўлади. Элементлар, муайян кадрлар, кийимлар, мулоқот услуби ва шу каби жиҳатларнинг барчаси ушбу функцияни бажариш юзасидан амалга ошади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муаллифлик кўрсатувлари бугунги даврда ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлиб, журналист-ижодкорга берилган катта имконият, медиамаконда ўрнини топишига хизмат қилувчи маҳсулот. Ўз сўзини айтиш ва антиқа, қизиқарли ғояларни амалга татбиқ этиш учун кенг минбардир.

Демак, журналист телелойиҳаси орқали бир неча вазифаларни амалга ошириш имкониятига эга:

- эфирнинг ранг-баранглигини таъминлайди;
- плюрализм ва демократиянинг бир кўриниши сифатида жамоатчилик фикрини шакллантиради;
- атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан тезкор, таҳлилий, бадий ёндошган ҳолда муносабат билдиради;
- қизиқарли ва ноодатий ғояларини амалга ошириш орқали томошабинларга кайфият бағишлайди, уларни ўйлантиради, фикрлашга чорлайди ёки жамият учун муҳим масала ва муаммолар ҳақида зарур маълумотларни тўплайди ҳамда етказиб беради.

1.2. Телевидениеда муаллифлик кўрсатувларининг шакллари: жанр ва формат

Тажрибали журналист Хусан Эрматов берган интервьюларидан бирида муаллифлик кўрсатувлари ва унинг аҳамияти ҳақида қуйидагича фикрларни билдирган: “Телевидение ҳақида гапирганда, Аҳмад Аъзамнинг “O‘zlik”, Норқобил Жалилнинг “Yaxshilik”, Гулмира Мусажонова, Камол Матёкубовнинг кўрсатувларини, Рўзибой Қўлдошевнинг “Mavzu”, Умидахоннинг “Azizim” дастурини эслайман. Улар ҳар бир кўрсатувни асар даражасига олиб чиқишар эди. У вақтда фақат “O‘zbekiston” канали бор эди. Кейинчалик 2000-йилларга бориб, ана шу канал базасида “Sport”, “Yoshlar” телерадиоканаллари ташкил топган. Умумий негиз, салоҳият “O‘zbekiston” телеканалида ишлаган одамлардан чиққан эди. Биз ўша даврларда кўрсатувларни кутардик. Кўрсатув мавзуси иқтисод бўладими, сиёсатми, гап унда эмас. Гап ана

ўша кўрсатувларнинг одамларга кераклигида. Одамларда ўша кўрсатувларга эҳтиёж бор эди. Ҳозирги кунда журналистикамизда иқтисод ва бошқа соҳалар бўйича чуқур ихтисослашган журналистлар етишмаяпти”. 23 Дарҳақиқат, телевидение илк тараққий этаётган даврларда аудиторияга муаллифлар тайёрлаган оригинал шакл ва мазмунга эга дастурлар тақдим этилар эди ва шу орқали журналистлар халқ орасида обрў-эътибор ҳамда шуҳратга эриша бошлаган эди.

Аслида бугунги кунда ҳам муаллифларнинг ғоялари асосида тайёрланган янги, мағзи тўқ кўрсатувларга бўлган эҳтиёж бор. Енгил, маиший мавзуларда тайёрланаётган шоулар оммалашиб бораётган бир даврда бундай кўрсатувлар сони ва сифатини ошириш долзарб масала. Бугун телевизор қаршисида ўтириб, бирор кўрсатувни кутадиган, овозини пасайтириб, фақат тасвирни томоша қилмайдиган, ойнаи жаҳондан фақат кўшиқ, мусиқа ва кино маҳсулотларини кўриш учун фойдаланмайдиган аудиторияни шакллантиришнинг муносиб ҳамда мақбул йўли – маъно-мазмунга эга, янгича ёндашув ва услубда тайёрланган муаллифлик дастурлари сони ҳамда сифатини оширишдир.

Муаллифлик кўрсатувлари турли шаклларда тайёрланиши мумкин. Улардан энг оммабоп ва кўп қўлланиладиган шакли интервью-сухбатдир. Аслида журналистик материалларнинг дастлабки кўринишлари ҳам айнан мулоқот тарзини ўзида ифода этган.

XX асрнинг 60-йилларида Россия телепублицистикасида суҳбат, мулоқот жанрлари кенг қўлланила бошлангани қайд этилади.²⁴Ўзбекистон телевидениесига бу жанр кейинроқ кириб келган. Шакли ва матбуот саҳифаларида эгаллаган ҳажми жиҳатидан интервью тайёрланиши энг осон жанрдек кўринади, чунки у асосан савол ва жавоблардангина иборат бўлади. Аммо машҳур швециялик мухбир Э. Фихтелиус бу жанрга юқори баҳо беради ва уни фақат савол-жавоблардан ташкил топувчи жанр деб ҳисобламайди. “Дейдиларки,

23 «Цензура расман қандай йўқ қилинган эди?» — Хусан Эрматов билан суҳбат.
<https://uza.uz/uz/posts/-tsenzura-rasman-anday-y-ilingan-edi-usan-ermatov-bilan-su-b-27-06-2020//>
(м.в. 11.11.2020)

24 Телевизионная журналистика / Г.В Кузнецов и др. – М.: Высшая школа, 2002.
http://dedovkgu.narod.ru/bib/telezhur.htm/ГЛАВА_3._ИСТОРИЯ_ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКИ_В_РОССИИ (м.в. 04.06.2020)

интервью санъатдир. Санъат эса чегараловчи қоидалар ва кўрсатмаларни ёқтирмайди. Бироқ айна пайтда энг истеъдодли, қобилятли рассом ҳам ўз ижодини тасвирлаш қоидаларини ўрганишдан бошлайди... Интервью репортёрдан муайян қоидаларга амал қилишни талаб этади, гарчи самарали интервью яхшилаб савол беришдан анча кенг қамровли ҳодиса бўлса ҳам”,²⁵ деб ёзади у. “Интервьюларнинг барчаси учун умумий қоидалар мавжуд. Аввало, интервьюга журналист пухта тайёргарлик кўриши лозим. Токи бош ролни ўйнаётган актрисадан “Сиз қайси ролни ижро этияпсиз?” деб сўраб, мулзам бўлиб қолманг”.²⁶

Интервью моҳиятан сўраб билиш ва уни аудиторияга етказишни мақсад қилади. Мазкур жанрда тайёрланган муаллифлик кўрсатувларида асосий моҳият мутахассис-қаҳрамондан муайян мавзу юзасидан маълумот олишга қаратилади. Уни баъзи ҳолларда муаллифнинг бевосита ўзи олиб бормаслиги ҳам мумкин. Яъни дикторлар ёки бошловчиларнинг мулоқотни олиб бориш ҳолатлари кузатилади. Интервью жанрида тайёрланган муаллифлик кўрсатувига мисол қилиб Владимир Познернинг “Познер” дастурини 27 келтириш мумкин. Муаллиф фамилияси билан номланган дастурда суҳбатдошлар Познернинг саволлар нишонига тутилади. Қатъият, йўғон овоз ва жиддийлик билан берилган саволларга респондентлар жавоб беришга ҳаракат қилишади.

Интервьюда, энг аввало, мавзу масаласи алоҳида ўрин тутлади. “Ҳар бир интервьюда бош мақсад – мавзу белгилаб олинади. Бунда кутубхоналарга бориб турли китоблар, манбалар, газета ва журналлардаги чиқишларни, ҳаётимизга кириб келган интернет маълумотларини ўрганиш, таҳлил қилиш зарурати туғилади”.²⁸ Яъни, у орқали ёритилаётган мавзу жамият учун долзарб бўлиши, ижтимоий аҳамиятга эгаллиги, ўқувчиларнинг қизиқишини уйғота олиши керак.

25 Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 66.

26 Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – Б. 87.

27 “Познер”. // <https://www.youtube.com/watch?v=TVQYTaTVUQw//> (м.в. 04.06.2020)

28 Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – Б. 87.

Бунинг учун эса журналистдан зийраклик, кузатувчанлик талаб қилинади. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида дастлабки маълумотга эга бўлиб, уларнинг орасидан энг аҳамиятлиларини ажратиб, бу ҳақда маълумот бера оладиган шахсларни топиш ва уларни мулоқотга чорлаш интервьюнинг асосий талабларидан биридир.

Суҳбат – мураккаб, долзарб мавзу юзасидан журналистнинг ваколатли шахслар билан учрашуви, сўзлашуви натижасида тайёрланган асардир. Суҳбат жанрида тайёрланган материалнинг аҳамияти унинг айнан мулоқот натижасида вужудга келиши билан боғлиқ. Яъни бирор масала юзасидан журналистнинг, бошқача айтганда, бир кишининг фикр-мулоҳазалари билан танишишдан кўра, кўплаб инсонлар, айниқса, шу мавзуга алоқадор ваколатли ёки жамият орасида обрў-эътибор орттирган шахсларнинг фикрларини билиш томошабинларни кўпроқ қизиқтиради. Шу сабабли, суҳбат демократик жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этиб, плюрализмнинг намоён бўлиши натижасида объективлик янада яққолроқ кўзга ташланади. Масалан, “Madaniyat va ma’rifat” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Men bilgan haqiqatlar” кўрсатуви²⁹ суҳбат жанрида тайёрланади. Унда муаллиф ва бошловчи Гулмира Мусажонова фақат информация олиш мақсадида эмас, балки фикр алмашиш учун ҳам суҳбатлашаётгани кўринади. Бунда ўзаро баҳс-мунозара, фикрни маъқуллаш ёки инкор этиш, риторик савол кабиларни кузатиш мумкин.

“Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг барча турларидан доимий ўрин олиб келувчи мазкур жанрда ижтимоий ҳаётнинг кичик бир масаласидан тортиб, то энг муҳим муаммолари ҳам акс этиши мумкин. Олимларнинг илмий ихтиролари, ёзувчи ва шоирларнинг яратган янги асарлари ва ижодий фаолиятлари, машҳур санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди, спорт усталари эришган ютуқлар ва бошқалар мазкур жанр ёрдамида оммага етказилади. Давлат раҳбарлари, жамоат арбобларининг ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларига бағишланган фикр ва қарашлари ҳам кўпинча суҳбат жанри орқали ифода этилади”.³⁰ Суҳбат жанри танланган мавзунини янада чуқурроқ очиб беришга қаратилади.

29 “Men bilgan haqiqatlar”. // <https://www.youtube.com/watch?v=HWKB2VoKnzY> // (м.в. 18.02.2021)

30 Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Тафаккур, 2011.– Б. 181.

Бунда журналистдан масаланинг моҳиятини тушуниши ва суҳбат оқимини шунга қараб бошқариши талаб қилинади. Телевидениеда эълон қилинган суҳбатлар орқали жамоатчилик фикри уйғонади ва шаклланади. Суҳбат жанрида тайёрланган муаллифлик кўрсатувларини кўпинча муаллифнинг ўзи олиб боради, чунки унда жонлилик, самимийлик бўлиши учун муаллиф ўз саволларини тушуниб, англаб етган ҳолда бериши, суҳбатдошини яхши билиши ва шу каби жиҳатлар ушбу жанрдаги муаллифлик дастурининг муваффақиятини белгилайди.

Шунингдек, интервью ва суҳбат жанридаги муаллифлик дастурларида бошловчи имиджи ҳам фарқланади. Интервьюда бошловчининг ташқи кўриниши жиддийроқ, классик услубдаги имиджда намоён бўлса, суҳбатда эса суҳбатдошнинг кимлиги, суҳбат мавзуси ва бошқа жиҳатларга кўра, эркинроқ, суҳбатдошга мутаносиб ташқи кўринишдаги имиджга гувоҳ бўлиш мумкин.

Нутқ жиҳатидан олиб қаралганда, интервью керакли маълумотларни олишга қаратилган саволлардан ва уларга муносиб жавоблардан ташкил топади ва кўпинча у бир мавзу доирасида бўлади. Интервью асосан журналист саволи ва респондент жавобидан ташкил топгани сабабли асосий талаблар журналист бераётган саволларга қўйилади. “Саволлар пухта-пишиқ бўлса, мавзуга йўналтирилган бўлса, журналистнинг мавзунини билиш даражаси кўринади, интервью берувчида ўзига нисбатан ҳурматни сақлайди. Бу ҳурмат ўз йўлида интервью берувчининг ёлғон маълумот беришининг олдини олади, яъни суҳбатдош тўғри ахборот беришга, самимий бўлишга тиришади”.³¹

Суҳбат жараёнида журналистнинг аҳамияти катта бўлиб, у танланган мавзу юзасидан ўринли, зарур саволларни бериши ва уларга тегишли жавобларни олиши керак. Шунингдек, у суҳбатдошнинг жавобларига қараб, олдиндан тайёрланмаган саволларни ҳам бера олиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Суҳбат натижасида муайян хулосалар чиқариш ҳам журналистнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. “Суҳбатнинг ички тузилиши унинг мавзусидан ва журналист томонидан танланган шаклдан келиб чиқади. Бу борада тайёр, кўп учрайдиган шаблон тузилишлардан қочиб, оригинал, ижодий услуб топилиши лозим.

31 Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – Б. 87.

Суҳбатнинг тили масаласига келсак, у одатда жиддий, публицистик тилда ёзилади. Зарур ҳолларда, материалнинг таъсирчанлигини ошириш учун айрим ўхшатиш, жонлантириш, муқояса этиш каби тасвирий воситалардан, образли иборалардан фойдаланиш мумкин. Ҳажвий журналистика нашрларида қўлланиладиган ҳажвий-танқидий суҳбатларда эса ҳажвий тил ва услуб қўлланилади”.³²

Телевидениенинг ривожини учун кадрга муаллифнинг бевосита ўзини ҳам олиб чиқиш заруратга айланди. Бу эса ўз-ўзидан муаллифлик кўрсатувларининг такомиллашишига сабаб бўлди. Муаллифлик дастури сифатида шундай журналистик фаолият назарда тутила бошладики, кўрсатувнинг ғояси ва уни амалга ошириш жараёнларининг 90 фоизи биргина журналистга тааллуқли бўлиши лозим.³³ Бошқача айтганда, дастурнинг марказида, асосий эътиборда муаллиф туриши керак. Муаллифлик дастурининг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳам – ана шу.

Муаллифлик кўрсатувлари моҳиятига кўра, бир неча хил бўлиши мумкин: сахналаштирилган, ўйинли, кўнгилочар ёки умуман публицистик бўлмаган, реалистик, муайян муаммо ёки масалага қаратилган ва ҳ.к.³⁴ Яъни муаллифлик дастурлари фақатгина бадиий-публицистик шаклда бўлмайди, балки информацион-таҳлилий жанрларда тайёрланиши ҳам мумкин. Бу журналистнинг ижодкорлиги ва креативлиги, ёндашувига боғлиқ бўлади. Журналист ахборот ёки янгиликни шунчаки информацион жанрларга мос ҳолда тайёрламасдан, унга бадиий публицистика белгиларини қўшгантарзда тайёрлаши лозим, аммо реал факт, далил ва воқеа-ҳодисаларнинг ҳаққонийлигини бузмаслик муҳим. Янгиликнинг моҳиятига қараб, уни очерк, эссе, махсус репортаж кўринишида аудиторияга тақдим қилиш мумкин. Бу томошабин эътиборини жалб қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, муаллифлик кўрсатувининг муваффақиятини қуйидаги бошқа омиллар ҳам белгилаб беради:

32 Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Тафаккур, 2011. – Б. 183.

33 Авторская телепрограмма – как телевизионное произведение. <http://csaa.ru/avtorskaja-programma-kak-televizionnoe/> (м.в. 25.07.2020)

34 Авторская телепрограмма – как телевизионное произведение. <http://csaa.ru/avtorskaja-programma-kak-televizionnoe/> (м.в. 25.07.2020)

- кўрсатувнинг муайян жанрга мансуб бўлиши;
- мавзунинг аниқ танланиши;
- кўрсатув мазмуни билан бошловчи образининг мутаносиблиги;
- телевидениеда ифода воситаларининг комплекс қўлланилиши, яъни бу ўз ичига кадрлар композицияси, йирик, умумий, ўртача планларнинг ўзгариши, монтаж ва бошқаларни қамраб олади.

Муаллифлик кўрсатуви дикторлик, яъни сухандонлик, бошловчилик фаолияти билан кифояланмайди. Диктор – фақатгина ижрочи, у шунчаки тайёрланган матнни ўқиб беради, ахборотни етказди. Телемахсулотда эса муаллиф матнда ифодаланмаган бошқа сўзларни қўллаш олади, айрим ҳолларда чегарадан чиқа олади. У алоҳида индивидуал шахс сифатида ўзи эркин фикрлай олиши, таҳлил қобилятига ва импровизация қилиш кўникмасига эга бўлиши керак. Муаллифлик кўрсатувида журналист дўст, маслаҳатчи, ҳикоя қилувчи, ҳамдард образларида намоён бўлади. Жумладан, журналист Юлдуз Файзий ва Нозима Воҳидовага суҳбатдош билан дўст бўлиш хусусияти хос. Улар тайёрлаган асарларида меҳмонлари билан яхши ҳамроҳ бўлишга интилади, ичларида яширинган сирлар, гаплар, фикрларни юзага чиқаришга ҳаракат қилишади. Юлдуз Файзий “Men uchun odam” кўрсатувининг янги 2022-йилги сонларини янгича кўринишда тайёрламоқда. Олдингисидан фарқ қилган ҳолда, бу дастурларда муаллиф эфирда ўзи акс этмайди, кадр орти матнига ҳам кам ўрин беради, лекин суҳбатдошга таъсири, бераётган саволлари сезилиб туради. Буни оддий томошабин сезмаса ҳам соҳа мутахассислари яхши англай олади.

“Первый” телеканали бошловчиси Елена Малышевага маслаҳатчилик, ҳамдардлик хусусиятлари хос. Унинг тайёрлайдиган материаллари саломатлик мавзусига дахлдор бўлгани учун ҳам одамлар ҳақида қайғуриб гапириши, турли тавсиялар бериши кўзга ташланади.

Ҳикоя қилувчи образига типик мисол сифатида сухандон Абдукарим Мирзаевнинг “Yoshlar”да 2018 йилда 25 та сони эфирга узатилган “Yo‘ldagi odam” лойиҳаси кўпчиликка манзур бўлган. Унинг моҳиятига кўра, бошловчи йўлда кетаверади, муайян манзилни босиб ўтади ва хилма-хил ҳикояларни сўзлайди. А.Мирзаев бу дастурни

Туркияда суратга олинганини ёдга олади. 35 Ҳозирда ҳам “Yo‘ldagi odam” номини муаллиф ўзининг интернет контентларида қўллайди. 2015 йилдан эфирга узатила бошланган “Maktub” кўрсатувида ҳам муаллиф ва бошловчи Илмира Раҳматуллаева ҳикоя қилувчи образида намоён бўлади. Дастурнинг 2017 йилги сонлари ўрганилганда, Андрей Тарковский 36, Эрнест Хемингуэй 37, Сенека 38 каби дунёга машҳур шахслар ҳаёти ва фаолият йўллари ҳақида сўз борганининг гувоҳи бўлдик. Мазкур телеасарларда дунёни ўзгартирган шахслар билан боғлиқ маълумотлар қизиқарли ва бошловчи тилидан бадиий тарзда етказиб берилган.

Телевидение бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда муаллифлик кўрсатувлари бўйича аниқ классификация кўрсатилмаган. Аммо улар формати ва жанри жиҳатидан гуруҳларга ажратилади.

Муаллифлик кўрсатуви турли жанрларда тайёрланиши мумкин: 39

1. Монолог жанрлар – оғзаки публицистик ҳикоя, эссе, сатирик монолог ва ҳ.к. Бундай жанрдаги кўрсатув, одатда, тинглашни хуш кўрадиган, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг кузатувчиси бўлишни хоҳлайдиган томошабинлар учун мос келади. Бундай жанрларда рус журналистлари И. Андроников, Ю. Лотман муаллифлик дастурларини тайёрлашган. Эссе жанрида эса В. Вульф, Э. Радзинский каби журналистлар дастурларни тақдим этишган.

2. Диалог жанрлар – суҳбат, мунозара, ток-шоу ва ҳ.к. Диалог жанрлар замонавий телевидениеда фаол қўлланади. Диалог жанридаги кўрсатув бошловчилари ўз образи, кўриниши, мулоқот кўникмаси бўйича ёрқинлик хусусиятига эга бўлади. Рус журналистлари Т. Кизяковнинг “Пока все дома”, Д. Дибровнинг “Антропология”, Т. Толстая ва Д. Смирнова “Школа злословия” каби дастурлари, ўзбек журналистлари Қ. Аъзамнинг “Munosabat”, А. Мирзонинг “Choy ustida”,

35Тажрибаосон йўллар билан қозонилмайди — Абдукарим Мирзаев билан суҳбат.

//<https://kun.uz/news/2021/09/05/tajriba-oston-yollar-bilan-qozonilmaydi-abdukarim-mirzayev-bilan-suhbat/> (м.в. 25.05.2022)

36Мактуб. Андрей Тарковский// <https://youtu.be/QAhoBB6fOv8> //(м.в. 12.09.2022)

37 Мактуб. Эрнест Хемингуэй// <https://youtu.be/O9dued-cQxk> // (м.в. 12.09.2022)

38 Мактуб. Сенека// <https://youtu.be/aEsP3VCHHyE> // (м.в. 12.09.2022)

39 Мясницкая М. А. Художественные программы на телевидении. // Журналистика и жизнь. – 2017. – № 2. – С. 124-125.

Ш. Қаюмовнинг “Tashrif” каби кўрсатувларини мисол қилиб келтириш мумкин.

3. Синтетик жанрлар – очерк, ижодий портрет, телелавҳа, бадий тележурнал, публицистик жанрлар ва ҳ.

Муаллифлик кўрсатувлари айрим жиҳатлари билан ҳужжатли фильмга ўхшаб кетади. Ҳужжатли фильм – телефильм/видеофильм – муаллифлик кўрсатуви тарзида ривожланиб борганини кўрсатишимиз мумкин. Маълум вақт “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга узатилган “Azizim” кўрсатуви ҳам телефильм, ҳам муаллифлик кўрсатуви белгиларини ўзида жамлаган эди.

Муаллифлик кўрсатувлари турли форматларда тайёрланади. Тадқиқотчи ва педагог Э. Громова муаллифлик кўрсатувларини телевизион форматлардан бири, деб ҳисоблайди. 40 Муаллифлик кўрсатувлари оммавий аудиторияни бошловчининг вербал ва новербал ҳаракатлари, таклиф қилинган иштирокчилар, телевизион ҳикоянинг драматургияси, режиссёр топилмалари ва монтаж усуллари билан жалб қилади. Тадқиқотчи Э. Громова ишлаб чиққан махсус семинар машғулотида талабаларнинг муаллифлик кўрсатувларини когнитив таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратади: уларнинг формати, жанри, композициясини аниқлаш, муаллиф-бошловчининг эфирда ўзини қандай тутиш хусусиятлари, қўлланилган драматургик ва бадий-ифодавий воситаларни таҳлил қилиш ва б.

Формат (нем. Format, фр. Format, лот. Forma – шакл, кўриниш) – информацион объектнинг тузилиши, шакли ва ахборотларни намоиш этиш усули.⁴¹ Формат – бу технологик тушунча. “Телевизион формат ёки телекўрсатув, телешоу формати тушунчаси телеасарнинг ижодий концепциясини белгиловчи ахборотлар ва материаллар бирлашмасига нисбатан қўлланади. У ўз ичига сюжет, ғоя, бошловчи ва персонажлар тури, уларнинг ўзини тутиши, воқеа ва ҳодисаларнинг хронологик кетма-кетлиги, декорация ва сценография деталлари, мусиқа, хронометраж ва телевизион дастурнинг бошқа ижодий ҳамда техник

40 Громова Э. Современная авторская телерадиожурналистика. Спецсеминар. – СПб, 2016. – С. 1.

41 Цибанова Н. Классификация основного контента телеканалов по периодичности выхода в эфир // Молодой учёный. – 2014. – №18. – С. 833-837.

элементларини қамраб олади”. 42 Формат, шунингдек, дастурнинг бадий концепциясини ҳам белгилайди, бу эса сценарий ёки режа, дастурни яратиш усуллари ва йўналишларини ҳам ўз ичига олади.

Формат тушунчаси дастлаб фақат техник кўрсаткичларни назарда тутган: кўрсатув хронометражи, сигнал узатиш усули (HDTV, DVB-T, HD DVD) ва ҳ.к. Аммо кейинчалик у сифат кўрсаткичларини ҳам қамраб ола бошлади. 43 Формат – бу продюссер ва томошабин ўртасидаги келишув... жанр – муаллиф ва томошабин умидлари ўртасидаги айтилмаган келишувдир. 44 Кўпгина дастурларнинг хилма-хил жанрда бўлиши уларнинг форматига ҳам боғлиқ бўлади.

1950-йилларда формат тушунчаси радиостанцияларга нисбатан қўлланила бошланган. 45 XX асрга келиб эса, у янгича мазмун ва моҳиятни англата бошлади. Эндиликда формат нафақат радио учун, балки телевидение учун ҳам муҳим тушунчага айлана борди. Бугунги кунда телевидениеда формат атамаси телеканаллар учун умумий эмас, алоҳида теледастурларга нисбатан қўлланади. Ҳозирда форматларнинг бир қанча турлари мавжуд. Бу борада аниқ, ягона тасниф (классификация) мавжуд эмас. Формат таснифи ҳақида сўз юритишдан олдин уни қандай аниқлаш кераклигини кўриб чиқиш лозим.

- 1) Формат – дастурнинг умумий концепцияси муаллифлик ҳуқуқи орқали ҳимоя қилинадиган бренд сифатида қаралади. 46
- 2) Шунингдек, дастур формати чет эл маҳсулотининг тайёр версиясидаги ном, ишлаб чиқариш ва узатишдан фойдаланиш учун лицензия сифатида тушунилади. 47

Жумладан, BBC компанияси ўз дастурларини қуйидаги форматларга ажратади: 48 (4-жадвалга қаранг).

42 Обзор рынка обмена форматами телевизионных программ. <https://vuzlit.com/696049/vvedenie//> (м.в. 03.03.2021)

43 Обзор рынка обмена форматами телевизионных программ. <https://vuzlit.com/696049/vvedenie//> (м.в. 03.03.2021)

44 Цвик В.Л. Классическая теория жанров и современные телевизионные форматы. Вестник Московского университета. Серия 10. Журналистика. – 2010. – №10. – С. 55.

45 Радиожурналистика / под ред. Шереля А.А. – М.: Изд-во МГУ, 2002. – С. 154.

46 Формат телепрограммы // Масс-медиа: словарь терминов и понятий. URL: <http://www.slovamedia.ru/a/spiski30/termin106.html>. (м.в. 07.07.2020)

47 TV programme format // Wikipedia, the free encyclopedia. URL: http://en.wikipedia.org/wiki/TV_format. (м.в. 15.06.2020)

48 Formats // BBC. URL: <http://www.bbc.co.uk/tv/programmes/formats>. (м.в. 25.12.2019)



4-жадвал. ВВС теледастурлари формати.

Бу таснифга кўра, муаллифлик дастурлари учун мос форматлар муҳокама, информацион, ўйин ва викториналар бўлиши мумкин. Қолган форматдаги лойиҳалар жамоавий меҳнат маҳсули ҳисобланади ва кўпроқ журналистик ёки таҳлилий эмас, балки кўнгилочар ҳамда шоу хусусиятларини ўзида мужассам этади. Муҳокама форматида “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга бериладиган “Xulosa o‘zingizdan”⁴⁹, “O‘zbekiston tarixi” телеканалда намоиш этилаётган “Aslida qanday?”⁵⁰, “Tarixiy savol”⁵¹ кўрсатувлари тайёрланади. Улар ўзида муҳокама хусусиятларини ифода этади. Лойиҳаларнинг номлари ҳам унинг айнан мунозара, муҳокама форматида эканлигини кўрсатиб турибди.


Тадқиқотчи Шарлотт Вортингтон эса форматнинг 6 турини ажратиб кўрсатади:⁵² (5-жадвалга қаранг).

49 “Xulosa o‘zingizdan” //t.me/mtrkuzofficial (м.в. 02.02.2021)

50 “Aslidaqanday?” //https://www.youtube.com/watch?v=zR6WWX38f94// (м.в. 28.12.2020)

51 “Tarixiysavol” //https://www.youtube.com/watch?v=vu8x54IGbTU// (м.в. 25.06.2020)

52 Ch. Worthington. Basics Film-Making 01: Producing. – AVA Publishing, 2010. – P. 132.



5-жадвал. Тадқиқотчи Ш. Вортингтоннинг форматлар таснифи.

Бундай форматлар таснифининг илмий адабиётларда яна бир неча турини кўриш мумкин. Юқорида келтирилганлар орасида муаллифлик кўрсатувлари тайёрланиши мумкин бўлган форматларни ажратиб ўтиш мақсадга мувофиқ: реалити-шоу, ток-шоу, ўйин ва викториналар, информацион (таҳлилий алоҳида кўрсатувлар назарда тутилмоқда), мусиқий ва спорт дастурлари. Тадқиқотлардан кўриш мумкинки, жанр ҳамтележурналистикада айрим ҳолларда формат маъносида қўлланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, умумий ўзбек телевидениесини кузатиш асносида бундай телемаҳсулотларни қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

1. Ахборий-таҳлилий хусусиятга эга асарлар – “Menimcha”, “Munozara maydoni”, “Yuridik klinika”, “Xulosa o‘zingizdan”, “Sherzodxon Qudratxo‘ja bilan” ва б.;
2. Кўнгилочар-рекреатив жиҳатлар устувор телемаҳсулотлар – “Osh bo‘lsin”, “Do‘stlar davrasida”, “Kelin-kuyov”, “Siz bilan” ва б.;
3. Бадиий, маънавий-маърифий чиқишлар – “Men bilgan haqiqatlar”, “Men uchun onam”, “Uyga qaytib”, “Ziyorat”, “Birgalikda ko‘ramiz”, “Inson qadri” ва б.

Демак, муаллифлик кўрсатувлари турли хил кўринишда, жанр ва форматларда бўлиши мумкин. Аммо уларни қатор жиҳатлар бирлаштириб туради:

- 1) аниқ ва ягона (ёки ҳаммуаллифлар) муаллифнинг мавжудлиги;
- 2) ижодий ўзига хослик;
- 3) даврийлик;
- 4) ўз имиджига эгаллик ва б.

1.3. Муаллиф позициясининг телекўрсатувларда ифода этилиши ва асосий усуллари

Телемаҳсулотлар аудитория характери, маълум предмет-мавзуга йўналтирилганлиги, муайян мақсадга мўлжалланганлиги, чиқиш вақти, даврийлигига кўра бир-биридан фарқланади. Бу жиҳатлар барча ОАВга тегишли, жумладан, телевизион дастурларга ҳам. Аудитория характерига кўра, болалар, аёллар, эркеклар, ёши катталар учун мўлжалланган дастурларни мисол қилиб келтириш мумкин. Муайян мавзуга йўналтирилганлиги жиҳатидан эса ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, илмий кўрсатувлар турларини ажратиш мумкин.

Бугунги кунда телевидение каналлари орқали узатилаётган дастур, кўрсатувлар сони ортиб бориб, уларда хилма-хил мавзулар ёритиб келинмоқда. Шу сабабли телевизион дастурларни маълум турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- Ахборий дастурлар;
- Саргузашт дастурлар;
- Таълимий дастурлар;
- Спорт дастурлари;
- Илмий дастурлар;
- Болалар дастурлари;
- Кўнгилочар дастурлар.⁵³

Ҳар бир дастур тури ўз аудиториясига эга. Сўнгги вақтларда телеканаллар ихтисослашуви кузатилмоқда ва юқоридаги классификациядан келиб чиқиб, ушбу дастурлар, мавзуга қараб, ихтисослашган муайян каналларда эфирга узатилмоқда. Жумладан, ахборий дастурлар “O‘zbekiston24”, “UzReportTV” телеканалларида намойиш этилса, “Bolajon” болалар дастурларини, “O‘zbekiston tarixi” илмий, “Sport”, “FutbolTV” спорт дастурларини эфирга узатишга ихтисослашган.

53 Строкач А.А. Основы радиотелевизионной журналистики. Учебное пособие. – М.: МГИМО, 2001. – С. 131.

Журналистик маҳсулот қандай мавзуда тайёрланмасин, одатда, унинг муаллифи бўлади. Адабий жараёнда ёзувчи, шоирлар насрий ёки назмий асарлар яратса, муайян композиция ва маъно-мазмунни акс эттирувчи тасвирий санъат асарлари, яъни расмларни мусаввирлар ҳосил қилишади. Худди шу жиҳат медиа соҳасига ҳам тегишли. Телевизор томоша қилганда, телевидение контентидан хилма-хил кўрсатувлар, кино-сериаллар, ҳужжатли фильмлар жой олганини кўрамиз. Бунда ҳам ҳар бир медиа маҳсулотнинг ўз эгаси, яратувчиси мавжуд. Айнан у томонидан илгари сурилаётган ғоя, фикр, маъно медиа маҳсулот шаклида аудиторияга етказилади.

Ижодий фаолият турлари учун “муаллиф” атамаси – калит сўздир. У латинча “auctor” сўзидан келиб чиқиб, универсал маънода, у ёки бу асар: роман, симфония, тасвирий портрет, пьеса ва ҳ.к.ни яратувчи субъект маъносини англатади. Ҳар қандай инсоний маданият маҳсулининг ўз муаллифи бўлади – бир ёки бир неча, маълум ёки номаълум.⁵⁴

Журналистика назарияси ва амалиётида “муаллиф” атамасининг қўлланилиши унинг кенг қамровли эканлигини кўрсатади. Ушбу тушунча ОАВ учун тайёрланган маҳсулотнинг яратувчисини англатади. Жумладан, газета мақоласи, интернет сайт ёки блоглардаги шарҳлар, радиокомпозициялар, телевизион репортаж ёки очерклар. Журналистикада “муаллиф” атамаси қўлланилганда, у ҳуқуқий субъект сифатида ҳам намоён бўлади.

Профессional фаолият натижаси сифатида бирор ОАВ да эълон қилинган маҳсулот учун журналист аудитория ва таҳририят, шунингдек, қонун олдида ҳам жавобгар бўлади. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, муаллиф – ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахсдир.⁵⁵ “Когда умрут газеты” китоби муаллифи А. Мирошниченко муаллифликни таърифлаб, шундай ёзади: “Ҳар қандай саноат модели ва маҳсулотини копи-паст қилиш мумкин. Фақатгина муаллифликни

54 Аверинцев С.С. Авторство и авторитет // Историческая поэтика: Литературные эпохи и типы художественного сознания. – М., 1994. – С. 111.

55 Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни. 2006 йил 20 июль // <https://www.lex.uz/acts/1022944> (м.в. 25.04.2020)

кўчириб олиш мумкин эмас. Матнлар копи-паст қилинади, аммо муаллифликни ўзлаштириб бўлмайдиган. 56 Дарҳақиқат, ўзлаштириб бўлмаслик, кўчиришга йўл қўймаслик ва ўз “мен”ини шакллантириш учун ҳам журналистлар муаллифлик лойиҳалари, дастурларига қўл урадилар.

Ҳар бир ижодкорнинг маълум бир асарни яратишдан мақсади бўлади. Ўз ҳаракатлари, изланишларини ана шу мақсадни амалга оширишга йўналтиради, асарига муайян маъно-мазмунни сингдиради. Бу жиҳат ҳаттоки уни қай йўсинда ва шаклда аудиторияга етказишида ҳам намоён бўлади. Журналистлар хилма-хил, фикрлаш тарзи ҳам бири-биридан фарқли, дунёқараши ва тажрибаси жиҳатидан ажралиб туради. Бу яратилган асарни томоша қилиш ёки ўқиш орқали анланади.

Муаллифларни бир-биридан ажратиш турувчи асосий жиҳат – бу унинг “мен”идир. Бугунги кунда замонавий журналистикада муаллиф фикри, позицияси ва журналистнинг индивидуал хусусиятлари муҳим ҳисобланмоқда. Журналист ўз муаллифлик асарида ўз “мен”и ва позициясини қанчалик ёрқин намоён қила олса, шунчалик осон ва тез аудитория эътиборига сазовор бўлмоқда. Бундан ташқари, кўтарилаётган масаланинг ечим топиши тезлашмоқда ва “гап ўз эгасини топмоқда”.

Биринчи навбатда, муаллиф “мен”ининг тадқиқотлардаги таърифларини кўриб чиқамиз. Инглиз психологи Р. Бернснинг фикрича шахснинг умумий кайфияти “Мен концепцияси” орқали аниқланади. “Мен концепцияси” инсоннинг ҳаётда ўзига муносабатларда кўрсатадиган кўплаб (йўл-йўриқлари), ўзи ҳақидаги тасаввурларининг бутун бир тизимидир. Тадқиқотчи бу иборага синоним сифатида “ўз-ўзини англаш” тушунчасини қўллайди.⁵⁷ Рус тилшуноси В. Виноградов эса муаллиф “мен”и тушунчасини “муаллиф образи” атамаси билан қўллайди. “Муаллиф образи – асар моҳиятининг жамланган тимсолидир”⁵⁸, деб ёзади олим. Бунда образ тил воситалари орқали намоён бўлади. Журналистиканинг бошқа кўринишлари, масалан,

56 Тимченко И. Возвращение авторской журналистики. [Электронный ресурс] // <https://jrnlst.ru/vozvrashchenie-avtorskoj-zhurnalistiki/> (м.в. 01.05.2020)

57 Сосновская А.М. Журналист: личность и профессионал (психология идентичности). – СПб.: Роза мира, 2005. – С.41-53.

58 Виноградов В. В. О теории художественной речи: учеб. пособие. – М.: Высшая школа, 1971. – С. 118.

телевидение ва интернетда эса бошқа омиллар ҳам муаллиф образини шакллантиради. Санкт-Петербург давлат университети рақамли медиакоммуникациялар кафедраси катта ўқитувчиси Инна Тимченко мақоласида⁵⁹ муаллифлик журналистикасини янги, ёш, оммалашаётган тижорий журналистикасига қарама-қарши қўяди: “...муаллифлик журналистикаси ҳозирда кенг оммалашаётган тижорий журналистикани умумий муҳитдан энди сиқиб чиқара олади, деб ўйламайман”.

Тадқиқотчи билдирган ушбу фикр баҳсли масала. Кўнгилочар, асосий мақсад рейтингни ошириб, пул топишга қаратилган медиа маҳсулотларга талаб ортаётганига қарамасдан, журналистнинг фикр-мулоҳазаси, жамият муаммолари ва воқеа-ҳодисаларга таҳлилий ёндашуви акс этган асарларга эҳтиёж борлигини инкор қилиб бўлмайди.

Муаллиф “мен”и ёки муаллиф образи тушунчаси журналистиканинг индивидуал кўриниши пайдо бўлган вақтда вужудга келган. Соҳа энди ривожланаётган даврларда журналист фақат бирор-бир воқеани ҳикоя қилувчи сифатида намоён бўлган.

Кейинги тараққиёт даврларида эса энди журналист ўзининг шахсий фикрлари, баҳолари, таҳлили, мулоҳаза ва позициясини ҳам билдира бошлади. Натижада журналистика жамият ҳаётида ўз ўрнига ва аҳамиятига эга бўлди. Журналистик материалларда ижодий индивидуаллик кўзга ташлана бошлади. “Публицистикада муаллиф образи – журналистнинг муаллифлик “мен”идир, унинг воқеликка муносабати характери дир”.⁶⁰ Демак, муаллиф образи бирор воқеликка нисбатан муносабатни ҳам англатади.

Тадқиқотчи В. Коньков муаллиф ва унинг нутқий ифодавийлигини уч гуруҳга ажратиб ўрганган:⁶¹

1. Муаллиф образи – шеърят категорияси сифатида. У матннинг таркибий ва нутқий бутунлигини кўрсатишга хизмат қилади.
2. Муаллиф “мен”и – лингвостилистик категория сифатида.
3. Муаллиф, реал шахс – экстралингвистик категория сифатида.

Содир бўлган бир воқеани ҳар бир журналист турлича ёритади. Ўз позициясидан келиб чиқиб, ҳодисанинг у ёки бу жиҳатига кўпроқ урғу

59 Тимченко И. Возвращение авторской журналистики. [Электронный ресурс]

//<https://jmlst.ru/vozvrashchenie-avtorskoj-zhurnalistiki/> (м.в. 01.05.2020)

60 Вакуров В.Н. и др. Стилистика газетных жанров. – СПб., 1997. – С. 12.

61 Бойкова Н.Г., Коньков В.И., Попова Т.И. Устная речь. – Л., 1988. – С. 50

беради, эътибор қаратади. Ундаги фикрни ифода этиши, унинг шакли, усули ва мазмуни барчаси биргаликда муаллифнинг “мен”ини ташкил этади.

Муаллифлик позицияси деганда, одатда, муайян муаммо ёки масала юзасидан журналист чиқарган умумий хулосалар назарда тутилади. У асар эгасига маълум бир мажбуриятларни ва масъулиятни ҳам юклайди.

“Муаллиф бўлиш – ҳар доим ҳам осон эмас. Агар кичкина болакай пиёлани синдирган бўлса (бошқача айтганда, синган пиёла муаллифи бўлса), “бу идишни ким синдирди?” деган саволга у одатда: “Мен синдирмадим, ўзи синди” деб жавоб беради. Ўз айби, қилган иши, бошқача айтганда, муаллифлик масъулиятини агар у ёмон ва омадсиз бўлса, тан олишни истамайди. Бирор ишни сен қилдингми, бунинг учун жавоб берасан, ҳатто у ёқимсиз ва оғир бўлса ҳам”.⁶² Ушбу биргина мисол муаллифлик масъулиятининг қанчалик катта бўлишини кўрсатиб турибди. Ўрни келганда, муаллиф тайёрлаган материали учун жавобгарликни ҳам ўз бўйнига олиши керак. Яъни материалдаги фикр, факт ва муносабатлар, мулоҳазаларини ҳимоя қила олиши ҳам лозим. Бу эса бирор асарга муаллиф бўлиш унинг аудитория, қабул қилиб олувчи шахсларга нисбатан таъсири, асарга нисбатан келиб чиқиши мумкин бўлган қарши фикрларни ҳам қабул қилиш, оқибатлари учун масъулият муаллиф зиммасида эканлигини ҳис этиши кераклигини кўрсатмоқда.

Журналистикада ахборотнинг икки жиҳатини кўрсатиш мумкин:

- фактларни холисона тақдим этиш;
- муаллиф қарашларининг субъектив намоён бўлиши.⁶³

Бизнингча, айнан объективлик ва субъективлик ўртасидаги нозик чизик муаллиф “мен”и ва позициясини намоён этади. Журналист воқеа-ҳодиса ҳақида маълумотларни ўз фикрини билдирмай ифода этиши мумкин. Аммо бундай ахборотнинг таъсир кучи кам бўлади. Бундан ташқари, воқеликка оид айрим жиҳатлар ойдинлашмай қолиши ҳам мумкин.

⁶² Козлов Н.И. Автор, авторская позиция. <https://www.psychologos.ru/articles/view/avtorzpt-avtorskaya-poziciya/> (м.в. 09.09.2020)

⁶³ Туркова Т. А. Способы выражения авторской позиции журналиста в контексте объективности. Известия Тульского государственного университета. Гуманитарные науки, 2010. – С. 388.

Журналист оммага нафақат ахборот узатади, балки уларда ушбу ахборотга нисбатан фикрни ҳам шакллантира олади. Аслида бу журналистиканинг энг афзал ва ёрқин жиҳатларидан бири. Фақатгина фактлардан иборат ахборотни газетада ўқисак ёки телевизор орқали томоша қилсак, унинг оқибатлари, натижалари, мақсади ҳақида хулоса қилиш ўз ихтиёримизда бўлади. Аммо журналист фактларни фақат тўплаб, шундайлигича узатмасдан, уларни умумлаштирган ҳолда таҳлил қилиб кўрсатса, воқеликни ҳар томонлама очиб берса, жамоатчиликда ўша ҳодисага нисбатан муносабат уйғона бошлайди. Шу жиҳатдан ҳам муаллифнинг “мен”и ва позицияси ўта муҳим саналади. Лекин бу холислик принципига дахл қилмаслиги ҳам лозим. Шу туфайли муаллиф ўз фикрларини асослаган ҳолда тақдим этиши мақсадга мувофиқ. Бунда факт ва фикр уйғунлиги кўзга ташланади. Лекин, баъзан шундай ҳолатлар бўладики, фикр учун ҳожат қолмайди. Бу кўпроқ янгиликлар журналистикасида кўзга ташланади.

Айрим материаллар тўлиқ, бутунлай янгилик характериға эға бўлади. Бундан мақсад бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса ҳақида тезкор, биринчилардан бўлиб хабар беришдир. Уни таҳлил қилиш, бу борада фикр билдириш эса биров вақтни талаб этади. Бунинг учун журналист воқеа-ҳодисани энди чуқурроқ ўрганади. Фактларни тўплайди, ўз хулосаларини чиқаради, вазиятға баҳо беради. Бунда, албатта, у холислик принципига амал қилиши зарур бўлади.

Яширин усуллар билан муаллифлик позициясини ифода этиш қобилиятиға эға бўлиш журналист маҳоратининг юқори даражасидан дарак беради. 64 Ўз фикрларини очик-ойдин, ҳиссиётларға берилган ҳолда ифода этган журналист томошабин ёки тингловчи, ўқувчиға босим ўтказаетгандек туюлади. Бу борада қобилият ва меъёр бирламчи аҳамиятға эға бўлади.

Ҳаттоки воқеа-ҳодисаға оид қайси фактларни тўплаганиға қараб ҳам журналист позициясини аниқлаш мумкин. Яъни воқелик ҳақидаги фақат ижобий маълумотлар тақдим этилаётган бўлса, демак, журналист оммада бу борада ижобий муносабатни уйғотмоқчи эканлиги англашилади. Аксинча бўлса, ушбу воқеликни узатишдан мақсад унинг салбий эканлигини исботлашдан иборатлиги кўринади. Бу жиҳатларни

64 Лазутина Г.В. Профессиональная этика журналиста. – М.: Аспект-Пресс, 2000, – С. 208.

оддий томошабин, тингловчи ёки ўқувчи илғай олмайди, албатта. Шу сабабли ҳам тажрибали журналист ва тадқиқотчилар бир воқелик ҳақидаги турли ахборотларни тўплаб, кейин хулоса қилишга уринадилар.

Тадқиқотчи Ж. Мэрилл бу борада шундай фикр билдиради: “Ҳеч бир журналист асл ҳақиқатни билмайди, ҳеч бир материал ҳақиқатга тўлақонли мос келмайди... Журналистлар ўзлари хоҳласалар ҳам объектив бўла олмайдилар, субъективликнинг табиий қопқонига тушиб қоладилар. Уларнинг индивидуаллиги, шубҳасиз, материалда мавжуд. Масалан, материалнинг қайси қисмини қисқартириш мумкин, қайсиларини эса мумкин эмас, нимага урғуни кучайтириш керак, нимани бироз силлиқлаб ўтиш керак, шу масалаларни ҳал қиладилар”.⁶⁵ Аслида бу фикрнинг ўзида ҳам муаллиф айтаётган субъективлик бор.

Журналист ахборот узатиш жараёнида дастлаб ахборотни қабул қилувчи деб ҳисобланади. Соҳа мутахассиси аудиториядан аввал ахборотни қабул қилар экан, уни, авваламбор, ўзи “ҳазм қилади”, у ҳақда фикрлайди, хулосалар қилади. Шундан сўнг барча олган ахборотларини лозим деб билган кўринишда тайёрлайди ва тарқатади. Бунда муҳим жиҳат содир бўлган воқеа-ҳодисани журналист қанчалик ўрганиб чиққанлигидир. Шунга мос равишда унинг тайёрлаган материали у ёки бу позицияга эга бўлади.

Муаллиф позицияси, нуқтаи назари боис аудиторияда мунозара, баҳс келиб чиқиши мумкин. Бугун бу ҳолат, айниқса, ижтимоий тармоқларда яққол кўзга ташланмоқда. Блогерлар, журналистлар ўз саҳифаларини юритиб, муайян воқеа-ҳодисалар ҳақидаги фикрларини у ерга жойлаб боришар экан, уни ўқиган жамоатчилик баҳслашишга ёки бу фикрларни тасдиқлашга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида ўша муаммо ёки масала ҳал бўлиб қолмаслиги мумкин. Лекин инсонларда ижобий ёки салбий бўлишидан қатъий назар бирор фикр шаклланади. Ўз нуқтаи назарини билдиришга бўлган қатъият ва ишонч уйғонади. Натижада жамиятда фикрлар хилма-хиллиги – плюрализм юзага келади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда журналистларнинг гражданлик позицияси ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу уларнинг профессионализмни белгилаб берувчи омилга айланган. Яъни жамиятдаги жараёнларга журналистнинг шахсий

65 Дэннис Э., Мэрилл Дж. Беседы о масс-медиа. Вагриус, 1997. – С. 384.

қизиқиши, юзага келадиган ахборий ҳужум ва таҳдидларга жавоб бера олиши, ижтимоий тараққиётга ҳисса қўшиши каби хусусиятлар билан белгиланади.

Журналистнинг гражданлик позицияси модели ўз ичига маълум бир элементларни қамраб олади: мақсад, вазифалар, таркиб, технологиялар, ишлаш услуби ва методлари. Мазкур позициянинг шаклланиши эса учта компонентни ташкил қилади:

- ижтимоий фаоллик;
- фуқароликни англаш;
- гражданлик сифатлари.⁶⁶

Аудитория журналистларни олий маълумотга эга, зиёли, билимли, юқори профессионаликка эга шахс деб билади. Ижтимоий ҳаётда ушбу касб мутахассисларига ифодали нутқ сўзлайдиган нотик сифатида қарашдан ташқари, мулоҳаза қилиш, танқидий фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш хусусиятларига эга шахс деб қабул қилинади. Шу жиҳатдан, журналистларнинг гражданлик позицияси муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, бугунги кунда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда фаоллик кўрсатиб, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тезкорлик билан муносабат билдираётганларнинг аксарияти ҳам мазкур соҳа вакиллари саналади. Жамоатчилик юқоридаги хусусиятлар туфайли ҳам уларнинг фикрларига эътибор қаратади ва воқеликларга нисбатан муносабат шаклланади.

Юқоридагиларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, журналистик материалдаги муаллиф “мен”и ва позицияси қуйидаги вазифаларга хизмат қилади:

1) аудиторияда кўтарилган масала ёки муаммо ҳамда воқелик юзасидан фикрни шакллантиради. Фикр уйғониши учун муаллиф позициясидан келиб чиқиб, шу билан бирга, ўрганилган фактлар асосида мулоҳазаларини ифода этади, аудитория орасида тарқатади ҳамда ундан акс-садо кутади. Бевосита ўзи ҳам кейин ушбу фикрлар тўқнашувида иштирок этади;

66 В.Толкачёв. Гражданская позиция журналиста как модель профессионального роста. – С. 134. <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/169757/1/133-136.pdf>. (м.в. 15.10.2022)

2) инсонлар орасида фикрлар хилма-хиллигини келтириб чиқаради, мунозарага, баҳсларга сабаб бўлади. Бу эса кўтарилган масала бўйича жамоатчиликда қизиқиш уйғонганини кўрсатади ва жамоатчилик бу масалаларнинг ечими борасида ўз фикрлари билан иштирок этишларини таъминлайди. Яъни бу фуқаролик жамияти, демократиянинг ривожига хизмат қилади;

3) воқеа-ҳодиса ҳақидаги ахборот куруқ фактлардан иборат бўлиб қолмасдан, мазмунан бойитилади. Бу эса унинг қизиқарлилиги ва оммабоплигини оширади. Берилаётган ахборот қизиқарли бўлмас экан, унинг таъсир кучи ҳам паст даражада бўлади. Турли исбот ва далилларга асосланган фикрлар ахборотнинг таъсир кучини орттиришга хизмат қилади;

4) журналистлар бир воқеага турли фикрларни бериш орқали ОАВ ўртасида муайян рақобат муҳити ҳам вужудга келади. Яъни улар ахборотни биринчи бўлиб бериш пойгасида иштирок этибгина қолмай, уни қай йўсинда ва услубда бериш борасида ҳам рақобатлашадилар. Бу эса журналистикада янгича тенденциялар, услублар юзага келишини таъминлайди. Ўз-ўзидан бу соҳа тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб кўшилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муаллиф “мен”и ва позицияси замонавий журналистикада ажралмас ўринга эга. Кузатув ва таҳлиллар натижасида унинг аҳамияти тобора ортиб бораётгани аниқланди. ОАВ бўлаётган воқеа-ҳодисалар, ахборотлар билан аудитория ўртасида воситачидир, бу жараёнда фикрлар майдонига аудиторияни ҳам жалб этишга эътибор кучайган.

Эндиликда пассив аудитория тушунчаси замонавий журналистика муҳитига мос келмай қолди. Шунга яраша, журналистик материаллар ҳам ўқувчи, тингловчи, томошабиннинг иштирокини таъминлайди. Айниқса, телевидениеда бу муаллифлик кўрсатувлари орқали намоён бўлиб борапти. Бу, албатта, соҳа ва жамият тараққиётида муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлиши табиий.

Журналистиканинг телевидение йўналишида фаолият юритувчи ижодкорлар учун муаллифлик кўрсатувлари катта имкониятдир. Бунда журналист индивидуал салоҳиятини тўла намоён эта олиши мумкин.

Кўрсатув ғояси, матни, тузилиши, таркибини муаллиф ҳал қилади. Шундан келиб чиқиб, муайян мавзудаги кўрсатув тайёрлайди.

Бугунги кунда ўзбек телевидениесида кўпроқ шов-шувли, можароли шоу ва кўрсатувларга талаб катта бўлишига қарамасдан, муаллифлик лойиҳаларини оммага намоиш этиб келаётган журналистлар ҳам бор. Улар жамиятда ва соҳада ўз сўзи, дунёқараши, фикрлаш тарзига эга мутахассислар ҳамда аудиторияни кенг фикрлашга ундайдиган ижодкорлардир.

II БОБ. ТЕЛЕВИДЕНИЕДА МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИ ТАДРИЖИ: АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

2.1. Муаллифлик кўрсатувларида анъанавий ва миллий хусусиятлар

Дунё телевидениесида муаллифлик кўрсатувлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Уларда журналист-муаллифлар ўз маҳоратлари, имкониятлари ва ноодатий ғояларини амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда. Шу орқали телетомошабинлар кўнглига кириб бориб, аудитория орасида таниладилар. “1980-йилларда муаллифлик кўрсатувлари телевидениеда муҳим ўрин тута бошлади”, деб ёзади тадқиқотчи В. Ходаковский. 67 Шу билан бирга, муаллифлик кўрсатувларида ўзига хос анъанавий ва миллий хусусиятлар шакллана борди.

Ўзбек телевидениесида дастлабки мазкур шаклдаги дастурларнинг энг яхши намуналари сифатида Қуддус Аъзамовнинг “Акс-садо”, Қобилбек Каримбековнинг “Етти иқлим садоси”, “Халқаро воқеалар шарҳловчи нигоҳида”, “Савол беринг – жавоб берамиз” туркум кўрсатувлари, Раҳимбой Жуманиёзовнинг “Сирли сандиқ” интеллектуал телевизион мусобақаси, Рўзибой Қўлдошевнинг “Мавзу” каби дастурларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Эътиборлиси, ушбу асарларнинг аксарияти айнан “O‘zbekiston” телеканалида намойиш этилган ва халқ орасида танилган. Шундан келиб чиқиб, мазкур телеканал муаллифлик кўрсатувларини тайёрлаш бўйича ўзига хос мактаб яратган, дея эътироф этиш ўринли.

Замонавийлик ва ноанъанавийлик рейтинги баланд, машҳур дастурлар учун асосий хусусиятлардан саналади, шунга қарамай, ҳар қандай медиа маҳсулотда миллийлик ва анъанавийлик элементлари, албатта, мавжуд бўлишини инкор эта олмаймиз. Бу ерда миллийлик ва анъанавийлик бир-бирига қарама-қарши эмас, аксинча, ўзаро уйғун ҳолатда ўрганилган.

Телевидение – маданият феномени. М. Мясникова мазкур ОАВ турини ушбу аспект призмасидан ўрганганда, уни маданият институти

67 Ходаковский В. Телепрограмма «Взгляд» в исторической перспективе. – Выпуск № 1. //

<http://www.mediascope.ru/телепрограмма-«взгляд»-в-исторической-перспективе> // (м.в. 11.05.2020)

деб ҳам атайди. 68 Маълумки, телевидениеда фикрларни бошқариш, визуал таъсир кўрсатиш каби имкониятлар мавжуд. Бунга қўшимча равишда миллат менталитетини шакллантириш ҳам ажратиб кўрсатилади. 69 Мантиқан фикрлаб кўрилганда, тасвир, овоз умумлашган восита инсонларнинг маданий ҳаётига кўзгу бўлиш, шу билан бир қаторда, миллийликка таъсир кўрсатиш, унга хос хусусиятлар генетикасини ўзгартириш юзасидан устувор имкониятларга эга. Демассификация, децентрализация, дестандартизация жараёнлари кузатилаётган бир даврда анъанавийлик ва миллийликка эҳтиёж ошяпти.

Эътиборга олиш керакки, рекреативлик, кўнгилочарлик, ўйин-кулгу тележурналистикада биринчи ўринга чиқиб кетяпти. Бу – умумжаҳон тенденция. Ўзбекистон телевидениеси бунга қисман жавоб бермоқда. Асосан давлат телеканаллари маданият феномени сифатидаги хусусиятини сақлаб турибди. Аммо айти сабаб туфайли уларнинг рейтинги тижорий каналларникидан паст даражани кўрсатмоқда, умумий телевидение аудиторияси эса сезиларли қисқарган. Бу жараёнга интернетнинг ҳам катта таъсири борлигини қайд этиш жоиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миллий ва анъанавий хусусиятлар давлат телеканаллари орқали намойиш этиладиган муаллифлик кўрсатувлари мисолида таҳлил қилинди.

Миллийлик ва анъанавийлик телеасарларда бир қатор элементларда намоён бўлади:

- Студия ёки тасвирга олиш жойи декорацияси;
- Танланган мавзу ва унга ёндашув;
- Бошловчи ва суҳбатдошлар имиджи, нутқи ва ўзини тутиши.

Телевидение – маданий қадрият сифатидаги хусусиятини ўзида мужассам этиши учун инеллектуаллар, зиёли қатлам вакиллари, олимларни экранларга қайтариш керак, дея таклиф берган тадқиқотчи Д. Дондурей. 70 Дарҳақиқат, олим ва зиёлилар иштирокида телеасарлар тайёрлашда давлат телеканаллари етакчилик қилади. Аммо услуб нисбатан эски, замон талабига мос эмас.

68 Телевидение как феномен культуры: учеб. пособие /М. А. Мясникова; М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2017. – С. 3.

69 Дондурей Д. Б. Телевидение формирует жизнь // Искусство кино. – 2014. – № 10. – С. 129.

70 Қаранг: Дондурей Д. Б. ТВ: уловки профессии. О профессиональных стереотипах телевидения // Искусство кино. – 2009. – № 8. – С. 139–140.

Ўзбек телеканалларининг ҳозирги қиёфаси кўпроқ шоулар, шов-шув, муסיқа ва шоу-бизнес вакиллари билан суҳбатлар, сериаллардан иборат. Шунга қарамай, теледастурдан муаллифлик кўрсатувлари ҳам ўрин олган. “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга узатиладиган муаллифлик кўрсатувларини таҳлилга тортилган давр нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Таъкидлаш керакки, тадқиқотда ўзбек телевидениесининг кунлик, типик ҳолатини таҳлил қилганмиз. Яъни аудиторияга таъсир қилиб келаётган, кундалик эфирлардан жой олган ва намоёиш этилаётган кўрсатувлар тадқиқ қилинган. Кўзланган мақсад миллий телевидениенинг ҳозирги ва сўнгги даврлардаги типик ҳолатини аниқлаш ва кўрсатишдан иборат. Телеканалнинг 2019-йилдаги бир кунлик, яъни 12.05.2019 санасидаги теледастурдан 71 ўрин олган муаллифлик кўрсатувлари 6-жадвалдан жой олган:

Кўрсатув номи	Бериладиган вақти	Муаллифи
“Mo‘jizalar makoni”	09:35	С.Ўрмонова
“Sog‘inch”	12:50	Н.Умрзоқова
“Ko‘ngil mulki”	15:20	С.Ортиқов
“Hunarmand”	17:30	Н.Воҳидова
“Imtihon”	21:40	У.Усмонова

6-жадвал. “O‘zbekiston” телеканалидаги муаллифлик кўрсатувлари (12.05.2019)

Бир кунлик дастурдан ўрин олган муаллифлик кўрсатувлари эфир вақтининг 50 фоиздан ҳам камроқ қисмини ташкил этади. Бундан ташқари, айрим кўрсатувлар кўпинча оригинал эмас, такрор эфирга узатилади.

Жадвалдаги кўрсатувларнинг тавсифлари ва ўзига хосликлари куйида кўрсатилган:

1. “Mo‘jizalar makoni”⁷² юртимизнинг турли гўшалари, кўпчиликка таниш бўлмаган жойлари, ҳайратланарли жиҳатларини ёритишга мўлжалланган. Муаллиф Саодат Ўрмонова юртимиздаги мўъжизаларни

71 <https://mtrk.uz/uz/> (м.в. 11.05.2020)

72 “Mo‘jizalar makoni” дастури. https://www.youtube.com/watch?v=azH_8bx9WZQ// (м.в. 10.09.2020)

халқимизга таништиришда улар Ўзбекистоннинг қайси бурчагида жойлашганидан қатъий назар, ўша ерга бориб, тасвирга олиш ишларини олиб боради. Муаллифнинг ўзига хос услуби бор. У иложи борича содда, халқона тилда гапиради, оддий халқ билан мулоқотга киришади. Кўрсатувнинг энг муҳим қисмларида ўзи кадрда намоён бўлади. Керак бўлса, сувнинг ичига тушади, тоғлар оралаб юради, яйдоқ чўлнинг ўртасида намоён бўлади.

“Mo‘jizalar makoni” да ҳар сафар томошабинни янги маълумот, янги жойлар кутади. У жанр жиҳатидан кўпроқ телеочерк ёки йўл очеркига ўхшайди. Унда ҳам бадиий, ҳам таҳлилий жиҳатлар кўзга ташланади. Кўрсатувни томоша қилганда, унинг сценарийси олдиндан ёзилиб, аммо суратга олиш жараёнида унга катта ўзгартиришлар киритган ҳолда тасвирга олингани сезилади. Сабаби, дастур йўналишига кўра, муҳим жиҳатлар, мўъжизалар, белгиланган жойнинг ўзига хос ноодатий жиҳатлари тасвирга олиш жараёнида ойдинлашади, шу сабабли, бошловчи ҳам “стенд-ап”ларини вазиятдан келиб чиққан ҳолда, энг қизиқ нуқталардан амалга оширишга ҳаракат қилади. Ушбу кўрсатувда анъанавий хусусиятлар кўпроқ кўзга ташланади:

Биринчидан, тасвирга олиш жойи миллий қадриятлар сақланиб келаётган шаҳардан чекка ҳудудлар – қишлоқ, овуллардан иборат;

иккинчидан, қахрамонларни қишлоқнинг оддий, чапани одамлари ташкил этади. Сухбатларда ҳам ўзбек миллатига хос соддадиллик, очиқлик намоён бўлади;

учинчидан, сўзлашувлар ҳудудлардаги шеваларда янграйди;

тўртинчидан, бошловчи ва кўрсатув иштирокчиларининг кийимларида ҳам миллийлик элементлари тез-тез учрайди.

Аммо тасвирга олиниш жиҳатидан тасвирчилар ва режиссёрнинг замонавий услубларини кузатиш мумкин. Булар:

а) дрон орқали суратга олиш;

б) кенг панорамали кадрлардан фойдаланиш;

в) монтаж жараёнида махсус эффектлардан фойдаланиш ва ҳ.

2. “Sog‘inch” 73 кўрсатуви ҳам муаллифлик дастури бўлиб, у журналист Нилуфар Умрзоқова томонидан тайёрланади. Кўрсатувнинг

73 “Sog‘inch” кўрсатуви. <https://www.youtube.com/watch?v=OaYuHg4QPAk//> (м.в. 01.12.2020)

2019 йилги сонлари ўрганилганда, уларнинг ҳар бирига алоҳида қаҳрамон танланган. Улар асосан ўзбек миллий санъатига катта ҳисса қўшган инсонлардир. Бу дастурда ҳам кўпроқ анъанавий ва миллий хусусиятлар кўзга ташланади.

Муайян студияда бошловчининг чиқишлари тасвирга олинади. Бошқа кадрлар ЎзМТРК архивидан олинган. Студия безакларида кўпроқ миллий услубдан фойдаланилган. Эски, кичик ҳажмли телевизор студиянинг марказий беаги ҳисобланади. Бошловчи унинг ёнидан жой олади. Телевизор экранда эса мавзуга мос кадрлар намойиш этилади.

Ҳозирда кўрсатув формати бироз ўзгарган. Кичик ҳажмли телевизор ва бошқа элементлардан фойдаланилмайди. Йирик мониторлар билан жиҳозланган студияда танланган қаҳрамон ҳақида суҳбат олиб борилади. Бунда муаллиф ҳикоявийлик усулидан энди суҳбат, яъни мулоқот шаклига ўтган. Суҳбат асносида ўзбек санъатига катта ҳисса қўшган шахслар ёдга олинади. Сўнги вақтларда ЎзМТРКнинг 65 йиллиги муносабати билан кўрсатувда асосан телевидение ривожига ҳисса қўшган ижодкорлар қаҳрамон сифатида танланмоқда.⁷⁴

3. 2019-йилги эфир сеткасидан ўрин олган “Hunarmand” кўрсатуви тележурналист Нозима Воҳидованинг муаллифлик лойиҳаси ҳисобланган. Унда юртимизда самарали фаолият юритаётган ҳунармандлар фаолияти ёритиб борилган. Ҳозирда бу дастур эфирга узатилмайди. Сабаби, журналист ҳозирда бошқа телеканалда фаолият олиб боради. Кўрсатувнинг ҳар бир сонидан амалий санъатнинг турли йўналишлари бўйича ижодкорлар фаолиятига муурожаат қилинган. Тасвирга олиш ишлари асосан ҳунарманд устахонаси ёки хонадонидан бўлиб ўтган. Бу кўрсатувда миллий хусусиятлар устун турган.⁷⁵

4. “Imtihon” 76 кўрсатуви ўзига хос жиҳатлари билан бошқа дастурлардан фарқ қилади. Унинг муаллифи – журналист Умида Усмонова. Унда асосан оилавий масалалар юзасидан фикр юритилади. Бошловчи кўрсатув нима ҳақдалиги, ҳар бир сонидан қайси мавзу кўтарилишини ўзи кадрда эълон қилади ва бу борада актёрлар иштирокида сахналаштирилган сюжет берилади. Муаммо инсценировка

74 Sog`inch | Таниқли телебошловчи Насиба Мақсудовани хотирлаб [13.02.2021].

<https://www.youtube.com/watch?v=80YhCLU6Qgw//> (м.в. 20.02.2021)

75 “Hunarmand” кўрсатуви. // <https://www.youtube.com/watch?v=STS2LApuISY//> (м.в. 05.01.2020)

76 “Imtihon” кўрсатуви. // https://www.youtube.com/watch?v=_joi76ZqusI// (м.в. 05.01.2020)

орқали кўрсатиб берилгач, унинг ҳал қилиниши, муаммонинг ўрганилишида бошловчи-муаллифнинг ўзи ҳам аралашади.

Томошабинлар кўрсатилаётган воқеалар, ундаги иштирокчилар ҳақиқий деган фикрга келиши ҳам мумкин. Аммо журналист актёр ва актрисаларнинг иштироки орқали муаммони янада очиб беришга, уни ҳал қилиш йўллари кўрсатишга ҳаракат қилади. Бундай йўл орқали кўрсатувнинг таъсирлилиги ва қизиқарлилиги ортади. Унда мавзу танланишининг ўзи миллий хусусиятларни намоён этади. Сабаби, мавзулар оддий ўзбек оиласида юзага келиши мумкин бўлган вазият, муаммолар ичидан танланиб, уларга ечим ва йўллар ҳам халқимиз менталитетига хос жиҳатдан талқин қилинади.

Шунингдек, телеканалнинг 2019-йилги эфир сеткасидан “Munosabat”, “Sharh+”, “Yo‘lchiroq”, “Mening bog‘im”, “Agroolam”, “Azizim, hayot!”, “Ko‘ngil obodligi”, “Xalq qabulxonasida bir kun”, “Parlament hayoti” каби муаллифлик кўрсатувлари ҳам ўрин олган. Уларнинг ҳар бири турли формат ва жанрларда тайёрланган:

1. Маҳоратли тележурналист Умида Усмонованинг яна бир муаллифлик лойиҳаси – бу “Azizim, hayot!”⁷⁷ кўрсатуви суҳбат жанрида тайёрланган. Ҳозирда кўрсатув намоёниши тўхтатилган. Унда ҳаёт, умр ҳақида фикр юритилади. Кўрсатувда бир нафар меҳмон иштирок этади. У кўпинча машҳур, таниқли инсонлар бўлмайди. Кўтарилаётган масалага қандайдир алоқаси бўлган, фикр юрита оладиган шахслар таклиф қилинади.

2. “Mening bog‘im”⁷⁸ кўрсатуви Ботир Али Имомов томонидан тайёрланади. Унда кўчат экиш, пайвандлаш, парвариш қилиш каби боғдорчиликка оид мавзулар ёритилади. Дастур мавзулари эфирга узатиладиган мавсумга доир боғдорчилик ишлари бўйича танланади. Ўша даврда долзарб бўлиб турган, боғларда амалга оширилаётган ишлар бўйича тушунтиришлар берилади. Бу мақсадли аудиторияга қаратилгани, боғларини самарали юритиб бораётган боғбонлар билан биргаликда тайёрланиши, юртимизнинг турли гўшаларига ташриф

⁷⁷ “Azizim, hayot!” кўрсатуви. // <https://www.youtube.com/watch?v=dm6j5uHaZc8/> (м.в. 05.01.2020)

⁷⁸ Mening bog‘im | Уруғ мевали дарахтларга шакл бериш усуллари [13.02.2021] // <https://www.youtube.com/watch?v=mniO9GipgYA/> (м.в. 24.02.2021)

буюрилиши каби хусусиятлари билан ушбу кўрсатув ажралиб туради. Меҳнаткашлик, боғдорчилик, меваларнинг кўп йиллик навлари ҳақидаги кўникмалар, ўзаро очик мулоқот каби миллий элементлар намоён бўлади.

3. “Ko‘ngil obodligi” 79 кўрсатуви журналист Саодат Ўрмонова томонидан тайёрланади. Унда асосан муайян соҳада самарали фаолият юритаётган қаҳрамон танланади. Жумладан, кўрсатувнинг 17.05.2019 санасидаги сони қаҳрамони “Чотқол наволари” бадий жамоаси раҳбари Хадича Ҳасановадир. Кўрсатувнинг ўзига хослиги унда бошловчи-муаллифнинг ўзи ҳам иштирок этиши, интервью олиш жараёнида журналистнинг савол бериб туриши, кадрларнинг қаҳрамонлар яшайдиган хонадонлардагина эмас, табиатнинг гўзал кўринишлари кўйнида тасвирга олиниши, савол-жавобларнинг ўзбекларга хос қадрият, анъаналарга мос ҳолда берилиши каби жиҳатларда кўринади. Кўрсатувда инсоний хислатлар, муносабатлар марказий ўринга чиқади. Булар дастурнинг миллийлик элементларига мос келади.

“O‘zbekiston” телеканалидан ўрин олган дастурлар таркиби давр нуқтаи назаридан ўзгарган. 2021-йилдан айрим дастурлар тайёрланиши ва намоёниши тўхтатилган. Қуйидаги жадвалда телеканалнинг 2021-йилдаги, хусусан, 02.03.2021 дастур режасидан ўрин олган кўрсатувлар билан танишиш мумкин:

Кўрсатув номи	Бериладиган вақти	Муаллифи
“Sog‘inch”	12:00	Н. Умрзоқова
“Mening bog‘im”	12:30	Б. Имомов
“Mening huquqim”	17:00	М. Ҳотамов

“Parlament hayoti”	17:20	И. Нормуродова
“Xalq qabulxonasida bir kun”	18:00	М. Азимов
“Munozara maydoni”	18:30	Н. Жумаева

7-жадвал. “O‘zbekiston” телеканалдаги муаллифлик кўрсатувлари (02.03.2021)

7-жадвалдан кўринадикки, телеканалнинг бир кунлик режасидаги кўрсатувлар сони ортган. Эътиборлиси, уларнинг деярли барчаси оригинал, такрор эмас, аммо кўрсатувларнинг ярмидан кўпи сиёсий мавзуларда тайёрланган. Бу телеканалнинг сиёсий-ижтимоий форматда экани билан изоҳланади. Ваҳоланки, кечки дастурлардан ҳам муаллифлик кўрсатувлари ўрин олиши мумкин. Кечки вақтларда асосан сериаллар намоишига ўрин берган.

Шунингдек, телеканалда 2022-йил ҳолатига кўра, қуйидаги янги муаллифлик кўрсатувлари намоиш этилмоқда: “Ayol borki...”, “Bir jinoyat izidan”, “Hayot va xayol yo‘llari”, “Kelajakka yo‘l”, “Xulosa o‘zingizdan”, “Hunardagi hayot”, “Agroinnovatsiya” ва ҳ.

Айтиш керакки, “Munosabat” 80 муаллифлик лойиҳаси телеканалнинг нисбатан кўпроқ шуҳрат қозонган дастурлардан бири. Чунки унда ижтимоий муаммолар, жамоатчиликка қизиқ мавзулар кўтарилди ва баҳс олиб борилади. У сиёсий шарҳловчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қуддус Аъзамга тегишли бўлиб, ток-шоу форматида тайёрланади. Аслида ток-шоу форматида муаллифлик кўрсатуви тайёрланиши масаласи бироз мунозарали. Сабаби ток-шоу студияда сон жиҳатдан кўпчиликни қамраб олиши ва мавзу кўлами юзасидан бир муаллиф тайёрлаши мумкин бўлган формат ҳисобланмайди. У кўпинча жамоавий меҳнат маҳсули ҳисобланади.

Мавзу топиш ва унга алоқадор шахсларни тўплаш юзасидан Қуддус Аъзамга бошқа ходимлар ёрдамлашади, аммо шоунинг сценарийсидан

80 “Munosabat” ток-шоуси. // <https://www.youtube.com/watch?v=rI1R5atVYIA/> (м.в. 05.01.2020)

тузилишигача бўлган қисми айнан Қуддус Аъзамга тегишли. Шу жиҳатдан “Munosabat” шоусини муаллифлик лойиҳаси сифатида кўрсатиш мумкин, назаримизда. Мазкур кўрсатув орқали юртимиз ҳаётида долзарб бўлиб турган масала ва муаммолар муҳокама қилинади.

Эътиборлиси, кўрсатув жонли эфирда узатилади. Унга телетомошабинлар белгиланган телефон рақамлари орқали боғланиб, ўз саволларини беришлари мумкин. Кўрсатувда кўтариладиган мавзу ва масалалар чегараланмаган. Улар юзасидан масъул, тегишли ташкилотлардан вакиллар таклиф қилинади ва муҳокама этилади. Кўрсатув, шунингдек, тўғридан-тўғри радиога ҳам жонли эфир сифатида узатилади. Таъкидлаш керакки, дастурда муҳим ва долзарб бўлиб турган ижтимоий муаммо ва масалалар кўтарилади. Шу жиҳатдан ҳам у жамоатчиликда қизиқиш уйғотиб келади. Шоуда бир қанча анъанавий хусусиятлар намоён бўлади:

- атрофдаги инсонларнинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик;
- бир ёқадан бош чиқариб, муаммоли масалаларни ўзаро ҳал қилиш;
- муҳим масалалар юзасидан бирлашиш ва х.

Аммо бу мақсадларга ҳар доим ҳам эришишга муваффақ бўлинади, деб айтиб бўлмайди. Баъзан кўтарилаётган муаммонинг атрофини шунчаки айланиб ўтиш, дастур сўнгида амалий хулосалар қилинмаслиги сингари муаммолар кўзга ташланади.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Қуддус Аъзамов ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида бир неча муаллифлик кўрсатувларини тайёрлаб келган. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Мўъжизалар мамлакати”, “Юзма-юз”, “Эътироф”, “Акс-садо” шулар жумласидандир. Улардан “Юзма-юз”, “Эътироф” суҳбат шаклида тайёрланган. “Акс-садо” 1990 йилларда ташкил қилинган биринчи ток-шоу эди, дея хотирлайди Қуддус Аъзамов.⁸¹

Телеканалда зиёли қатлам вакиллари қаҳрамон этиб танлаб олиннадиган “Tashrif” кўрсатуви ҳам ўз мухлисларига эга бўлган. Дастур 2018, 2019 ва 2020-йилларда эфирга узатилган. Кўрсатувнинг айнан қаерда суратга олиниши ўта муҳим жиҳат. Бу томондан “Tashrif”

81 Телевидение – менинг тақдиримда. Тўплам / нашр учун масъул: Ш. Ҳайитов. – Т.: IJOD-PRESS, 2022. – Б. 128.

кўрсатувида миллийлик элементлари намоён бўлади. Ўзбекларга хос бир-бириникига меҳмонга бориш кўрсатув тузилишини ташкил этади. Бошқача айтганда, унинг моҳияти сифатида миллийлик хусусиятлари пойдевор қилиб олинган. Яъни бошловчи ҳар бир қаҳрамонининг хонадонига ташриф буюради, бир пиёла чой устида суҳбат қуради.

Дастур давомида кўпинча қаҳрамоннинг оиласи, яқин инсонлари, шогирдлари билан ҳам умумий суҳбатлар қилинади. Ўзбекона меҳмондўстлик, илиқ суҳбат, ўзаро ҳурмат ва иззатнинг намоён бўлиши дастурнинг миллийлик жиҳатларини кўрсатади. Бошловчининг ўзини тутиши, суҳбат олиб бориш маданияти анъанавий элементларни мужассам этади.

“Madaniyat va ma’rifat” телеканали тематикаси, формати, йўналиши ҳисобига муаллифлик кўрсатувларининг турли кўринишларини тайёрлаш ва эфирга узатишда нисбатан кўпроқ имкониятларга эга. Телеканал ижодий жамоасининг таркибий тузилиши фикримизга далилдир. Хусусан, ҳозирда фаолият юритаётган муҳарририятлар номига эътибор қаратсак, “Маданий-бадий дастурлар”, “Маънавий-тарбиявий дастурлар”, “Илмий-маърифий дастурлар”, “Кино, видеомаҳсулотлар ва тезкор дубляж” бўлимларида белгиланган мавзулардаги телеасарлар билан кунлик эфирларни мазмунли ва юқори сифатда тўлдириб бориш мумкин.

Қиёсий таҳлил учун, “Madaniyat va ma’rifat” телеканалидаги муаллифлик кўрсатувларини кўриб чиқамиз: “Yaxshilik”, “Men sevgan asar”, “Tundaliklar”, “Maktub”, “Krossvord”, “Inson o‘zing”, “Men bilgan haqiqatlar”, “Uyga qaytib”, “Men uchun onam”, “Oramizdagi odamlar”, “Muxlis”, “E’zoz” ва шу каби қатор кўрсатувлар эфирга узатилган. Бу кўрсатувлар телеканалнинг 2019 йилдаги режасидан ўрин олган. Ҳозирда уларнинг айримлари эфирга узатилмайди ва 2021 йилдан янгича лойиҳалар бошланган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатлари билан бир-биридан ажралиб туради:

1. “Uyga qaytib” 82 кўрсатуви машҳур лойиҳалардан бири эди. Муаллиф Комилжон Ниёзов ва Юлдуз Файзий бўлган. Унда муаллифлик

кўрсатувларига хос айрим жиҳатлар кўзга ташланмаслиги мумкин. Масалан, муаллиф кадрда намоён бўлмайди, кадр орти сўзлар ўқимайди, аммо машҳур ёзувчилар, шоирлар, адибларнинг ўз ота уйларига боришлари, у ерда ҳис қиладиган кечинмалари, ўй-хаёллари томошабинга кадрлар, ягона қаҳрамон тили орқали берилади ва шу жараёнларда муаллифнинг ажойиб ғояси, кўрсатувнинг қурилиши, таркиби, тузилишини моҳирона жойлаштирганини кўриш мумкин. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Луқмон Бўрихон кўрсатувларнинг бирида⁸³ сонида қаҳрамон сифатида намоён бўлган. Кўрсатув қаҳрамоннинг ўз қишлоқдаги уйига кириб келгани кадри билан бошланади. Шундан сўнг дастур шапкаси берилиб, ўз туғилган қишлоғига поездда келгани, йўлдаги ўй-хаёллари кўрсатилади.

Кўрсатувда бошдан-охир муаллифнинг иштироки ўзи кўринмасида, сезилиб туради. Қаҳрамоннинг гапирётган пайтдаги кўзи, мурожаатлари бевосита муаллифга қаратилган. Сафарнинг қайси қисмида қандай фикрларни билдириш, кўрсатув тузилиши қандай бўлиши ва қандай якун топиши – буларнинг барчасини муаллиф иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди. Кўрсатувда она-юртга муҳаббат, яқинлар ҳолидан хабар олиш, оддий ўзбек халқи ҳаёти, қишлоқ турмуш тарзи, одамлари намоён бўлади, булар ундаги анъанавий ва миллий хусусиятларни акс эттиради. Кўрсатув йўл очеркига хос жиҳатларни намоён этади.

2. “Ҳахшилик” 84 ҳам кўпгина томошабинларни қамраб олган. Журналист Бахтиёр Насриддинов томонидан тайёрланган. Кўрсатув ғояси муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, улар ҳақида кенг оммани бохабар қилиш ва юртдошларимизга ёрдам беришга ундашдан иборат. Буларнинг барчаси ўзбекларга хос миллий қадриятлар, хусусиятларни жам этган. Аввало, ёрдамга муҳтож инсонлар тақдири ҳақида сўз юритилиб, сўнгра уларга ёрдам бериш истагида бўлганлар учун ҳисоб рақами ҳамда боғланиш рақамлари экранда кўрсатилган.

83 “Уяга қайтиб” кўрсатуви, “Madaniyat va ma’rifat” телеканали // 24.02.2019.

//<https://mtrk.uz/uz/tv/madaniyat/tvshows/584177532267d53716fce551/> (м.в. 05.01.2020)

84 “Ҳахшилик” кўрсатуви. Сиз, яхшиларнинг ёрдамингизга муҳтож ногирон оила.

//<https://www.youtube.com/watch?v=V8ySGR0a8kE/> (м.в. 05.01.2020)

3. “Sayqal” 85 кўрсатувининг муаллифи Зебинисо Ҳасанова. У мамлакатимизда ўзига хос ижод йўли билан танилган рассомлар, ҳунармандлар ҳақида тайёрланиб, мақсад – ёшлар қалбида санъатга, ижодга, ижодий фикрлашга иштиёқ уйғотишдан иборат. Кўрсатувда мусаввирларнинг ўзига хос жиҳатлари, кўргазмалари, асарлари тўғрисида сўз боради.

“O‘zbekiston” ва “Madaniyat va ma’rifat” телеканалларидаги муаллифлик кўрсатувлари тадқиқ қилинганда, улар турли хил мавзуларда ва жанр, форматларда тайёрланиши аниқланди. “O‘zbekiston” каналида улар кўпроқ суҳбат, ток-шоу жанрларида эфирга узатилса, “Madaniyat va ma’rifat” каналида очерк, интеллектуал шоу каби бошқа жанр ва форматдаги кўрсатувлар ҳам эфирга узатилади. Эътиборлиси, ушбу дастурларда миллийлик ва анъанавийлик элементлари кўпроқ намоён бўлган. Хусусан, бу жиҳатдан “Mo‘jizalar makoni”, “Uyga qaytib”, “Tashrif”, “Men uchun onam” каби кўрсатувларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Энди муаллифлик кўрсатувларининг ўзига хос жиҳатларини Россиянинг “Первый канал”и мисолида кўриб чиқамиз. “Первый канал” да ҳам кўпгина муаллифлик кўрсатувлари намоёиш этилади. Жумладан, телеканалнинг 2019 йилги эфир сеткасидан қуйидаги кўрсатувлар ўрин олган:

Кўрсатув номи	Муаллифи
“Пусть говорят”	Дмитрий Борисов
“На самом деле”	Дмитрий Шепелев
“Толстой. Воскресенье”	Пётр Толстой
“Эксклюзив”	Дмитрий Борисов
“Мужское/Женское”	Александр Гордон, Юлия Барановская
“Большая игра”	Марина Ким

85 “Sayqal” кўрсатувви. // <https://www.mtrk.uz/uz/tv/madaniyat/tvshows/5841794c2267d53716fce55d/>
(м.в. 16.02.2020)

“Время покажет”	Артём Шенин
“Сегодня вечером”	Юлия Меньшова, Максим Галкин
“Познер”	Владимир Познер
“Жить здорово”	Елена Малышева
“Теория заговора”	Михаил Мамаев
“Непутёвые заметки”	Дмитрий Крылов
“Часовой”	Алексей Рафаенко
“Здоровье с Еленой Малышевой”	Елена Малышова
“Поле чудес”	Леонид Якубович

7-жадвал. “Первый канал” орқали эфирга узатиладиган муаллифлик кўрсатувлари (2019)

Ҳозирда бу жадвалда кўрсатилган дастурлар ва уларнинг муаллифлари борасида бироз ўзгаришлар бор. Энди телеканалнинг бир кунлик дастуридан ўрин олган кўрсатувларни кўриб чиқамиз. Қуйида телеканалнинг 23.05.2019 санасидаги дастурлар кетма-кетлиги берилган:86

Утро

05:00 Телеканал «Доброе утро»

09:00 *Новости*

09:25 «Сегодня 23 мая. День начинается» 6+

09:55 «Модный приговор». Дело «Доктор, у вас проблемы!»6+

10:55 «Жить здорово!» 16+

12:00 *Новости (с субтитрами)*

12:15 «Время покажет» 16+

День

15:00*Новости (с субтитрами)*

15:15«Давай поженимся!». Щедрый банкир16+

16:00«Мужское / Женское». Морская сказка16+

17:05 Чемпионат мира по хоккею 2019. Четвертьфинал. Сборная России — сборная США. Прямой эфир из Словакии. В перерывах — Вечерние новости (с субтитрами)

19:40 «Пусть говорят» 16+

Вечер

21:00 «Время»

21:30 Премьера. Елена Панова, Константин Юшкевич, Ольга Тумайкина, Анна Уколова в многосерийном фильме «Мама Лора» 16+

23:30 Премьера. «Большая игра» 12+

00:30 «Вечерний Ургант». Александр Балуев, Екатерина Шипулина, Павел Каплевич и Айдан Салахова 16+

01:00 Михаил Пореченков в многосерийном фильме «Агент национальной безопасности» 16+

03:00 Новости

03:05 «Мужское / Женское» 16+

03:50 «Давай поженимся!» 16+

Теледастурлар жадвалига кўра, телеканалнинг 23.05.2019 санасидаги дастурлар кетма-кетлигидан бешта муаллифлик кўрсатуви жой олган. Улар куннинг ҳар бир қисми, яъни тонг, кундуз ва кечки қисмларида бир ёки иккитадан жойлаштирилган. 2021-йилги дастурлар режаси ўрганилганда эса уларда муаллифлик кўрсатувларининг бир кунлик сони камайганини кўриш мумкин. Унинг ўрнини турли шоулар ва фильмлар эгаллаган. 87 Телеканалдаги кўрсатувларни бирма-бир хусусиятларини санаб ўтамиз:

“Пусть говорят”⁸⁸ кўрсатувининг студиясида барчанинг оғзида бўлган, қайсидир жиҳатлари номаълум бўлиб қолган масалалар кўтариб чиқилади ва улар икир-чикирларгача ҳар бир жиҳатларини муҳокама қилган ҳолда ёритилади. Кўрсатув ток-шоу жанрида тайёрланади. У маълум бир аудиторияга мўлжалланмаган, кўрсатувда кўтарилаётган масалалар барча учун бирдек қизиқ бўлиши мумкин. Кўрсатувни кузатиш жараёнида Россия телевидениесида хос анъанавий жиҳатлар намоён бўлади. Яъни кичик оилавий, маиший ёки бошқа турдаги

87 Телепрограмма на неделю с 1 марта по 7 марта 2021 года. // <https://www.1tv.ru/schedule/week/> (м.в. 02.03.2021)

88 Эдита Пьеха: "Я любила, а меня - использовали". Пусть говорят. Выпуск от 05.01.2020. // <https://www.youtube.com/watch?v=tnWp8PxeO1I/> (м.в. 15.07.2020)

муаммони икир-чикирларигача таҳлил этиб, уни бўрттириб кўрсатиш айнан “Пусть говорят” шоусида яққол сезилади. Лекин шоу тузилиши шу қадар аниқ ва тартиб билан шакллантирилганки, дастур бошида қўйилган саволга айнан кўрсатувни охиригача кўриб бўлгандан сўнг жавоб топилади. Битта саволни ўртага ташлаб, уни дастур сўнгигача мавҳумлигини сақлаган ҳолда воқеанинг бутун тафсилотларини ойдинлаштириб олиш муаллиф ва бошловчидан, албатта, катта маҳорат талаб қилади.

“Пусть говорят” ток-шоу форматида тайёрлангани учун уни муаллифлик кўрсатуви дея аташ мунозарали масала. Аммо дастур дастлаб йўлга қўйилган вақтда унинг номи “Большая стирка” деб номлангани ва кўрсатувни қандай шаклда тайёрлаш ғояси айнан Андрей Малаховга тегишли бўлгани 89, йиллар давомида унинг бошловчиси бўлгани, кейинчалик дастур такомиллашиб, ҳозирги кўринишга келгани ҳамда уни тайёрлашда иштирок этаётган ижодкорлар сони ортгани каби маълумотларни ҳам инобатга олиш лозим. Булардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, кўрсатув дастлаб муаллифлик дастури кўринишида тайёрланган. Йиллар давомида у сайқалланиб, ҳозирги ток-шоу шаклига келган ва янада кўпроқ ижодий жамоани ўзига камраб олади. Кўрсатувда эндиликда айнан бир муаллиф йўқ.

Дастур сценарийнавислари ҳам йиллар давомида ўзгариб келмоқда: 90 Михаил Шаронин (2001–2009); Светлана Солопчук, Вера Медведенко (2001–2004); Ольга Никишина (2004–2005); Светлана Анохина, Наталия Галькович (2005–2009); Наталья Сейбиль (2010-йилгача); Лариса Новосёлова, Елена Некрасова, Светлана Тимошина, Егор Яцына (2010–2017); Елена Телеутова, Марина Викулина, Мария Максимова (2017-йилдан).

“На самом деле” кўрсатувининг бошловчиси – актёр Тимур Еремеев. Бошловчи таъбири билан айтганда, бу студияда ёлғон гапириш имконсиз. 91 У ўз формати жиҳатидан “Пусть говорят” кўрсатувига ўхшаб кетади. Аммо унда икки томон бир-бирига қарши қўйилади.

89 Народный хайпжор. Андрей Малахов годами копался в грязном белье россиян, но не замарал руки. Lenta.ru 08.08.2017. (м.в. 20.07.2020)

90 [https://ru.wikipedia.org/wiki/Пустьговорят\(ток-шоу\)#cite_ref-1/](https://ru.wikipedia.org/wiki/Пустьговорят(ток-шоу)#cite_ref-1/) (м.в. 20.07.2020)

91 На самом деле. // <https://www.1tv.ru/shows/na-samom-dele/> (м.в. 20.07.2020)

Ҳақиқатни аниқлаш учун детектор орқали иштирокчиларнинг сўзлари ҳақиқат ёки ёлғонлиги текширилади. Иштирокчилар, одатда, машҳур инсонлар орасидан танланади. Бу дастурда Россия телекўрсатувларига хос анъанавий жиҳатлардан бири – тўқима образ ва воқеаларни ҳаётий қилиб кўрсатиш кўзга ташланади. Буни оддий томошабин сезиши мумкин, лекин доим унда бу ҳақиқатми ёки йўқми, деган саволга аниқ ва равшан жавоб бўлмайди. Кўрсатувнинг ютуғи ҳам аслида шунда.

“На самом деле” ни муаллифлик кўрсатувлари қаторига кирита олмаймиз. Чунки у бир неча ижодкорлардан ташкил топган жамоанинг ижод маҳсули. Ягона муаллифга эга эмас. У кўпроқ ҳақиқатга аралашган тўқима қисқа фильмга ўхшайди.

“Толстой. Воскресенье” кўрсатуви инфор­мацион-таҳлилий ҳамда ижтимоий-сиёсий характерга эга бўлиб, унинг муаллифи журналист Пётр Толстой. Кўрсатувда дастлаб мамлакатдаги муҳим воқеалар журналист-муаллиф томонидан таҳлил қилинади. Сўнгра студиядаги меҳмонлар билан биргаликда улар муҳокама қилинади. Бошловчи таъбири билан айтганда, кўрсатув ғояси – ҳозирда барча гапираётган ва ҳаммани ташвишга солаётган воқеалар ҳақида очиқ мулоқотдир.⁹²

Дмитрий Борисовнинг “Эксклюзив” дастури ҳам ток-шоу жанрида тайёрланади. Лойиҳанинг ҳар бир сонида шов-шувли воқеаларнинг оммадан сир тугилган номаълум жиҳатларини очиш мақсад қилинган. Кўрсатувда асосий иштирокчилар бошловчи ва меҳмонлар (бир ёки икки нафар) ҳисобланади. Студиядаги томошабинлар ҳам мулоқотда қатнашади, саволлар бериб, фикрларини билдиради.

“Мужское/Женское” лойиҳасининг ҳам жанри – ток-шоу. Эркаклар ва аёллар ўртасида юзага келаётган муаммолар ҳақиқий қаҳрамонлар мисолида кўтариб чиқилади. Бунда рус халқининг ўзаро инсоний муносабатлари ойнадек намоён бўлади. Аёллар ва эркакларга тегишли мавзулар, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бу жараёнда кузатилаётган камчиликлар ва муаммолар хусусида сўз юритилади. Бу кўрсатувнинг ҳам қамрови кенг ҳамда уни тайёрлашда иштирок этадиган ижодкорлар сони кўплигини ҳисобга олган ҳолда уни муаллифлик кўрсатуви деб ҳисоблай олмаймиз.

⁹² <https://www.1tv.ru/shows/tolstoy-voskresene>

“Сегодня вечером” ток-шоуси ҳар шанба куни томошабинларни таниқли артистлар, муסיқачилар, хонанда ва актриса, актёрлар даврасига таклиф қилади, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд этади. Унда муаммолар кўтарилмайди, айнан томошабинларни дам олдириш функцияси кўпроқ роль ўйнайди. Ушбу кўрсатув рус халқига хос ўзгача юмор, дилдан суҳбат қуриш, ўйин-кулгуга мойиллик ва иштиёқ каби хусусиятларни ўзида намоён этади. Дастурни томоша қилиш орқали рус оиласида ота-она, фарзандлар, яқин инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг акс этишини кўриш мумкин.

“Поле чудес” йиллар давомида ўз мухлисларини йўқотмай келаётган кўрсатувлардан бири. Бошловчи ва муаллиф Леонид Якубович иштирокчиларга ҳам савол беради, ҳам уларни қизиқарли суҳбатга тортади. У кўнгилочар-викторина форматидаги шоулар сирасига киради. Кўрсатувда миллий куй ва қўшиқлар, рақслар, миллий либослар, таомлар ва егуликлар намоёнишига алоҳида эътибор қаратилади. Унда рус халқининг ўзига хос миллий ва анъанавий хусусиятлари яққон намоён бўлади. Бунда ўзаро мулоқот маданияти ҳам мустасно эмас. Айнан ушбу жиҳатларнинг кўрсатувда акс этиши кераклигини бошловчи Леонид Якубович киритганлиги маълумотларда қайд этилади.⁹³

Аслида кўрсатув 1990-йилдан эфир юзини кўрган. Аммо рейтингда яхши натижалар кўрсатавермагач, кўрсатув тарихида иккинчи бошловчи ҳисобланадиган Леонид Якубович унга бошқача тус бериш кераклиги таклифини билдиради. Кўрсатув “нима ўйналаётгани тўғрисида эмас, балки уни ўйнаётганлар ҳақида бўлиши керак” деган фикрни илгари суради. Шу тариқа, “Поле чудес” кўрсатувида яширилган сўзни топишга эмас, иштирокчиларнинг шахси ва ҳаётига урғу бериш йўлга қўйилади.⁹⁴

Дастур ғояси бир шахсга тегишли экани ва уни тайёрлашда ўша шахснинг ўрни ҳамда аҳамияти катталигини ҳисобга олиб, “Поле чудес” муаллифлик кўрсатувида хос жиҳатларни ўзида акс эттиради, дейиш мумкин. Маълум вақт Леонид Якубович ҳам кўрсатув сценарийи муаллифи сифатида фаолият юритган. Кўрсатув томоша қилинганда, ундаги сценарий ўзаро мулоқот, вазият ва ҳолатлардан келиб чиқиб,

93 [https://ru.wikipedia.org/wiki/Поле_чудес_\(телеигра\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Поле_чудес_(телеигра))

94 Леонид Якубович: Многое из того, что происходит на съёмках “Поля чудес”, вырезают. Моя семья (17 декабря 2012).

дастур тасвирга олинаётган вақтда янада мукаммал ҳолга келишига гувоҳ бўлиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, “O‘zbekiston” телеканалдаги муаллифлик кўрсатувлари асосан суҳбат, ток-шоу ёки телеочерк жанрларида тайёрланади. Уларда кўпроқ миллий ва анъанавий хусусиятлар ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам уларнинг аудиторияси кенг, деб бўлмайди. Бу кўрсатувларда ноанъанавийликдан кўра, анъанавий хусусиятлар устувор тургани учун ҳам улар рейтинг жиҳатдан баланд ва томошабоп эмас. Россия телеканалдаги муаллифлик кўрсатувлари эса асосан ток-шоу жанрида тайёрланади.

Ток-шоудаги мавзулар одамлар орасидаги майда миш-мишлардан тортиб, давлат, сиёсат майдонларида бўлаётган воқеалар муҳокамасига бағишланади. Тортишув, можаро, низо, қарама-қаршилиқлар бу каби ток-шоуларга хос анъанавий хусусиятлардир. Шунингдек, суҳбат, саёҳат, бошқача айтганда, йўл очерки, саломатлик мавзуларидаги шоулар, ҳарбий соҳага оид таҳлилий дастурларни ҳам кузатиш мумкин.

“Первый” телеканалдаги муаллифлик кўрсатувлари шаклан бир хиллиги, мазмунан яқинлиги каби камчиликларга эга. Улардаги ноодатийлик хусусияти кўпроқ танланган мавзуга тегишлидир. Муаллифлик кўрсатуви бу журналист ва муаллифнинг оригинал ғояси маҳсули бўлиши лозим. Бунда ҳар бир мамлакат, халққа хос миллий ва анъанавий хусусиятлар ўз-ўзидан мавжуд бўлади. Аммо шунга қарамасдан, кўпроқ аудиторияни ўзига қамраб олиш, жаҳон телевидениесининг илғор жиҳатларини ўзида намоён этиш учун анъанавийликдан қочиш, миллийликка замонавийликни уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу муаллифлик кўрсатувининг муваффақиятини белгилаб беради.

Телевидение бугунги кунда кўпроқ томошабин эътиборини қандай усуллар билан бўлмасин, иложи борича, узоқроқ ўз каналида ушлаб туришга муҳим эътибор қаратмоқда. Бу борада телеканаллар орасида носоғлом рақобат ҳам вужудга келаётгани бор гап. Кўрсатувлар ғоялари, мавзулари ва ҳатто номлари ўхшашлиги, айрим ҳолларда бирга-бир тарзда кўчирилгани каби ҳолатлар кузатилмоқда. Шунингдек, телеканаллар асосан реклама орқали ўз молиявий аҳволини тутиб туришга уринаётгани сабаб қайси каналга уланганда ҳам дастур

жадвалининг катта қисмини рекламалар эгаллаётганини ҳам кузатиш мумкин.

Телевидение тараққиётининг шундай бир даврида журналистлар ижодкорлиги, креативлиги маҳсули бўлган муаллифлик кўрсатувларига бўлган талаб ортиб бораётганини, аммо уларнинг томошабинларнинг севимли дастурлари қаторидан жой олиши бирмунча мураккаб ҳолга келиб қолаётганини кўрамиз. Шунга қарамай, тадқиқотлар давомида журналистлар ғоя, услуб, йўналиш жиҳатидан янгича муаллифлик кўрсатувларини яратишга фаол ҳаракат қилаётганини кузатдик. Бунда ҳар ким турли жанрларга мурожаат қилмоқда. Муаллифлик кўрсатувлари орасида ток-шоу, шарҳ, ҳисобот, интервью, суҳбат каби турли жанрда тайёрланганларини учратиш мумкин.

Алоҳида ажратиб кўрсатиш керакки, тадқиқот объекти сифатида танланган давлат телеканалларида миллий қадриятлар, анъанавий хусусиятлар кўпроқ намоён бўлмоқда. Ўрганилган Россия каналида эса телевидениенинг маданият феномени сифатидаги жиҳати кўп ҳолларда эътибордан четда қолган. Яъни дастурларда рус миллий урф-одатлари, қадриятлар, маданий тимсоллар намоёишига ўрин берилмаган.

Ўзбек телеканалларидаги муаллифлик кўрсатувларида:

- миллийлик ва анъанавийлик хусусиятлари устуворлиги, мавзуларнинг бир-бирига ўхшашлиги;
- режиссура ва тасвир имкониятларининг оқсаётганлиги;
- интервью ва суҳбатларда мулоқот ўтказишдан мақсаднинг аниқ қўйилмаслиги;
- журналист томонидан мақсаднинг олдиндан аниқлаштирилиб олмаслиги, бошловчиларнинг жараёнларда иштироқи камлиги;
- интервьюда саволларнинг аниқ, лўнда берилмаслиги, унинг ўрнига саволлар учун ҳам маълум “кириш қисм” дан фойдаланилиши;
- суҳбатда кўтарилган мавзу, масала юзасидан чуқур мушоҳадага ундовчи, мавзу моҳиятини очиқ берувчи саволларнинг камлиги;
- суҳбатларда фикрлар баҳсининг йўқлиги;
- интервью ва суҳбатда муайян лексик қолиплардан фойдаланилиши;
- суҳбат жанридаги материалларда мулоқот жараёнининг руҳи, “атмосфера”си, кайфияти сезилмаслиги;

- интервью ва суҳбатларда танланган мавзу кўламининг ниҳоятда кенглиги сингари қатор муаммолар аниқланди.

Уларни бартараф этиш учун дастурларда замонавий элементларни миллийлик билан уйғунлаштириб, янгича кўринишга олиб келиш лозим.

2.2. Муаллифлик кўрсатувларида замонавий тенденциялар

Муаллифлик кўрсатувларида замонавий тенденциялар ҳақида сўз юритишдан аввал замонавий журналистика ва телевидениеда шаклланган тенденциялар тўғрисида фикр ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ.

Тенденция (лот. Tendo – йўналтираман, ҳаракат қиламан) – муайян нарса ёки ҳодисанинг доимий ривожланиши деган маънони билдиради. 95 Яъни буни журналистика нуқтаи назаридан олиб қаралганда, соҳага янги услуб, технологияларнинг кириб келиши, ахборот тўплаш, тарқатиш ва қайта ишлашнинг янги усуллари йўлга қўйилиши, аудитория билан мулоқот ва муносабатнинг янада яқинроқ ўрнатилиши, техника, студия ва бошқа моддий жиҳатдан услуб, дизайнларнинг янгича кўринишлари вужудга келиши ва шу каби бошқа янгиликларни журналистика соҳасига оид тенденциялар сифатида қарашимиз мумкин. Тенденцияга айланиши учун буларнинг ҳаммаси узоқ вақт ва тизимли равишда амалга оширилиши зарур.

Канадалик телевизион продюсер Аллан Новак телевидениеда “контент” (таркиб) бозоридаги янги тенденцияларни келтириб ўтган:96

- “Контент” сўзини унутинг – сиз бирор ҳикоя айтиб беришингиз керак. “Сериал” ёки “шоу” категориялари доирасидагина фикр юритманг – бугунги кунда шахсий дунёни ва оламни яратиш керак.

- Телевидение ўлаётгани йўқ, аммо борган сари аҳамияти камайиб борапти. YouTube ва Netflix каби онлайн-хизматлар аксинча оммалашиб бормоқда. Улар ҳозирча телевидение билан тенглашмаган, аммо тенденция яққол кўриниб турибди, буёғида фақат вақт масаласи қолди.

- Ишни кейинга қолдирманг – тайёр материал мавҳум ғоялардан кўра бир неча баробар қимматлироқ. Агар телеканаллар билан келишишнинг

95 <https://ru.wikipedia.org/wiki/Тенденция>

96 http://www.cinemotionlab.com/novosti/00207-7_glavnyh_tendenciy_sovremennogo_televideniya/
(м.в. 12.02.2021)

имкони бўлмаса, интернетни қўлланг, у ерда ўз ишларингиз натижаларини жойлаштиринг. Сизни сезишлари учун ҳаракат қилинг.

- Барча нарсада ҳаракат бугун олдингидан кўра кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бозор маҳсулотга тўла ва унда нимагадир эришиш мумкин, фақат йирик қадам ташлаш эвазига. Гап фақат пулда эмас: интернетдаги машҳурликни кичик бюджет билан ҳам қўлга киритса бўлади.

- Ҳамкорлар изланг. Бугун катта компаниялар ва энди бошлаётганлар орасида онлайн-контент ҳамкорлик ишлаб чиқарувчилари сифатида намоён бўлаётган ҳамкорлик ривожланмоқда. Биринчи томон ғояга муҳтож, иккинчиси эса пулга, шунинг учун бу икки томон учун фойдали келишувдир. Ушбу тренд оммалашиб кетмасдан, бу имкониятдан фойдаланинг.

- Телевидение, интернет, интерактив лойиҳалар – буларнинг барчаси битта катта экотизим қисмларидир. Ўзингизни эски рамкалар билан сиқувга олманг ва одатийлик чегараларидан чиқишга ҳаракат қилинг. Муҳим ва доим долзарб талаб – яхши ҳикоянинг ёки қизиқарли дунёнинг борлиги.

Продюсер А. Новак санаб ўтган бу трендлар бугунги кунда телевидениега бўлган қизиқиш ва уни томоша қилаётган аудиториянинг тобора камайиб бораётганини, бунга қарши эса янги ва такрорланмас ғоялар ҳамда интернет орқали курашиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, биз тадқиқ қилаётган “O‘zbekiston”, “Madaniyat va ta’rifat” телеканаллари ҳамда Россиянинг “Первый канал”ида интернет билан уйғунлик йўлга қўйилган. www.mtrk.uz сайти Ўзбекистондаги давлат каналларининг расмий сайти ҳисобланади. Бу ерда ҳар бир телеканалнинг алоҳида саҳифаси, онлайн намоёниши, телекўрсатувлар намуналари, бошловчилар ҳақидаги маълумотлар ва шу каби ахборотлар билан танишиш мумкин. Аммо ҳар бир телеканалнинг алоҳида ўз сайти мавжуд эмас.

Юртимиздаги давлат телеканалларидан фақатгина “O‘zbekiston 24” каналининг ўз расмий сайти фаолият юритади. Россиянинг “Первый канал”и эса шахсий сайтга эга ва у www.1tv.ru манзилида жойлаштирилган. Интернет билан боғлиқлик ва уйғунлик бўйича солиштирганда, “Первый канал” нинг ўзбек каналларидан анча

илгарилаганини кўриш мумкин. Биргина мисол, www.mtrk.uz сайти ҳали-ҳануз тест режимида ишлайди. Аммо 2021 йилнинг 21 мартдан бошлаб телерадиокомпанияда интернет тармоғи орқали комплекс медиасервис хизматлари кўрсатишга мўлжалланган UzTV (uztv.tv) платформаси ишга туширилгани онлайн намоёишлар сифати ва тезкорлигига ижобий таъсир кўрсатди.

“Первый канал” да жонли эфир режими узлуксиз ва жуда қулай равишда сайтга ўрнатилган. Сайт контентигаги “Телелойхалар”, “Фильмлар ва сериаллар”, “Хужжатли кино”, “Спорт”, “Теледастурлар жадвали” деб номланган барча саҳифаларига кирганда, ҳар бир маълумот остидан агар ахборот олинаётган кўрсатув ёки лойиҳа айна вақтда эфирга узатилаётган бўлса, унга кўрсатилган ҳавола орқали ўтиб, томоша қилиш имкони мавжуд. Агарда маълумот олинаётган вақтда кўрсатув ёки лойиҳа эфирга узатилмаётган тақдирда, унинг ўтган барча сонларини томоша қилиш мумкин.

“Телелойхалар” саҳифасида телеканал орқали эфирга узатиладиган барча кўрсатув ва лойиҳалар ҳақида маълумотлар қамраб олинган ҳамда бу саҳифада ҳам уларнинг барча сонлари жойлаштирилганини кўриш мумкин. Ҳаттоки “Теледастурлар жадвали” саҳифасида ҳам барча дастурлар гиперҳавола орқали кўрсатилган бўлиб, жадвал билан танишиш асносида кўрсатув номи устига босиб, тўғри ушбу кўрсатув саҳифасига ўтиш ва у ердан керакли сонни томоша қилиш имкони яратилган.

Шунингдек, “Первый канал” да интерактив телевидение имкониятларидан максимал равишда фойдаланилган. Яъни томошабинлар “НbbTV” интерактив функцияси орқали кўрсатувларда бевосита иштирок этиши мумкин бўлади. Бу орқали аудитория телевидение билан янада яқинроқ бўлиши мумкин. Бу функция телевидение ва интернет имкониятларини бирлаштиради. Эндиликда кўрсатувлар ва уларнинг иштирокчилари ҳақидаги фикрларни билдириш, овоз бериш ва сўровномаларда иштирок этиш, экранда содир бўлаётган воқеалар ҳақида эфир кетаётган вақтда телевизорнинг пультадан фойдаланган ҳолда қўшимча маълумот олиш каби янги имкониятлар аудиторияга тақдим этилди.

“Иккинчи экран” деб аталаётган бу функция авваллари телеканалнинг фақатгина сайти, мобил иловалари, ижтимоий тармоқлардаги расмий каналлари орқали қўшимча имкониятларни тақдим этган бўлса, ҳозирда телевизор экранлари орқали “Первый канал” ни томоша қила туриб, улардан фойдаланиш мумкин бўлди.

Бундай интерактив давр 2018-йилнинг 13-апрелидан бошланди. Телеканал орқали эфирга бериладиган «Голос.Дети» шоусини жонли эфирда томоша қилаётган инсонлар шоунинг иштирокчилари, унда янграган қўшиқлар ҳақида қўшимча қизиқарли маълумотларни олишди, бошловчи ҳазилларини баҳолашди ва ҳаттоки шоунинг кейинги мавсумига тайёрланиш жараёнларига ҳам аралашди, яъни янги “Наставник”лар учун номзодларга овоз бердилар. Ўша вақтда томошабинларнинг 20 фоизи бу сўровномада иштирок эта олдилар.⁹⁷

Ҳозирда бу функция бошқа дастурлар учун ҳам амал қилмоқда. “НbbTV” ўрнатилмаган тақдирда, мижоз бундай имкониятлардан телеканалнинг расмий сайти орқали фойдаланиши мумкин. “Теледастурлар жадвали” саҳифасини очганда, қайси дастур ёнига “НbbTV” ёки “Интерактив” сўзи ёзилган бўлса, айнан уларнинг намоиши вақтида янги функция имкониятларини қўллаш, яъни телеэфир вақтида бевосита аудитория иштирок этиши мумкин. 2018 йилнинг ноябрь ойида телеканал НbbTV ассоциациясининг “НbbTV ни аудиторияни жалб қилиш учун қўллаш” йўналишида халқаро мукофотини ҳам қўлга киритди.⁹⁸

Бундан ташқари, сайтда телеканалнинг ойлик тв-дастурлар жадвали ҳам жойлаштирилган. Бундан кўринадики, телеканал қатъий тартиб, жадвал асосида фаолият юритади. Шунингдек, сайтда телеканалнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига ўтиш учун ҳам ҳаволалар жойлаштирилган.

Ўзбекистон телеканаллари ҳам ўзининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини йўлга қўйган. Аммо уларнинг мунтазам янгиликлар билан бойиб турмаслиги, барча кўрсатувларнинг видео кўринишларини томоша қилиш, дастурлар жадвали билан онлайн танишиш каби имкониятларнинг мавжуд эмаслиги юртимизда, хусусан давлат

97 <https://www.1tv.ru/hbbtv-interaktivnoe-televidenie/glavnaya> (м.в. 12.03.2021)

98 <https://www.1tv.ru/hbbtv-interaktivnoe-televidenie/glavnaya> (м.в. 12.03.2021)

каналларида телевидение ва интернет ўртасидаги уйғунликнинг паст даражасини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда кузатилаётган тенденциялардан яна бири – кўрсатувларнинг дунё бўйича глобаллашаётганидир. Бу тенденция “Forbes” журналининг сайтидаги мақолада ҳам қайд этилган.⁹⁹ Яъни қайсидир давлатда намоиш этилган кўрсатув бошқа бир давлат телеканали томонидан сотиб олиниб, қайта ишланмоқда ёки шундоққина кўчирилиб, плагиатга йўл қўйилмоқда ёки таржима ҳолида берилмоқда. Масалан, “Каран Жоҳар билан қаҳва” кўрсатуви ўзбек каналлари орқали ўзбек тилида эфирга узатиб борилди. “Первый канал” даги “Вечерний Ургант” шоуси (у ҳам ўз вақтида Америка телеканалларидаги кўрсатувдан олинган) “Milliy” телеканалда “MTV show” тарзида намоён бўлди. “Голос. Дети” шоуси “Volajon” телеканалдаги “Yulduzcha” шоусида ўз аксини топди.

Шунингдек, бирор муаммо ёки масала кўтарилган ҳамда кенг аудитория билан биргаликда муҳокама этиладиган ток-шоуларни тайёрлаб эфирга узатиш тенденцияга айланди. Букаби йўналишдаги кўрсатувларга: “Мужское/Женское”, “Время покажет”, “Пусть говорят”, “Эксклюзив”, “Большая игра”, “Толстой. Воскресенье”, “На самом деле” каби ток-шоулар киради. Уларда жанжалга айланиб кетадиган тортишувлар, чексиз муҳокамалар, баҳс ва мунозаралар, айрим ҳолларда бир-бирини уриш, ҳақорат қилиш сингари ҳолатлар акс эттирилмоқда. Бунда студия имкониятларидан фойдаланган ҳолда асосий иштирокчилар ва атрофда томошабинлар муҳитидан фойдаланиш урфга айланди.

“O‘zbekiston” телеканали орқали ҳам ана шундай ток-шоулар эфирга берилади. Жумладан, “Munosabat”, “Sharh+” ток-шоуларидир. Аммо уларда менталитет юзасидан тортишув ва жанжалларга йўл қўйилмайди. Маълум муддат эфирга узатилган “Uchburchak” ток-шоуси эса мавзу танланиши ва муҳокамаси жиҳатидан менталитетимизга хос бўлмаган, аммо жамият орасида ҳайратланишга мажбур қиладиган муаммолари

⁹⁹ <https://www.forbes.com/sites/tonifitzgerald/2018/12/14/2019-tv-preview-watch-for-these-five-programming-trends/#d7e336792bf6> (м.в. 12.03.2021)

мавжуд инсонлар тақдирини олиб чиқди. 100 Шунингдек, “Biz uchun muhim” ҳамда “Bu ham muhim” ток-шоулари ҳам эфирга узатилган бўлиб, унда муаммоли вазиятлар муҳокамаси кўтариб чиқилган.

“Madaniyat va ma’rifat” телеканали эса ўз йўналиши ва форматидан келиб чиқиб, ток-шоуларни маърифий-илмий мавзуларда тайёрлайди. Хусусан, “Ochiq studiya” ток-шоуси жамиятдаги муаммоларни муҳокама қилишга қаратилгани билан ажралиб туради. Телеканал орқали эфирга бериладиган “Inson o‘zing” ток-шоуси ҳам болалар, инсонийликка оид ҳаётимизда учраётган қаҳрамонликлар, воқеалар муҳокамасини ўзида акс эттиради.

Бундан ташқари, ток-шоулар борасида саломатликка йўналтирилганлари тенденцияга айланди. Биргина “O‘zbekiston” телеканалидан “Oydin hayot”, “O‘zingni angla” ток-шоулари мазкур йўналишда тайёрланади. “O‘zingni angla” ток-шоуси ҳозирги кунда бироз йўналишини ўзгартирган бўлиб, турли клиникалардан тасвирга олиш ишларини амалга оширмоқда. Авваллари муолажа воситалари, шифокор ва мутахассислар студияга жамланган бўлса, энди кўрсатув ижодкорлари бевосита жойлардан дастур тайёрлаб келмоқда. 101 “Первый канал” да эса “Жить здорово”, “Здоровье с Еленой Малышевой” ток-шоуларини мисол қилиб келтириш мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам бир муаллиф томонидан тайёрланади.

Сўнгги вақтларда пайдо бўлган тенденциялардан бири “Eurodata TV” тадқиқот компанияси томонидан намойиш қилинган. Унинг хулосаларига кўра, телешоуларнинг асосий мавзуси мистика, иктидорларни топиш ва учрашув бўлмоқда. Шунингдек, телевидение гик-маданиятга кўп эътибор қаратяпти. 102 Гик-маданият нима деган саволга жавоб топиш учун гик сўзининг маъносини ойдинлаштириб олиш лозим.

Гик (ингл. geek – ишқибоз) – бу интеллектуал, яъни ақлий кўнгилочар машғулотлар билан шуғулланувчи инсонларни бирлаштирувчи суб-маданиятдир. Бундай машғулотларга компьютер, стол ўйинлари киради.

100 «Эрим ичиб келиб, қизимни яланғоч ваннага тушишга мажбур қилади»/”Uchburchak”//<https://www.youtube.com/watch?v=I8WevGcPK90/> (м.в. 12.03.2021)

101 O‘zingni angla | Катаракта касаллиги ва уни замонавий даволаш усуллари [16.01.2021]//<https://www.youtube.com/watch?v=Nnb2xZCWP7Q/> (м.в. 15.03.2021)

102 http://www.kinometro.ru/Tv/show/name/Eurodata_content_97882

Гик-маданият эса гиклар жамияти орасидаги кадрийатлар ва машғулотлар умумлашмаси ҳисобланади.¹⁰³

Бундан ташқари, каналлар томонидан сериаллар ишлаш ҳам телевидениедаги тенденциялардан бирига айланди. Шу билан бирга, реалити-шоуларнинг ҳам кўпайиши кузатилмоқда. Айнан улар томошабинларни телевизор экранлари олдига муҳрлашга хизмат қилмоқда. Сабаби бугунги кунда инсонларни тўқима ҳикоялар, воқеалардан кўра, ҳақиқий, реал персонажларнинг ҳаётини кузатиш, уларда ўзлари ҳам фикрлари ва муносабати билан (қатнашчиларга овоз бериш, смс хабарлар орқали фикр билдириш) иштирок этишни истади.

Дунё, хусусан, Европа ва Америка тележурналистикасига назар ташласак, уларда телевидение ўз тузилиши, моҳияти ва ҳаттоки ходимлар таркиби билан ҳам ўзбек ва рус телевидениесидан фарқланади. Уларда “TV production” атамаси асосий тушунча ҳисобланади. Бу атама ҳозирги кунда юртимиздаги хусусий телеканаллар фаолиятига ҳам татбиқ этиб келинмоқда. Кинематографиядан телевидениега телесюжетни тайёрлашнинг технологик жараёнини уч босқичга ажратиш кириб келди:

1. Пре-продакшн – тасвирга олиш жараёнидан олдинги фаолият;
2. Продакшн – тасвирга олиш жараёни;
3. Пост-продакшн – материални қайта ишлаш ва уни эфирга тайёрлаш жараёнлари.¹⁰⁴

Телевизион студия продакшни жамоаси қуйидаги ходимлардан таркиб топади:

1. Producer (режиссёр, ишлаб чиқарувчи ёки директор маъносида) – барча жараёнларни бошқариб турувчи ижрочи директор ёки муайян дастур продюсери ҳисобланиб, маҳсулотни режалаштиришдан тортиб, тасвирга олинишигача бўлган жараёнларни бошқариб туради.

2. Director (режиссёр маъносида) – у продюсер бўлиши ҳам мумкин, тайёр сценарийнинг ўқилишида воситачи, студия ходимларига кўрсатмалар беради, ўзгаришлар ҳақида хабар беради.

¹⁰³ <http://tangar.info/geek>

¹⁰⁴ Дедов, А. Н. Технологии телевизионной журналистики [Электронный ресурс] / учеб. пособие / А. Н. Дедов. – URL: <http://dedovkgu.narod.ru/bib/dedov2.htm> – С. 81.

3. The production assistant (режиссёр ассистенти) – ишлар сценарий бўйича бориши учун масъул, вақтни ҳисоблаб, текшириб туради, режиссёрни кадрлар кетма-кетлиги ҳақида хабардор қилиб туради.

4. The vision mixer operator (видеомикшер оператори ёки режиссёр ассистенти) – камеранинг телевизион сигналларини танловчи ва бошқарувчи ходим.

5. The sound operator (овоз оператори ёки режиссёри) – овоз, муסיқа ва эффе́ктлар учун масъул шахс.

6. The floor manager (студия бошқарувчиси) – режиссёрдан кейинги энг муҳим шахс. У студиянинг бутун бошқарувини ўз қўлига олган. У студия билан боғлиқ барча нарсага, ҳаттоки техника ва ходимлар хавфсизлиги ва соғлиғи учун жавобгардир.

7. The camera operators (камера операторлари) – тасвирга олувчилар.

8. The lighting – чироқчилар.

9. The technical operations – техник ходимлар. 105

Ўзбек телевидениесида кузатиладиган муҳаррирлар жамоаси, муаллиф ва журналист тушунчалари Европа ва Америка телевидениесида деярли кузатилмайди. Назарий адабиётларда ҳам бу тушунчалар ўрнига сценарий ёзувчи (screenwriter or scriptwriter), хикоя продюсери (story producer), сценарий муҳаррири (script editor) ва сценарий координатори (script co-ordinator) каби атамалар қўлланади. 106 Яъни бунда журналистнинг вазифаси фақат сценарий ёзишдан иборат бўлиб қолмоқда. Кўрсатувнинг асосий ғояси, муаллифи сифатида продюсер ёки режиссёр кўрсатилади. Хориждаги журналист ва муҳаррирларнинг асосий муаллифлик иши телеканаллар орқали намоиш этиладиган инфор­мацион дастурлар ва уларда кўрсатиладиган лавҳалар бўлиб қолмоқда. Ўзбек ва рус телевидениесида эса журналистга юкланадиган вазифалар кенгроқ.

Шу ўринда, журналист замонавий телевидениеда эндиликда фақат сценарий ёзадиган ходим бўлиб қолиши мумкинлиги, аслида телевидениеда унинг ўрни қандай бўлиши кераклиги каби масалалар

105 Rudin R. An introduction to journalism essential techniques and background knowledge. – Amsterdam: Focal Press, 2005. – P. 163-165.

106 Film & TV Production Roles and Departments.

[//http://www.listeninglistening.com/uploads/6/4/4/8/6448263/crew-roles-and-departments-guide.pdf](http://www.listeninglistening.com/uploads/6/4/4/8/6448263/crew-roles-and-departments-guide.pdf)

баҳсли. Буни аудитория қандай телемахсулотларни томоша қилаётганидан ҳам билиш мумкин.

Социологларнинг маълумотларига кўра, “2014-йилда россияликларнинг телевизор томоша қилиш давомийлиги охириги 15 йилдаги кузатувлар давомида энг юқори кўрсаткичга эришган”.¹⁰⁷ 18 ёшдан катта томошабинлар ўртасида эса бу кўрсаткич кунига 4 соату 20 дақиқани ташкил этган. Яна шуниси эътиборга лойиқки, бу кўрсаткичларга айнан информацион ёки таҳлилий кўрсатувлар ҳисобига эришилган.¹⁰⁸ Бундай кўрсатувлар эса айнан журналистик меҳнат маҳсуллари ҳисобланади. 2008 йилдан бошлаб телетомошабинларнинг ўртача ёши 44 дан 47,7 ёшга кўтарилди.¹⁰⁹ Сабаби, бу даврда ёш қатлам кўпроқ интернет фойдаланувчисига айланди. Бу биров эски маълумот.

“Mediascope” компаниясининг янги 2021-йилги статистик маълумотларига кўра, 4 ёшдан катта бўлган 64 фоиз россиялик телевизорни ҳар куни ўртача 15 дақиқа ёки ундан кўпроқ вақт томоша қилар экан. Статистика ҳудудлар кесимида турлича кўрсаткичларни қайд этган. Жумладан, 100 минг ва ундан ортиқ аҳолиси бор жойларда телевизорни томоша қилиш кўрсаткичи 61 фоизни, кичик қишлоқ ва шаҳарчаларда эса 67 фоизни ташкил этмоқда. Россия бўйича аҳоли телекўрсатув ва фильмларни томоша қилишга кунига 3 соату 10 дақиқа вақтини сарф этади. Бу 2014 йилги кўрсаткичга нисбатан пасайган. Вақтини энг кўп телевизор олдида сарфлайдиган аҳоли 54 ёшдан ошган ва улар кунига 6 соату 3 дақиқани кўрсатув ҳамда фильмларни томоша қилишга сарфлайди.¹¹⁰

Бу маълумотлар кўрсатадики, Россияда телевидение орқали узатиладиган медиа маҳсулотларни томоша қилишга нисбатан қизиқиш биров пасайган. Телевизор томоша қилувчи инсонларнинг асосий қисми катта ёш вакиллари ҳисобланади.

107 Полуэхтова И. Как и что мы смотрели в 2014 году // Искусство кино. 2015. № 4. – С. 28.

108 Мясникова М.А. Журналистика в современном российском телеконтенте.

//https://journurgi.urfu.ru/fileadmin/user_upload/site_16477/Myasnikova_M_A_2016.pdf (м.в. 15.03.2021)

109 Полуэхтова И. Как и что мы смотрели в 2014 году // Искусство кино. 2015. № 4. – С. 36.

110 Сколько россиян смотрят телевизор: статистика 2021//<https://otvet.tv/tsetv/skolko-rossiyan-smotryat-televizor-statistika-2019.html> (м.в. 01.04.2021)

Бу жиҳат Ўзбекистонга ҳам хос. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан 2020-йилнинг 5-15 март кунлари Ўзбекистонда энг оммабоп миллий телевизион манба ва форматларни аниқлаш мақсадида фуқаролар ўртасида жамоатчилик фикри сўрови ўтказилди. Унда республика бўйича жами 6 467 нафар фуқаролар иштирок этди. Сўровда шаҳар ва қишлоқ жойларидаги турли ёш ва касб эгалари қамраб олинди. Сўровнома натижалари билан 1-иловада танишиш мумкин.

“Сиз ҳафта давомида неча марта телевизор кўрасиз?” деган саволга аксарият иштирокчилар ҳар куни деб жавоб беришган. Бу эса 37,9 фоизни кўрсатмоқда. (1.2-расмга қаранг). “Сиз одатда миллий телеканаллар орқали қайси кўрсатув ва дастурларни кўрасиз?” деган саволга эса иштирокчиларнинг 1354 нафари, яъни 12,1 фоизи янгиликлар, ахборот дастурлари деб жавоб беришган. Муаллифлик дастурлари орасида энг кўп овозни “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Munosabat” ток-шоуси олган. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, сўровнома натижаларига асосан иштирокчилар танлаган вариантларнинг аксарияти муаллифлик кўрсатувлари ҳисобланади: “Munosabat”, “Fikrlar chorrahasi”, “Parlament hayoti”, “Qarama-qarshi”, “Avtopatrol” кўрсатувлари. (1.3-расмга қаранг).

Сўровноманинг турли қатлам вакиллари орасида ўтказилганини инобатга олиб, ушбу натижалардан ҳам аудиториянинг фикри ҳақида муайян хулосаларга келиш мумкин. Демак, журналистнинг профессионал вазифаларини бажаришига аҳоли орасида эҳтиёж бор. Кейинги сўровномада танқидий-таҳлилий телемаҳсулотларнинг кўпайишини хоҳлаётганлар сони анчагина эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. (1.4-расмга қаранг). Бундай дастурларни эса биргина режиссёр ёки продюсер тайёрлай олмайди. Бунинг учун юксак салоҳиятли, ўз фикри ва позициясига эга, профессионал кўникмалари мавжуд журналистлар зарур бўлади.

Шунингдек, телевидение ривожига қуйидаги тенденциялар қайд этилган:111

- Интернетализация – телевидениенинг интернетлашуви;
- Телевидениенинг глобаллашуви;

111 <https://students-library.com/library/read/40307-tendencii-razvitia-sovremennogo-tv>

- Эфирга узатишнинг номарказлашуви – бунда маҳаллий, ҳудудий ОАВнинг ривожланиб, ортиб бораётгани назарда тутилмоқда;

- Дастурларнинг ва телерадиокомпанияларнинг ихтисослашуви – кўрсатув ёки телерадиоканалларнинг муайян аудитория учун мўлжаллаб ташкил қилиниши;

- Демассификация – оммалашувга тескари жараённинг бориши. Масалан, кабель телевидениесига ҳар бир инсон хоҳишига кўра, муайян маблағ эвазига уланиши;

- Коммерциализация – телеканалларнинг тижорийлашуви;

- Рақамлашув – рақамли стандартга ўтиш, рақамли ТВ ва рақамли радиоузатув. Дунёда 3 та рақамли стандарт мавжуд: япон, америка ва европа стандарти;

- Конвергенция:

1) техник – технология – интернет – телефон-сунъий йўлдош-компьютер уйғунлашуви;

2) сиёсий;

3) этик – журналистиканинг этика қоидалари, ахборий ҳуқуқлар;

- ОАВ нинг либерализацияси ва приватизацияси – ОАВ, хусусан телевидение устидан давлат назоратининг сусайиши;

- Ахборотларнинг маҳаллийлашуви;

- Ахборотларнинг шахсийлашуви;

- Телесаноатнинг диверсификацияси.

Бу каби тенденциялар кундан-кун такомиллашиб бориб, бугунги кунда ўзбек телевидениесига ҳам акс этиб бормоқда. Ўзбекистонда, айниқса, тижорийлашув, рақамлашув ва конвергенция жараёнлари тараққий этиш босқичида. ОАВнинг либерализацияси ва приватизацияси устида эса керакли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2.3. Ахборий-кўнгилочар кўрсатувларнинг рекреативлик функцияси

Телекўрсатувларнинг ахборий, ташкилий, маърифий функциялари билан биргаликда уларнинг рекреатив функцияси ҳам қайд этилади.¹¹² Рекреация сўзи латинчадан олинган бўлиб, *recreatio* – тикланиш деган

¹¹² Телевизионная журналистика / Г.В. Кузнецов и др. – М.: Высшая школа, 2002.; Князев А.А. Основы тележурналистики и телерепортажа. – Бишкек: Изд-во КРСУ, 2001.

//<http://www.evarartist.narod.ru/text1/09.htm>(м.в. 15.03.2021)

маънони билдиради. Унинг аввалги маъноси ҳордиқ олиш учун жой, бино деган мазмунни ифода этгани ҳам қайд этилади.113

Рекреацион вазифа – инсонларнинг ҳордиқ чиқаришига хизмат қилиб, уларнинг ҳиссий ва жисмоний кучини тиклашга қаратилган бўлади. Рекреация – бу ҳордиқ, тинчланиш, кучларни тиклаш. Журналистлар рекреатив йўналишга эга кўнгилочар кўрсатувларни яратишда муҳаррир, бошловчи сифатида иштирок этиши мумкин.114 Айнан рекреация қилишга бўлган имкониятнинг борлиги телевидениега катта талабни таъминлайди. Рекреация функцияси кўпроқ тижорий йўналишдаги телеканалларда намоён бўлади. Уларни молиялаштириш томошабинлар сонига боғлиқ бўлади. Агар телеканал давлат томонидан молиялаштириладиган бўлса, рекреацион функция маданий-маърифий вазифа билан уйғунлашиб кетади. Бундай ҳолатда хусусий, тижорий каналлар билан рақобатда давлат телеканаллари телетомошабинларни жалб этиш жиҳатидан ортда қолади, деган фикрдамиз.

Рекреация тушунчаси телевидение ривожланишининг турли босқичларида муҳим ўрин тутиб келган. Сабаби, одамлар доимо ҳордиқ чиқаришга, ҳеч нарса ҳақда ўйламасдан дам олишга эҳтиёж сезади. Бундай вақтларда тахлилий, муаммоли, баҳс-мунозарали кўрсатувлар аудиторияни ўзидан қайтаради, чунки томошабин телевизорда ақлни ишлатишга ундайдиган, фикрлашга мажбур қиладиган кўрсатувларни томоша қилишни истамайди.

Рекреация тушунчаси ўзида ўйин, дам олиш, вақтичоғлик каби маъноларни жамлайди. 115 Айниқса, сўнгги вақтларда ахборот оқимининг шиддатлилиги, инсон вақтининг ҳар бир дақиқаси муҳим аҳамият касб этаётган бир даврда журналистиканинг, хусусан, телевидениенинг рекреатив функциясига бўлган талаб ортмоқда. Қолаверса, шу билан боғлиқ, “infotainment”, “edutainment” атамалари вужудга келди.

113 <https://ru.wikipedia.org/wiki/Рекреация> (м.в. 15.03.2021)

114Князев А. Основы тележурналистики и репортажа. Бишкек, КРСУ, 2001.

<http://www.evartist.narod.ru/text1/09.htm> (м.в. 15.03.2021)

115 Федотова Н. Рекреативные функции сми: содержание, структура и гуманистический потенциал. <https://vestnik.journ.msu.ru/books/2010/1/rekreativnye-funktsii-smi-soderzhanie-struktura-i-gumanisticheskiy-potentsial/> (м.в.16.03.2021)

Яъни информация билан кўнгилочарликнинг уйғунлашуви орқали information+entertainment=infotainment тушунчалар пайдо бўлди. Бунда кўрсатувлар информация берибгина қолмай, уларда кўнгилочарлик хусусияти ҳам уйғун ҳолда қўшила бошлади. “Edutainment” тушунчасида ҳам таълим ва кўнгилочарлик сўзлари бирлашиб, таълимий дастурларни кўнгилочар хусусиятларни уйғунлаштирган ҳолда тайёрлана бошлади. Рекреативлик инсонларнинг реал ҳаётдаги ташвишлари ва кўнгилочарликларни ОАВ томонидан яратилган нореал ҳаётда ҳордиқ чиқариш орқали унутишларига қаратилган.¹¹⁶ Тадқиқотчи Е.Прохоров ҳам журналистиканинг маданий-кўнгилочар функциясини алоҳида кўрсатадики, у нафақат маданиятнинг турли соҳалари ривожига, балки инсонларнинг қийин иш кунидан сўнг руҳий ва жисмоний дам олишига хизмат қилади, деб ёзади.¹¹⁷

Бу функция телевидениеда турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин:

- Мусиқий концертлар;
- Эстрада шоулари;
- Цирк томошалари;
- Спорт мусобақалари;
- Фильмлар ва кинокартиналар, сериаллар;
- Викторина ва танловлар ва ҳ.

Бу телевизион асарлар маданий-маърифий хусусиятларга ҳам эга бўлади, деб ёзади, Е.Прохоров.¹¹⁸ Рекреация – нафақат ҳордиқ чиқариш омили, балки ақлни чархлаш хусусиятини ҳам ўзида акс эттиради. Бунда викториналар, турли ўйинлар муҳим ўрин тутди.

Рекреатив функцияга эга телемахсулотлар зўравонлик, кўрқитиш, кўз ёшлар, ташвишлар, муаммолардан йироқ мавзуларда бўлади. Уларда қанчадир миқдорда барибир ахборот, информацияга эга бўлади, аммо бу информация кўнгилочарлик хусусияти билан уйғунлашгани сабабли томошабиннинг мияси, ақлий фаолияти, ҳиссиётига салбий таъсир этмайди, зўриқтирмайди.

¹¹⁶ Брайант Дж., Томпсон С. Основы воздействия СМИ. М.: Вильямс, 2004. – С. 148–149.

¹¹⁷ ПрохоровЕ. Введение в теорию журналистики. М., 1979. – С. 75.

¹¹⁸ ПрохоровЕ. Введение в теорию журналистики. М., 1979. – С. 75.

Муаллифлик кўрсатувларининг ўйин, викторина, ток-шоуларнинг айрим кўринишлари, реалити-шоулар, монолог ва публицистик жанрлардаги кўринишлари ўзида рекреативлик функциясини намоён этади. Жумладан, “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Mo‘jizalar makoni” дастури ўзининг йўналиши, формати, тузилиши жиҳатидан рекреативликни намоён этади. Томошабиннинг телемахсулотни кўриб мияси зўриқмайди. Унда юртимизнинг муайян бир макони хусусида ахборотлар ҳам берилади, аммо улар энгил, халқона тилда муаллиф томонидан томошабинларга узатилади. Журналист Саодат Ўрмонова томошабин зерикмаслиги учун белгиланган маконнинг энг қизиқ нуқталаридан стенд-аплар қилади, оддий халқдан фикрлар олади. Асарда, шунингдек, табиат манзаралари асосан тасвирга туширилиб, узатилгани учун ҳам ундаги рекреативлик функциясининг намоён бўлиши янада ортади.

Худди шу жиҳат айнан бошловчи Саодат Ўрмонова томонидан тайёрланадиган яна бир “Ko‘ngil obodligi” лойиҳасида ҳам акс этади. Унда қаҳрамон сифатида танланган бир инсон, унинг бошқаларга ўрناк фазилатлари, оилавий аҳволи, самарали меҳнат фаолияти, инсоний жиҳатлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. У ҳам ўз йўналиши, мавзуси, кадрлари, иштирокчилари жиҳатидан кўнгилочар функцияни бажаради.

Шунингдек, муайян вақт давомида эфирга узатилган муаллиф Нозима Воҳидованинг “Hunarmand” ва “Yo‘lchiroq” кўрсатувларида ҳам рекреатив белгилар учрайди. Айниқса, “Yo‘lchiroq” да 119 бу янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Сабаби унда муаллиф халқ орасида машҳур, эл таниган инсонлар, шахслар билан йўл юриб, суҳбат қилади. Одатда, у суҳбатдошнинг автомобилдан туриб амалга оширилади. Саволлар ҳаёт ва ижодий фаолиятга оид бўлади. Меҳмон хонанда бўлган тақдирда, унинг қўшиқларидан баҳраманд бўлиш ҳам мумкин. У “O‘zbekiston” телеканалининг кечки дастурларида эфирга узатилади, томошабинлар илиқ ва самимий суҳбатни тинглайди, дам олади.

“Madaniyat va ma‘rifat” телеканали кўпроқ илмий-маърифий, маънавий-маданий кўрсатувлар тайёрлашга ихтисослашган бўлса-да,

унда рекреация функциясини бажаришга ҳам эътибор қаратилади. Машҳур асарлар асосида ишланган фильм ва сериаллар, миллий мусиқа ва қўшиқларни эфирга узатишдан ташқари, муаллифлик дастурларида ҳам рекреатив характерга эга материалларни кузатиш мумкин.

Жумладан, “Fayzli oqshom” телеканалнинг кечки дастурларидан ўрин олганэди. Унинг муаллифи ва бошловчиси Шоира Рауфбоева бўлган. Ушбу кўрсатув томошабинлар қалбидан чуқур жой олиб, неча йиллар ўтишига қарамасдан, ҳар гал такрор намойиши интиқиб кутиладиган театр ва кино асарларининг юбилейи ёки бенефислари, эл севган, бугун орамизда бўлмаган санъат дарғаларини хотирлаш, айти кунда ижтимоий фаол бўлган таниқли инсонлар билан ижодий учрашувлар, муҳим саналар муносабати билан бўладиган давра суҳбатлари ва бошқа кўринишда тайёрланган. Мақсад – томошабинларнинг оқшомни ҳордиқ чиқариб, кўнгилли ўтказишларига хизмат қилиш бўлган. Ҳозирда у ток-шоу форматига хос йўналишда ва бошқа ижодкорлар жамоаси билан биргаликда тайёрланмоқда.¹²⁰

“Madaniyat va ma’rifat” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Men sevgan asar” дастури ўз йўналиши бўйича ахборий-кўнгилочар ҳисобланади. У давра суҳбати шаклида тайёрланади, аммо ҳар бир кўрсатувнинг алоҳида бир нафар меҳмони, суҳбатдоши бўлади. Айнан унинг севган асари ҳақида суҳбат уюштирилади. Асарнинг китобхонларга манзур келган жиҳатлари ҳақида сўз юритилар экан, унда келтирилган фикрлар, жумлалар ёки шеърый асарлардаги ижод намуналари ўқиб, мисол сифатида келтирилади. Бу ҳам унинг рекреативлик хусусиятларини ўзида акс эттиради. Ҳозирда телемахсулот номи “Biz sevgan asarlar” дея аталади.¹²¹ Йўналиш, муаллиф ва бошловчи эса ўзгармаган.

Россиянинг “Первый канал”ида ҳам ток-шоу, ўйин форматларидаги кўрсатувлар талайгина. Аммо ток-шоуларда жанжалли, мунозарали, баҳсли мавзуларнинг кўтариб чиқилиши, студиядаги аудитория ва иштирокчиларнинг баланд овозда тортишиб ўз фикрларини билдиришлари уларнинг рекреативлик хусусиятларини акс эттирмайди.

120 Ўзбекистон халқ ҳофизини Сойибжон Ниёзов билан файзли оқшом | Fayzli oqshom //https://www.youtube.com/watch?v=4NG9yqclUr8// (м.в. 01.04.2021)

121 Ҳазрат Мир Алишер Навоий образига бағишланган асарлар | Biz sevgan asarlar. //https://www.youtube.com/watch?v=eN6bqaOZmdM// (м.в. 12.03.2021)

Бундай асарлар сирасига “Пусть говорят”, “Большая игра”, “Эксклюзив”, “Время покажет” каби ток-шоуларни киритиш мумкин.

Рекреатив хусусиятлар намоён бўладиган муаллифлик дастурларидан бири сифатида “Сегодня вечером” ток-шоусини мисол қилиб келтириш мумкин. Ундаги самимий суҳбатлар, ҳазиллар, юқори кайфият томошабинларга ҳам ўтади. Иштирокчилар халқ орасида машҳур инсонлар, уларнинг оила аъзоларидир. Мавзу эса уларнинг оиласидаги илиқ муносабатлар, яхши янгиликлар, хотиралар, ҳазил-мутойибалардир. Томошабин кўрсатувни кўриб, ўзига таниш бўлган чехралар, шахсий ҳаёти қизиқ бўлган инсонларнинг ҳаёт тарзи, оила аъзолари ва улар билан ўзаро муносабатларидан хабардор бўлади. Шунингдек, самимий суҳбатлардан телетомошабиннинг ҳам кайфияти кўтарилади, чарчоқлари тарқайди, ақлий ва ҳиссий томондан зўриқмайди. Бунда, албатта, бошловчилар Максим Галкин ва Юлия Меньшованинг сўзлашув ҳамда ҳазил-мутойибадан маҳорат билан фойдаланишлари муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, таниқли журналист ва телебошловчи Леонид Якубовичнинг йиллар давомида катта аудиторияни ўзига қамраб олган “Поле чудес” кўрсатуви ҳам ахборий-кўнгилочар кўрсатувнинг ёрқин намунасидир. Кўрсатувнинг муваффақияти унда халқ, аудитория, оддий инсонлар иштирок этиши ва қизиқарли саволларга жавоблар изланишида. Кўпинча савол ҳаттоки иккинчи ўринга ҳам тушиб қолади. Бошловчи ва муаллиф Леонид Якубович иштирокчиларни қизиқарли савол-жавоблар, самимий суҳбат, юмор билан жалб қилади. Яна бир хусусият – студия декорациясининг ўзига хослигидир. Иштирокчилар олдида катта айланувчи барабан борлиги, саволларга жавобларнинг ҳар бир ҳарфини кўрсатиб туриш учун махсус стенднинг мавжудлиги, студиянинг кенглиги, унда қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ҳам мумкинлиги ва шу каби бошқа жиҳатлар кўрсатувнинг муваффақиятини, халқчиллигини таъминлаган омиллардир. Бундан ташқари, дастурнинг ўзига хос анъаналари ҳам шаклланган. Улардан бири иштирокчиларнинг ўзлари билан қизиқарли совғалар олиб келиши: егуликлар, сувенирлар, миллий кийимлар ва ҳ. Ушбу совғаларга бошловчининг реакцияси, юмор билан ёндашуви кўпчилик телетомошабинларни ўзига жалб қилади.

Бошловчи ва муаллиф Леонид Якубовичнинг ўзига хос имиджи халқ орасида шаклланган. У доимо костюм-шимда, классик кўринишда намоён бўлади. Ҳаттоки мўйловининг услуби ва кўриниши ҳам унинг бошқаларга ўхшамайдиган, такрорланмас имиджини шакллантирган. Кўз қарашлари, юз ифодаларидаги самимийлик, актёрлик маҳорати томошабинлар меҳрини қозонишга сабаб бўлган омиллардандир. У “Подарок в студию” каби жумлаларда “студию” сўзини ҳар сафар алоҳида урғу билан айтишни одат қилган. Кўрсатув тузилиши, моҳияти, томошабинларга қай тарзда тақдим этилиши жиҳатидан рекреатив функциянинг барча талабларини бажаради. Унинг муваффақияти кўп йиллардан буён “Первый канал”да доимий прайм-тайм вақтидан ўрин олиб келаётганига сабаб бўлмоқда. Ҳозирда кўрсатув соат 19:55 да эфирга узатилади.

Маълумот учун айтиш жоизки, Россияда 19:00 дан 23:00 гача бўлган вақт оралиғи прайм-тайм ҳисобланади. Худди шу вақтнинг тонгги, яъни 7:00 дан 9:00 гача бўлган қисми ҳам прайм-тайм саналади. Дам олиш кунлари эса 15:00 дан 01:00 гача бўлган вақт оралиғи прайм-тайм вақти эканлиги аниқланган.¹²²

Дмитрий Криловнинг муаллифлигидаги “Непутевые заметки” кўрсатуви ҳам рекреатив характерга эга. Унда муаллиф дунёнинг турли бурчакларига саёҳат қилади, диққатга сазовор жойларни томоша қилади, ҳар бир жойнинг ўзига хос ошхонасидан баҳраманд бўлади. У шунчаки саёҳат қилиб, дунёнинг турли шаҳарлари ҳақида маълумот берибгина қолмайди. Балки ҳар бир кўрган нарсаси, татиб кўрган таомлари ва зиёратгоҳлар ҳақида ўз фикрлари, мулоҳазаларини ҳам билдиради.

Дастур йўл очерки жанрида тайёрланган. Уни томоша қилган кишининг мияси зўриқмайди, салбий характерга эга кадрлар берилмайди, ҳар бир саёҳатни кузатганда, томошабин бошловчи билан бирга турли жойларга сафар қилаётгандек ҳис қилади, айрим жойларда юзига табассум югуради, баъзи ўринларда хайратланади. Умуман олганда, томошабинда фақат ижобий характерга эга ҳис-туйғулар уйғотади.

¹²² Прайм-тайм: самое дорогое время на телевидении // <http://sa.net.ua/praim-taim-samoe-dorogoe-vremia-na-televidenii> // (м.в. 15.03.2021)

Асар аввалида дастур шапкаси берилади ва унда муаллиф ва бошловчининг ўзи ҳам намоён бўлади. Кичик стенд-апдан сўнг дастур давомида томошабинларни нималар кутаётгани қисқа кадрларда берилади. Улар саёҳатнинг энг қизиқ томонлари жамланган анонс шаклида кўрсатилади. Бу эса томошабиннинг эътиборини биринчи дақиқалардан ушлаб қолишга ҳам хизмат қилади. Масалан, кўрсатувда¹²³ Олтой ўлкасидаги қишлоқлардан бирига саёҳат қилинган. Бошловчи кўрсатувини анъанага мувофиқ ўзининг стенд-апи билан бошлаб туриб, кейин кадр ортида матн ўқийди. Матнни ҳам енгил, осон ва бироз ҳазиломуз тарзда ёзиб, уни қизиқарли равишда ўқиб беради. Ўлкадаги музей ҳақида, унда ғоз ҳайкалларнинг кўплиги ҳақида гапира туриб, жониворларнинг ўзи акс этган кадрларга улаб кетади ва ғоз ҳамда унинг қишлоқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз юритади. Шунингдек, бу борада қизиқарли ва ҳайратланарли фактларни айтиб ўтади. Ушбу кўрсатув телеканал дастурининг тонгги қисмидан ўрин олган.

“O‘zbekiston” ва “Madaniyat va ma’rifat” телеканаллари кузатилганда, 2017 дан 2021 йилгача бўлган даврда эфирга берилган муаллифлик кўрсатувлари тадрижида хилма-хиллик кўзга ташланди. Хусусан, “O‘zbekiston” ўзбек телевидениеси ривожланаётган бир даврда энг илғор ва етакчи дастурларни тайёрлайдиган мактаб яратган. “Ohanrabo”, “Kelin-kuyov”, “Bir jinoyat izidan”, “Intellectual ring”, “Otalar so‘zi – aqlning ko‘zi”, “Qishloqdagi tengdoshim”, “Sinfdosh”, “Qishloq hayoti”, “Mehr ko‘zda”, “Gap chiqdi”, “Qizlar davrasi” каби кўпгина томошабинларни ўзига жалб қилган телемахсулотларни эфирга узатган ушбу телеканалда сўнгги йилларда муаллифлик лойиҳалари, дастурларини тайёрлаш даражаси ва сифатида пасайиш, мавжудларида ҳам бир нечта муаммолар кузатилди.

“Madaniyat va ma’rifat” телеканалда эса уч йиллик дастурлар тадрижи тадқиқ қилинганда, янги лойиҳаларни ва ғояларни амалга оширишда фаоллик, ўсиш, ривожланиш ўрганилди. Муаллифлик кўрсатувлари сони ва сифатида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб бормоқда.

123 “Непутевые заметки”, “Первый канал”

//19.05.2019//<https://www.youtube.com/watch?v=SNdF9vQmDOc//> (м.в. 12.02.2021)

III БОБ. ИНТЕРВЬЮ-СУХБАТ ВА ТОК-ШОУ ЖАНРИДАГИ МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИДА МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Интервью-сухбат ва ток-шоу жанрининг телевидениедаги ўрни ва аҳамияти

Телевидениеда турли давлат ва хусусий каналларини кузатганда, уларда хабарни ҳам, репортажни, очерк ёки шоуни ҳам учратиш мумкин. Давр, замон нуқтаи назаридан ёки соҳанинг тараққий топиши натижасида йўқолиб бораётган, телевидениеда кўзга ташланмай қолган жанрлар ҳам кўпаймоқда. Айниқса, бу таҳлилий жанрларда кузатиляпти. Шунинг учун журналистик материалларнинг жанрларга қатъиян бўлиниши, ажратилиши асосан назарияда кузатилиб, амалиётда уларнинг қўлланилишида жанрлар интеграциялашуви ҳодисаси давом этмоқда. Шунга қарамасдан, барча журналистик жанрлар орасида ўзининг шакли, тузилиши жиҳатидан интервью, сухбатни томошабинлар бошқаларига нисбатан тезроқ ажрата оладилар.

Тадқиқот давомида томошабинларнинг ўзбек телеканаллари орқали намоёниш этилаётган кўрсатувлар борасидаги фикрлари бўйича кичик сўровнома ўтказилди. Унда умумий 108 нафар респондент иштирок этди. Сўровномада респондентларга “Қайси каналдаги кўрсатувларни кўпроқ кузатасиз?”, “Сиз, одатда, қайси кўрсатувларни кўпроқ томоша қиласиз?” ва “Қайси тележурналист ижодига ижобий баҳо берасиз?” каби саволлар билан мурожаат қилинди.

Сўровнома натижаларига кўра, “Sevimli TV” канали энг кўп кузатиладиган каналлар қаторида биринчи бўлди. Яъни унда иштирок этганларнинг 41,7 фоизи айнан шу каналдаги кўрсатувларни кўпроқ кузатишини билдирган. (8-жадвалга қаранг) Натижаларнинг фоиз миқдори алоҳида диаграммада берилган. (2-иловага қаранг)

Шунингдек, натижаларга кўра, “Milliy TV”, “Toshkent”, “Zo‘r TV”, “Dunyo bo‘ylab” каналларидаги кўрсатувлар энг кам овоз тўплади. Ушбу қатордаги хусусий телеканаллар омма орасида машҳур, аммо улардаги кўрсатувларнинг томошабоплиги юқори даражада эмаслиги кўринадди. (2.1.-расмга қаранг)

т/р	Қайси каналлардаги кўрсатувларни кўпроқ кузатасиз?	Иштирокчилар сони	Фоиизи (%)
1	“Sevimli TV”	45	41,7
2	“O‘zbekiston”	25	23,1
3	“MY 5”	21	19,4
4	“Madaniyat va ma’rifat”	12	11,1
5	“Toshkent”	2	1,9
6	“Milliy TV”	1	0,9
7	“Zo‘r TV”	1	0,9
8	“Dunyo bo‘ylab”	1	0,9
	Жами	108	100%

8-жадвал. “Қайси каналлардаги кўрсатувларни кўпроқ кузатасиз?” саволи бўйича сўровнома натижалари.

“Сиз, одатда, қайси кўрсатувларни кўпроқ томоша қиласиз” деган саволга эса респондентлар турлича жавоб беришган. (9-жадвалга қаранг)

Т/р	Сиз одатда қайси кўрсатувларни кўпроқ томоша қиласиз?	Иштирокчилар сони	Фоиизи (%)
1	“Amirxon Umarov shousi”	41	38,3
2	“Munosabat”	29	27,1
3	“Xayrli oqshom”	20	18,7
4	“Munozara maydoni”	12	11,2
5	“Yor-yor”	3	2,8
6	“Mahallada duv-duv gap”	2	1,9
7	“Do‘stlar davrasida”	1	0,9
	Жами	108	100%

9-жадвал. “Сиз одатда қайси кўрсатувларни кўпроқ томоша қиласиз?” саволи бўйича сўровнома натижалари.

Иштирокчиларнинг 38,3 фоизи бу саволга “МУ5” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Amirxon Umarov shousi” дея жавоб берган. Бундан ташқари, “O‘zbekiston” телеканали орқали намойиш этиладиган “Munosabat” ҳамда “Sevimli TV” да эфирга узатилган “Xayrli oqshom” кўрсатувлари кўп овоз олган. Шунингдек, “Munozara maydoni”, “Do‘stlar davrasida”, “Yor-yor”, “Mahallada duv-duv gap” кўрсатувларини ҳам респондентлар эътироф этишган. (2.2.-расмга қаранг) Кўринадики, томошабинлар томонидан қайд этилган ушбу кўрсатувларнинг аксарияти муаллифлик кўрсатувлари бўлиб, улар интервью-сухбат ва ток-шоу жанрларида тайёрланади.

“Қайси тележурналист ижодига ижобий баҳо берасиз?” деган саволга иштирокчилар кўпчилик журналистларнинг номларини келтиришган. (10-жадвалга қаранг)

т/р	Қайси тележурналист ижодига ижобий баҳо берасиз?	Иштирокчилар сони	Фоизи(%)
1	Амирхон Умаров	25	23,4
2	Юлдуз Файзий	24	22,4
3	Қуддус Аъзам	20	18,7
4	Шерзодхон Қудратхўжа	12	11,2
5	Нозима Воҳидова	10	9,3
6	Нилуфар Жумаева	6	5,6
7	Сурайё Мансурова	5	4,7
8	Муҳаббат Ҳамроева	4	3,7
9	Гулзода Тўраева	2	1,9
	Жами	108	100%

10-жадвал. “Қайси тележурналист ижодига ижобий баҳо берасиз?” саволи бўйича сўровнома натижалари.

Натижаларга кўра, энг кўп овозни Амирхон Умаров ва Юлдуз Файзий олган. (2.3.-расмга қаранг) Шунингдек, Сурайё Мансурова, Нозима Воҳидова, Шерзодхон Қудратхўжа, Қуддус Аъзам, Нилуфар Жумаева каби журналистларнинг номлари келтирилган.

“Қайси бошловчиларнинг муаллифлик позицияси кўпроқ намоён бўлади?” деган саволга эса қуйидагича жавоблар берилган (11-жадвалга қаранг):

т/р	Қайси бошловчиларнинг муаллифлик позицияси кўпроқ намоён бўлади?	Сони	Фоиизи(%)
1	Гулмира Мусажонова - 20 та овоз	20	20,0
2	Нилуфар Жумаева - 10 та овоз	10	10,0
3	ҚуддусАъзам - 10 та овоз	10	10,0
4	Юлдуз Файзий - 12 та овоз	12	12,0
5	Шерзодхон Қудратхўжа - 20 та овоз	20	20,0
6	Нозима Воҳидова - 13 та овоз	13	13,0
7	Амирхон Умаров - 15 та овоз	15	15,0
	Жами	100	100%

11-жадвал. “Қайси бошловчиларнинг муаллифлик позицияси кўпроқ намоён бўлади?” саволи бўйича сўровнома натижалари.

Натижаларга кўра, Шерзодхон Қудратхўжа ва Гулмира Мусажонова энг кўп овоз олган. Энг кам фоиизлар эса Қуддус Аъзам ва Нилуфар Жумаевага тегишли (2.4-расмга қаранг). Дарҳақиқат, Ш. Қудратхўжа бирор воқелик ёки муаммо юзасидан ўз позицияси, фикр-мулоҳазаларини билдиришда фаол. Айниқса, унинг ўз нуқтаи назарини очиқ, ишонч билан, қатъий ифодалаш ифодалаш аудитория эътиборини тортади.

Умуман олганда, сўровномада тилга олинган ижодкорлар бугунги кундаги энг фаол, ўз нуқтаи назари ва позициясига эга журналистлардир. Жумладан, энг кўп овозлардан бирини олган Амирхон Умаров кўрсатуви билан халқ орасида кенг танилган. Бунга бир неча сабабларни санаб кўрсатиш мумкин:

- Дастур мавзусининг долзарблиги. Яъни унда кўтарилаётган масалалар айни вақтда жамоатчилик орасида муҳокама қилинаётган

бўлади. Шу туфайли аудитория унинг телевидениедаги муҳокамасига қизиқади;

- Шоуда қатнашаётган қаҳрамонларнинг омма учун таниш ёки таниқли эканлиги;

- Кишиларни ҳайратга соладиган тақдирларни топа олиши ва уларнинг муаммоларини ҳал қилишда бефарқ эмаслиги ва б.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, томошабинлар асосан интервью-суҳбат ва ток-шоу жанрида тайёрланадиган кўрсатувларни томоша қилишади ҳамда айнан ушбу жанрлардаги кўрсатувлар муаллифларини танишади. Шу сабабли ҳам мазкур тадқиқот ишида асосан ушбу жанрдаги муаллифлик кўрсатувлари таҳлилга олинди.

Интервью-суҳбат жанри ўзининг пайдо бўлиш тарихида жамиятни ташкил этувчи шахсларнинг фикрларини бериш эҳтиёжи туфайли вужудга келган бўлса, ҳозирги кунгача асрлар давомида ўз аҳамиятини сақлаб келаётганлиги, амалий қўлланилишда йўқолиб кетмаганига ҳам ушбу эҳтиёж сабабдир.

Ўзбек журналистикасида интервью-суҳбат жанрида яратилган, ўқувчилар кўнгилдан жой олган материаллар кўп. Айниқса, санъатимизнинг, адабиётимизнинг ёрқин намоёндалари билан ўтказилган ҳамда телеэкранларорқали узатилган суҳбат ва интервьюларнинг кейинчалик телевидение архивларида узок йиллар сақланиб, асраб келинаётганининг ҳам гувоҳи бўлишимиз мумкин. Чунки айнан суҳбат, мулоқот орқали кўпгина муҳим маълумот ва ахборотларни ўз соҳасида юксак муваффақиятларга эришган, халқнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган шахслар тилидан олиш, ҳали айтилмаган гаплар-у, нодир фикрларни аудиторияга етказиш имконияти мавжуд.

Интервью-суҳбат жанрида ижод қилувчи журналистлар аудитория орасида тезда таниладилар. Айниқса, журналист кўпчиликни қизиқтирган ёки қийнаётган саволларни топиб суҳбатдошига бера олса, бундай интервью-суҳбатни томоша қиладиганлар ҳам ортади. Суҳбат натижасида билдирилган нодир фикр ва мулоҳазалар кўпчиликка етиб боради. Бунда, албатта, журналистнинг маҳорати, шахсий сифатлари, жанр имкониятларидан тўлиқ фойдалана олиши каби омиллар катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда интервью ва суҳбат жанрларида тайёрланган журналистик материалларни телеканалларда тез-тез учратамиз. Бундай жанрдаги материаллар ОАВнинг бошқа турлари, масалан, матбуот, интернет, радио орқали ҳам узатилади. Телевидениедаги интервью-суҳбатларни киши эшитиши ва кўриши натижасида муайян вақт давомидагина ўз аҳамияти ва таъсирини сақлаб туради. Шу сабабли улар аҳамиятига кўра, махсус воситаларга ёзиб олинади ҳамда эҳтиёж туғилиши билан яна ўша кадрларга қайтилади.

Матбуотда эълон қилинган суҳбатлар қўлдан-қўлга ўтиб ўқилади, шунингдек, муайян илмий ишлар, асарлар ёки бошқа материалларни тайёрлашда жамиятда обрў-эътибор қозонган, ўзининг ҳаётий ва меҳнат фаолияти билан ибрат бўлиб келаётган шахсларнинг сўзларидан иқтибос сифатида фойдаланиши мумкин. Аммо камера орқали ёзиб олинган суҳбатларда машҳур ва жамиятимизда катта ўрин тутган шахсларнинг жонли овози, тасвирини қайта эфирга бериш орқали уларнинг сиймосини яна бир бор томоша қилиш, сўзларидаги ҳарорат, юзларидаги ифодалар, ички кечинмаларини англаш имконияти мавжуд.

Биз тадқиқ қилаётган ўзбек телеканаллари, хусусан, “O‘zbekiston” ва “Madaniyat va ma’rifat” телеканаллари орқали бу жанрдаги материаллар муаллифлик кўрсатувлари кўринишида мунтазам эълон қилинади. Жумладан, “O‘zbekiston” телеканалида танланган мавзуларга алоқадор бўлган шахслар билан ўтказиладиган “Azizim, hayot!”¹²⁴, турли соҳа кишилари билан энг долзарб мавзуларда ташкил қилинадиган суҳбатлардан иборат “Suhbatdosh”, “Madaniyat va ma’rifat” телеканалида жамиятда муносиб ўрнига эга инсонлар билан суҳбатлар уюштириладиган “Eksklyuziv suhbat”¹²⁵, таниқли шахсларнинг ўз оналари ҳақидаги фикрларини билишга қаратилган “Men uchun onam”¹²⁶ кўрсатувларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур дастурларнинг айримлари ҳозирда фаолиятини тўхтатган. Бу ҳар мавсумда телеканаллар янги лойиҳаларни тақдим этишга интилаётгани билан изоҳланади.

124 "Азизим ҳаёт" 23 сентябр 2019 йил /<https://www.youtube.com/watch?v=I-mLhgACQG8//> (м.в. 14.04.2021)

125 "EKSKLYUZIV SUHBAT". JURNALIST VA PUBLITSIST HALIM SAIDOV BILAN SUHBAT / <https://www.youtube.com/watch?v=O62uolo0n1k//> (м.в. 14.04.2021)

126 "Men uchun onam" - Эркин Комиловнинг ўз онаси ҳақида хотиралари / <https://www.youtube.com/watch?v=e5wJh7hRX7U//> (м.в. 14.04.2021)

Соҳа мутахассислари, усталари билан ўтказилган суҳбат ва интервьюларни мунтазам бериб борувчи “Madaniyat va ma’rifat” телеканалини алоҳида эътироф этиш жоиз. Телеканалда хабар, очерк, эссе ва бошқа жанрларда тайёрланган материалларни кўриш мумкин. Айниқса, санъат ва адабиётимиз вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбат ва интервьюлар телетомошабинларни қизиқтиради. Ушбу жанрларга мансуб журналистик материаллар давра суҳбати, мунозара йўналишларида бериб борилади.

Телеканалнинг 2018-2019-йилги фаолияти ўрганилганда, улардан жой олган интервью, суҳбат жанридаги материалларнинг ўзига хос жиҳатлари кузатилди. Асарларда турли мавзулар кўтарилган бўлиб, айниқса, санъаткор, ҳунарманд ёки адабиётшуносларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятига бағишланган суҳбатлар кўп учрайди. Телемаҳсулотларни томоша қилганда, ижодкорларнинг фаолиятига оид маълумотларни олиш мумкин. Бу жиҳатдан интервьюга ўхшаб кетса-да, журналист ҳам, суҳбатдош ҳам ахборотларни беришда тенг иштирок этаётганини инобатга оладиган бўлсак, уларни суҳбат дея аташ ўринли.

Суҳбат, матбуот анжумани ва мунозаралар диалогик характерга эга бўлиб, келиб чиқиши интервьюга бориб тақалади. Адабиётларда суҳбат тушунчасининг турли маънолари берилган. Агар кўрсатув асоси суҳбатдан таркиб топган бўлса, унда иштирок этадиган журналист интервьюер эмас, бошловчи ёки модератордир, мулоқотнинг катнашчиси ва ташкилотчиси, унинг роли меҳмондўст мезбонга ўхшайди, яъни барча иштирокчилар ўз фикрларини айтиш имконига эга бўлишлари учун ҳаракат қилади. Бундан ташқари, суҳбат ва интервью олиб бораётган бошловчи кўп ҳолларда ана шу кўрсатувнинг муаллифи ҳам бўлади. “Шундай қилиб, суҳбат – бу таҳлилий публицистиканинг махсус телевизион жанри бўлиб, ахборот беришнинг диалогик шаклини акс эттиради. Улар жамоатчилик учун қизиқ бўлган мавзуларга бағишланади: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, руҳий-этик, илмий ва ҳ. Кўп ҳолларда улар мунозарага айланади”. 127 Ўзи бошловчилик қилиб,

127 Телевизионная журналистика / Г.В. Кузнецов и др. – М.: Высшая школа, 2002.
[//http://evartist.narod.ru/text6/32.htm#_top](http://evartist.narod.ru/text6/32.htm#_top) (м.в. 10.03.2021)

интервью-суҳбат жанрида муаллифлик кўрсатувларини тайёрлайдиган машҳур журналистлар кўп.

Ҳозирда “O‘zbekiston” телеканалда намойиш этилаётган “Науот ва хауол уо‘ллари” 128 кўрсатувини Сурайё Мансурова тайёрлайди ва бошловчилик қилади. Кўрсатувнинг тасвирга олиниш жараёнидан тортиб, танланган фон, умумий кадрдаги қоронғулик элементлари – барчаси эътиборни бўлаётган суҳбатга қаратиш учун мўлжалланган. Бошловчининг овози, жараёнлар акс этаётган кадрлар томошабинга сокинлик, хотиржамлик ҳисларини беради ва бутун диққат-эътиборини суҳбатни тинглаш учун қаратишга ундайди. Шу жиҳатлари билан кўрсатув телетомошабинлар орасида танилган. Дастурнинг муаллифлик кўрсатуви эканлиги унинг аввал бошқа телеканалда (“Oilaviy”) намойиш этилгани ва ҳозирда “O‘zbekiston” телеканалда айна кўриниш ва шаклда давом эттираётганида яққол кўринади. Сабаби бундай оригинал ғоя, суҳбат шакли муаллиф томонидан ўйлаб топилган ва амалда қўлланган. Шу туфайли дастурнинг узатилаётган телеканали ўзгарса ҳам, унинг мазмун-моҳияти, шакли ва тузилиши муаллифга тегишлилигича қолган.

Мунозаранинг мавжуд бўлиши, турли нуқтаи назарларнинг тўқнашиши, фикрларнинг ривожланиши (у, одатда, олдиндан тайёрланган сценарийга асосан ривожланади), натижада нисбатан ишончли, муаммо учун аҳамиятли аргументларни танлаш орқали ҳал бўлиши кабилар суҳбат жанридаги муаллифлик кўрсатувларининг ўзига хос хусусиятларидир. Бу каби суҳбатларни тайёрлашда муаллиф-публицистнинг иши кўрсатув мавзусининг танланиши, иштирокчиларнинг ва композицион ечимнинг белгиланиши билан бошланади. Сценарий режаси тайёрланаётган кўрсатувнинг йўналишларини белгилаб беради, холос. Ҳаддан ташқари аниқлаштирилган сценарий бундай кўрсатувлар учун мақсадга мувофиқ эмас, бу кўрсатувнинг табиийлиги, импровизациялашганлиги, фикрларнинг шаклланишига халақит беради.

Сценарий – суҳбатнинг асоси, унинг тузилишини белгилайди, студияга таклиф қилинган меҳмонлар билан ўзаро ҳаракатлар

128 "Ҳаёт ва хаёл йўллари": Шухрат Қаюмов / <https://www.youtube.com/watch?v=JKzGh9bsg2w//>
(м.в. 14.04.2021)

йўналишини аниқлашга ёрдам беради. Сухбат кўрсатувларда кадрлар, фотографиялар, схема ва хужжатлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Америка ва жаҳон телевидениесида катта шухратга эга Ларри Кингнинг муаллифлик кўрсатуви ҳам сухбат жанрида тайёрланган. “Larry King Live” дастури 1985—2010-йиллар мобайнида эфир юзини кўриб келган бўлса, 2012—2020-йилларда “Larry King Now” кўрсатувини тайёрлади. 129 2013-йили унинг “Russia Today” телеканалда иш бошлаши ҳақида интернет сайтларида қатор хабарлар чикди. Уларда “Larry King Now” муаллифлик кўрсатуви ўз ишини бошлаши ёзилган. Ларри Кинг моҳир бошловчи, сухбатдош бўлиш билан бирга, “А что это я здесь делаю? Путь журналиста = My Remarkable Journey” (“Мен бу ерда нима қиляпман? Журналист йўли”), “Как разговаривать с кем угодно, когда угодно и где угодно = How to Talk to Anyone, Anytime, Anywhere”¹³⁰ (“Ҳар ким билан, ҳар қаерда ва ҳар қандай ҳолатда қандай сўзлашиш”) каби китоблар муаллифи ҳам бўлган. “Маълумотларга кўра, 1960-йилдаёқ Майами телевидениесида муаллифлик ток-шоусини бошлаган. “The Miami Herald” ва “The Miami News” газеталарида кўнгилочар саҳифаларни юритган. Ўша вақтлардан у катта шухратга эриша бошлаган. Ларри Кинг карьераси давомида 50 мингдан 60 минг нафаргача инсон билан сухбатлар қилган. Унинг сухбатдошлари орасида барча АҚШ Президентлари, Маргарет Тэтчер, Мартин Лютер Кинг, Нельсон Мандела, Фрэнк Синатра, Марлон Брандо, Майк Тайсон, Стиви Уандер, Пол Маккартни каби таниқли шахслар ҳам бўлган”.¹³¹ Ларри Кингнинг ўзига хос жиҳати шунда эдики, у кам савол берар эди, улардан энг асосийси “Нима учун?” бўлган ва бу сухбатдошга эркин сўзлаш имконини берган. Ларри Кинг муаллифлик кўрсатувларининг мавзуси хилма-хил бўлган: сиёсат, маданият, шахсий ҳаёт, санъат ва б. Фаолияти давомида кўпгина мукофотларга ҳам сазовор бўлган. Ларри Кинг муаллифлик кўрсатуви орқали бутун дунёга танилиб, миллионлаб инсонларнинг севимли журналистига айланиш мумкинлигини кўрсатувчи яққол мисолдир.

¹²⁹ https://ru.wikipedia.org/wiki/Ларри_Кинг (м.в. 15.04.2021)

¹³⁰ Кинг Л. А что это я здесь делаю? Путь журналиста = MyRemarkableJourney. — М.: «Альпина Паблицер», 2010. — 290 с.// Кинг Л. Как разговаривать с кем угодно, когда угодно и где угодно = How to Talk to Anyone, Anytime, Anywhere. — М.: «Альпина Паблицер», 2011. — 204 с.

¹³¹ Биография Ларри Кинга/<https://tass.ru/info/10530955> (м.в. 15.04.2021)

Яна бир хориж телевидениесининг ёрқин намоёндаси, муаллиф, бошловчи Опра Уинфри ҳисобланади. У айнан ток-шоу жанрида муваффақиятли ижод қилган ва ўз номи билан аталадиган кўрсатуви уни бутун дунёга танитган. “Ушбу дастур 1986 йилдан 2011 йилгача эфир юзини кўрган ва шу вақт давомида 25 мавсумни ортда қолдирган. Маълумотларга кўра, мазкур шоу АҚШ оммавий маданиятига катта таъсир ўтказган”.¹³² “Телеасар дунёнинг 146 мамлакатада намоёниш этилган. У АҚШдаги энг узоқ давом этган дастур ҳисобланади, яъни 4561 эпизоддан иборат. Охириги оригинал эпизод 2011 йил 25 май куни эфирга узатилган. 2002 йили кўрсатув “Америка тарихидаги 50 та энг буюк шоулар”дан бири сифатида қайд этилган”.¹³³ Форбеснинг ёзишича, Опранинг услуби, меҳмонлар ва томошабинларга сингдирадиган ишонч ҳисси, ёритган долзарб ва муҳим мавзулари туфайли 6 ой ичида дастурни Америкадаги энг машҳурига айлантирди.¹³⁴ Бунга кўшимча қилиб айтиш мумкинки, муаллиф-бошловчиликда самимийлик ва керакли ўринларда юмор ҳисси ҳам шоунинг муваффақиятини таъминлаган. О. Уинфрининг бошловчилик маҳоратида актёрлик кучлилиги сезилади. Таъкидлаш керакки, кўнгилочар дастурларда уни олиб боровчи шахс учун бу кўникма зарурий жиҳат. Енгил ва аудиторияни дам олдиришга мўлжалланган суҳбатларда меҳмонларнинг очик ва дилдан мулоқот қилишлари учун бошловчининг актёрлик маҳоратини намоён қилган ҳолда гаплашиши муҳим аҳамиятга эга. Бу хусусият О.Уинфри шоуларида ёрқин намоён бўлган. Юз ифодаси, қўл ҳаракатлари, сўзлашида айнан мавзуга хос образга кириш унинг муваффақиятини таъминлагани аниқланди.

“Oprah's Next Chapter” номи остида тайёрланган кўрсатувларида, хусусан, 2013 йили Тина Тёрнер билан қилган суҳбатида ушбу жиҳат,

132 Шоу Опри Уинфри.

[//https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%D0%A8%D0%BE%D1%83_%D0%9E%D0%BF%D1%80%D1%8B_%D0%A3%D0%B8%D0%BD%D1%84%D1%80%D0%B8](https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%D0%A8%D0%BE%D1%83_%D0%9E%D0%BF%D1%80%D1%8B_%D0%A3%D0%B8%D0%BD%D1%84%D1%80%D0%B8)// (м.в. 21.10.22)

133 The Oprah Winfrey Show Global Distribution List. [//http://www.oprah.com/pressroom/Global-Distribution-List-of-The-Oprah-Winfrey-Show](http://www.oprah.com/pressroom/Global-Distribution-List-of-The-Oprah-Winfrey-Show)// (м.в. 21.10.22)

134 Лицо с экрана: как Опра Уинфри заработала свои миллиарды.

[//https://www.forbes.ru/milliardery/368243-lico-s-ekrana-kak-opra-uinfri-zarabotala-svoi-milliardy](https://www.forbes.ru/milliardery/368243-lico-s-ekrana-kak-opra-uinfri-zarabotala-svoi-milliardy)// (м.в. 21.10.22)

айниқса, яққол кўзга ташланади. Суҳбатнинг жонли, мароқли бўлганига алоҳида сабаблардан яна бири бошловчининг суҳбатдоши билан шахсан таниш ва йиллар давомида яқин дугонага айланганини ҳам кўрсатиш мумкин. Аммо шахсан таниш ёки дўст бўлмаслик унинг суҳбатлари самимий чиқмаслигига дахл қила олмайди. Дастур аввалида меҳмони ҳақида гапирганда ҳам кадрдон инсонига таъриф бераётгандек сўзлайди. Ларри Кингда эса аксинча, кам кулиб, совуққонлик билан суҳбатни олиб боради, юмор ҳисси кучли эмас. Унда саволларни очик ва тўғридан-тўғри, ортиқча тафсилотларсиз, респондент шахси ҳамда фикрларига қизиқиш билан бериш хусусиятлари устувор. Имидж, образ, тил, услуб жиҳатдан кескин фарқ қиладиган ушбу муаллиф-бошловчиларнинг ҳеч бири шуҳрати бўйича бир-биридан қолишмайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, муаллифлик дастурида бошловчининг шахсий хусусиятлари, ўзига хос танлаган имиджи ва йўналиши муҳим аҳамият касб этади.

Кўпинча телевидениеда интервью, суҳбат, мунозара ҳамда ток-шоу жанрлари бир-бири билан аралаштирилади. Уларнинг барчасини бир ном, яъни ток-шоу деб аташ ҳам одатга айланган. Аммо улар бир-биридан фарқ қилувчи мустақил жанрлардир. Энг аввало, интервью жанрини кўриб чиқамиз.

Журналист керакли ахборотни олишга ҳаракат қилар экан, муҳим ҳодисалар содир бўлган жойга боради, ҳужжатлар билан танишади, аммо, энг аввал, инсонлар билан мулоқотга киришади, мулоқот эса ўз-ўзидан савол-жавоблардан ташкил топади.

Мулоқот телевидениеда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, коммуникатив жараён орқали инсонларнинг сўзлари экстралингвистика ва пантомимика билан янада ифодали кўринишда аудиторияга етказилади. Суҳбат жанри ҳақида гап кетганда, кўпинча у интервью сўзига синоним тарзда ишлатилаётгани кузатилади. Бу уларнинг шаклан, мазмунан бир-бирига ўхшаш жиҳатларининг кўплиги билан изоҳланади. Рус журналистикасида суҳбатнинг, ўзбек тилидан таржима қилганда, “беседа” нинг соҳа мутахассислари томонидан илмий иш ва асарларда алоҳида жанр сифатида кўрсатилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Аммо инглиз тилида суҳбат жанрининг муқобил таржимаси мавжуд эмас. Ўзаро мулоқотга асосланган ва буни ОАВ да акс эттирувчи ҳар қандай журналистик материал “interview” ҳисобланади.

Суҳбат сўзининг инглиз тилидаги тўғридан-тўғри таржимаси “conversation” эканини инобатга оладиган бўлсак, бундай номдаги жанр назарийда ҳам, амалиётда ҳам кузатилмайди. Бу икки ёндашув ва қарашнинг ҳеч бирини мутлақо нотўғри деб эътироф этиб бўлмайди. Чунки журналист ва респондент ўртасидаги мулоқот, тарихдан ҳам маълумки, аввало, диалог, кейинча интервью деб юритила бошланди. Суҳбат жанри хусусида тадқиқотлар кейинроқ илгари сурилди. Бу икки жанр бир-бирига жуда ўхшаш. Шу сабабли интервью ва суҳбат жанрлари хусусида олимлар, тадқиқотчилар, мутахассислар ўртасида мунозаралар ҳам келиб чиққан. Уларнинг тарихини ўрганишдан ҳам аён бўлдики, суҳбатнинг алоҳида жанр сифатидаги пайдо бўлиш давлари мавжуд эмас, интервью эса аксинча. Аммо суҳбатни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилганда, улар ўртасида сезиларли фарқлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Бу борада тадқиқотчилар асосли ва аниқ чегараларни кўрсатиб ўтишган.

Интервью ва суҳбатнинг ўхшаш ва фарқли томонларини белгилашдан олдин уларга тадқиқотчиларнинг берган таърифларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Энг аввало, изоҳли луғатларда ушбу тушунчаларга қуйидагича таъриф берилганини кўриш мумкин. “Интервью – бу суҳбат бўлиб, унда саволлар берилади ва жавоблар олинади”.¹³⁵ Рус тилидаги изоҳли луғатда эса интервьюнинг таърифи қуйидагича: “Интервью – матбуот вакилининг ижтимоий қизиқиш уйғотадиган долзарб мавзуларда бирор-бир ижтимоий шахс билан суҳбати”.¹³⁶ Ўзбек тили луғатшунослигида бу тушунчага берилган изоҳ ажралиб туради.

“Интервью (ингл. Interview – учрашув, юзма-юз суҳбат) Журналистика жанри, матбуот, радио ёки телевидениеда бериш учун мухбирнинг бирор шахс билан ўтказган суҳбати ва шу суҳбатнинг матни”.¹³⁷

135 Merriam Webster Dictionary, Interview, Dictionary definition, Retrieved February 16, 2016. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/interview//> (м.в. 10.03.2021)

136 Толковый словарь русского языка / Под ред. Д. Н. Ушакова. – М, 1935. Т. I. <http://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=21360//> (м.в. 10.03.2021)

137 Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиева таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий нашриёти”, 2006-2008 йй. – Б. 217.

Эътибор берилса, учта тилдаги луғатда ҳам интервью тушунчаси бевосита суҳбат сўзи билан изоҳланяпти. Интервью ўзига хос суҳбатнинг илмий атамаси сифатида қўлланилмоқда.

Интервью (инглизча, interview – учрашув, суҳбат) – журналистиканинг жанри бўлиб, ўзида муаллифнинг долзарб масалалар бўйича ижтимоий аҳамиятга эга шахслар билан суҳбатлашишини назарда тутди.138Унга “Первый” телеканалида эфирга узатиладиган “Познер” муаллифлик кўрсатувини мисол қилиб келтириш мумкин.

“Журналист томонидан қўйилган вазифага кўра, интервьюларни икки хилга ажратиш мумкин:

- Интервью-фикр;
- Интервью-факт”.139

Интервью жанридан, одатда, журналистдан кўра кўпроқ мутахассис маълумот бера оладиган ҳолатларда фойдаланилади. Мутахассислар турли соҳадаги инсонлар бўлиши мумкин:

- Сиёсий ёки давлат арбоблари – улардан содир бўлган бирор воқеани ойдинлаштириш, бу ҳақда кўпроқ ахборотга эга бўлиш учун интервью олинади;

- Таниқли шахслар – улардан шахсий ҳаётлари ёки ижодий фаолиятларидаги жараёнлар ҳақида билиш учун интервью олинади;

- Оддий инсонлар – бирор воқеа-ҳодиса юзасидан халқнинг фикрини билиш учун интервью олинади.

Одатда, интервью жанрида муаллифлик кўрсатувлари нисбатан камроқ тайёрланади. Буни биз тадқиқ қилаётган “O‘zbekiston”, “Madaniyat va ma’rifat” ҳамда “Первый” телеканалидакузатиш мумкин. Шунга қарамай, ушбу жанрдаги муаллифлик кўрсатувлари йўқ эмас. Масалан, “O‘zbekiston” телеканалида маълум вақт эфирга узатилган “Suhbatdosh” кўрсатуви интервью жанрида тайёрланган. Унда турли соҳа бўйича айни кун учун долзарб мавзулар ҳақида сўз юритилади. Кўрсатув бугунги куннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан долзарб бўлган мавзуларини ўз ичига олади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари

138 Телевизионная журналистика / Г.В. Кузнецов и др. – М.: Высшая школа,2002.

//http://evartist.narod.ru/text6/32.htm#_top// (м.в. 10.03.2021).

139 Телевизионная журналистика / Г.В. Кузнецов и др. – М.: Высшая школа,2002.

//http://evartist.narod.ru/text6/32.htm#_top// (м.в. 10.03.2021).

юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда Давлат дастурларининг ижроси юзасидан мутасадди вазирлик ва ташкилот вакиллари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, олий таълим муассасалари ректорлари, фан доктори ва профессорлар билан олиб бориладиган юзма-юз интервьюлар кузатилади.

Интервьюлар давомида юртимиз мустақиллиги йилларида эришилган улкан ютуқлар, ислохотлар, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ошиши, турмуш шароити яхшиланиши ва энг муҳими, янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши биз учун қанчалик муҳим аҳамият касб этиши ҳақида теран мушоҳада билан атрофлича сўз юритилган. Жумладан, кўрсатув муаллифи ва бошловчиси Феруза Мадраҳимова мутасадди ташкилот вакилидан саволлар орқали кўпроқ ахборот олишга ҳаракат қилган.

Мазкур телеканалда эфирга берилаётган “*Mening huquqim*” кўрсатуви ҳам интервью жанрида тайёрланади. Сўнгги ҳукумат, Президент қарорлари, қонунлар шарҳи ва уларнинг изоҳларига бағишланган интервьюларда асосий мақсад ахборот беришдан иборат.

Ушбу жиҳатлар “*Madaniyat va ma’rifat*” телеканалининг “*Eksklyuziv suhbat*” муаллифлик кўрсатувида ҳам кўзга ташланади. Унда бошловчи ва муаллиф Гулмира Мусажонова томонидан юртимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи инсонлардан уларнинг меҳнат ва ҳаёт фаолияти ҳақида интервьюлар олинади.

“Интервьюлар мақсадига кўра ҳам бир неча турга бўлинади:

1) Ҳисобот интервью – давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид масалаларнинг расмий ойдинлашуви;

2) Ахборий интервью – бирор маълумот олишга қаратилган;

3) Интервью-портрет – респондентни ҳар томонлама жиҳатларини очиқ беришга қаратилади;

4) Муаммоли интервью (мунозара) – ижтимоий аҳамиятга эга масалалар хусусида сўз юритилади;

5)Интервью-анкета – фикрлар хилма-хиллигини ўрганишни мақсад қилади”.140

Суҳбат жанри эса интервьюдан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилади. Суҳбат жанри ҳам уни алоҳида жанр сифатида ўрганган олимларнинг аксарияти асарларида журналистиканинг ахборий жанрларидан бири сифатида кўрсатилади. Ҳ. Саидов, Н. Тўхлиева, В. Ворошилов каби тадқиқотчилар уни ахборий жанр деб ҳисобласа, А. Тертычный, М. Худойқулов каби тадқиқотчилар уни таҳлилий жанр сифатида ўрганади. С. Гуревич эса бу жанрни диалогик жанрлар гуруҳига киритади. Бу гуруҳда интервью жанри ҳам мавжуд бўлиб, улар алоҳида жанр сифатида кўрсатилади. Шу билан бирга, тадқиқотчи фикрича, диалог деб аталувчи жанр ҳам мавжуд. Шунга қарамасдан, ҳар иккала жанр моҳиятан, мазмунан ва вазифавий жиҳатларидан бир-бирига ўхшаш. Хусусан, интервью ҳам, суҳбат ҳам савол-жавоб шаклида ифода этилади. Бунда икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар алоҳида гуруҳга ажратилади: савол берувчи ва жавоб берувчи.

Иккала жанрнинг қўлланилишидан мақсад битта: ахборот олиш. Бу журналистика соҳасининг ҳам умумий вазифаси ҳисобланади, аммо интервью ва суҳбатда ахборотнинг олиниши ва узатилишида ўзига хослик бор. Яъни ахборот тўғридан-тўғри биринчи манбанинг ўзидан олинади ва у матбуот саҳифаларида ёки эфирда бевосита, айнан ахборот алмашинув жараёни акс эттирилган ҳолда берилади. Бу, албатта, мазкур журналистик материалга нисбатан ишончлиликни орттиришга хизмат қилади.

Ҳар икки жанрда ҳам асосий ахборотни журналист орқали эмас, балки респондент, суҳбатдош тилидан билиш мумкин. Бунда журналист энди яқка ҳолда бу материалга жавобгар бўлмайди. Респондент ва мухбир биргаликда асарнинг ҳаммуаллифларига айланадилар.

Интервью ҳам, суҳбат ҳам демократик, фуқаролик жамиятининг ёрқин кўринишлари сифатида намоён бўлади. Чунки бунда респондент омма олдида ўз фикрини эркин баён этиш, мулоҳазаларини ифода қилиш

140 Телевизионная журналистика / Г.В. Кузнецов и др. – М.: Высшая школа, 2002.
http://evartist.narod.ru/text6/26.htm#%D0%B7_02// (м.в. 10.03.2021)

билан турли соҳалардаги иштирокини таъминлашга эришади. Респондент машҳур шахс ёки оддий киши бўлиши ҳам мумкин.

Интервью ва суҳбатда фикрлар, сўзлар алмашинуви фаол тарзда амалга ошади. Яъни бир томон маълум бир фикр ёки жумлани ифода этса, иккинчи томон унга жавобан бошқа бир мулоҳазани беради. Бунда иккала жанрдаги вербал коммуникация жараёнининг фаол кечиши кузатилади.

Ушбу ўхшаш жиҳатларга қарамасдан, интервью ва суҳбатни бир-биридан ажратиб турувчи фарқли томонлар ҳам бор. Айнан ушбу фарқлар журналистик жанрлар классификациясида мунозарали ҳолатлар юзага келишига муайян даражада таъсир кўрсатмоқда.

М. Худойқулов фикрича, суҳбат “...интервьюнинг мантикий давоми бўлиб, ёритилаётган мавзунинг мазмун-моҳиятини чуқур очиб бериши, таҳлилий мулоҳаза ва мушоҳадага асосланиши, ҳаётнинг чуқур қатламларини акс эттириши билан ундан ажралиб туради ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига доир масала ва муаммоларини акс эттиришда оммавий ахборот воситаларининг энг оммабоп, энг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади”.¹⁴¹

Рус олимлари В.Б. Смирнов, А.В. Пичугин “Суҳбат: интервьюнинг бир кўринишими ёки мустақил жанр?” (“Беседа: разновидность интервью или самостоятельный жанр?”)¹⁴² мақоласида сарлавҳада қўйилган саволга жавоб топишга ҳаракат қилишган. Шу мақсадда ушбу икки жанр хусусидаги бошқа тадқиқотлар ўрганилган ва бирма-бир кўриб чиқилган. Натижада интервью ва суҳбат ўртасидаги сезиларли фарқлар кўзга ташланган. Жумладан, жанрларни бир-биридан ажратиш учун асос сифатида қуйидаги икки фарқ келтирилган:

1. Мулоқот қилаётган шахслар (яъни журналист ва респондент) да ахборот кўлами, ҳажмининг нотенглиги + информация сўраш – бу интервью учун характерли хусусият;

141 Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: “Тафаккур”, 2011. – Б. 180.

142 Смирнов В.Б., Пичугин А.В. Беседа: разновидность интервью или самостоятельный жанр? // Вестник ВолГУ. Серия 8: Литературоведение. Журналистика. 2005. – Выпуск № 4. – С. 118-121.

2. Ахборот кўлами, ҳажмининг тенглиги + информация алмашинуви – бу суҳбат учун характерли хусусият.¹⁴³

Яъни интервьюда журналистнинг мақсади оммага нотаниш ёки янгилик бўлган информация, маълум бир ахборотни сўраб, уни аудиторияга етказиш. Бунда сўралаётган ахборотдан журналистнинг ўзи ҳам беҳабар бўлади. Респондент эса зарур ахборот манбаига айланади. Бунда бир томон, яъни савол берилаётган респондент тадқиқот объектига айланса, иккинчи тараф – интервьюер тадқиқот субъекти ҳисобланади.

Суҳбат жанридаги муаллифлик кўрсатувларига “O‘zbekiston” телеканалидаги “Tashrif”, “Madaniyat va ma’rifat” телеканалидаги “Men uchun onam”, “Первый” телеканалдаги “Сегодня вечером” кўрсатувларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳар бири кўрсатув муаллифининг услуби, ёндашуви жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. “Tashrif” кўрсатувида Шухрат Қаюмов элимизнинг ардоқли инсонлари, жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган шахслар хонадонларида бўлиб, улар билан суҳбатлашган, ҳаёт йўлларига назар ташлаган, ўрни келганда, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирган.

Телеканалда маълум муддат эфирга узатилган “Men uchun onam” кўрсатувининг ҳам иштирокчилари таниқли шахслардир. Улар билан Юлдуз Файзий оналар ҳақида суҳбатлашган. Ҳар бир қатнашчи ўз онасига таъриф беради, болалик дамларини эслайди, дилдан суҳбат қурилади. Саволлар суҳбатдошнинг шахсий ҳаёти, унинг шахсий фикр-мулоҳазаларини билишга қаратилади, муайян ахборотни олишга эмас. Шу сабабли уни суҳбат жанрида тайёрладиган кўрсатув дея ҳисоблаш мумкин.

“Сегодня вечером” кўрсатуви ўз йўналишига кўра, кўнгилочар бўлиб, уларда таниқли шахслар билан суҳбатлар қурилади. Фақат кўнгилни кўтарувчи мавзулар, яхшиликлар, оилавий муносабатлар ҳақида сўз юритилади. Бошловчилардан бири Максим Галкин бўлгани сабабли суҳбат юморга бой тарзда ўтади. Кўрсатувнинг ўзига хослиги у кўтаринки кайфиятни охирги дақиқаларгача сақлаб туради. Бошловчилар суҳбатдошлар билан эркин тарзда, турли саволлар билан мурожаат

143 Смирнов В.Б., Пичугин А.В. Беседа: разновидность интервью или самостоятельный жанр? // Вестник ВолГУ. Серия 8: Литературоведение. Журналистика. 2005. – Выпуск № 4. – С. 120.

қилган ҳолда суҳбатлашадилар. Бунда бошловчи суҳбатдош билан тенглик тамойилига мос тарзда мулоқотга киришади. У ўз фикрларини ҳам билдириши, суҳбатдоши берган маълумотларга қўшимча қилиши ёки уларга изоҳ бериши мумкин.

Дискуссия, яъни мунозара жанрига ҳам мулоқот, диалог услуби хос. Дискуссия (лот. *discussio* – тадқиқот, муҳокама) – томошабинлар кўз олдида фикрларнинг туғилиши, ривожланиши, мақсад томон ҳаракатини намоён этувчи тележанрдир.¹⁴⁴

Турли фикрларнинг тўқнашуви ҳақиқатни англаш йўлидаги тадқиқотга аудиториянинг ҳам аралашувини таъминлайди, уларни ақлий фикрлашга ундайди, энди телеаудитория ўзининг пассивлик хусусиятини йўқотиб фаоллашади. Шунинг учун бу жанрга кўп маротаба мурожаат қилинади. Бу жанр гоҳида ток-шоу жанри билан чалкаштирилади. Студияда меҳмонлар ҳамда аудиториясига эга, бирор мавзу муҳокама қилинган ҳар қандай кўрсатувни ток-шоу дейиш одатга айланган. Аммо уларни ажратиб турувчи жиҳатлардан асосийси мунозарада кескин баҳсларнинг мавжудлигидир.

Бу жанрда тайёрланган кўрсатувларни “Первый” телеканалида тез-тез кузатиш мумкин. “На самом деле”, “Толстой. Воскресенье”, “Пусть говорят” каби кўрсатувлар шулар жумласидандир. Бунда журналистнинг ижодий меҳнати нисбатан камроқ бўлади. Чунки у студияга мавзу ташлайди ва бу борада барчани баҳсга чорлайди. Уларнинг, табиийки, муҳокама қилинаётган мавзу юзасидан турли фикрлари мавжуд. Баҳснинг предмети муайян талабларга жавоб бериши керак, яъни муҳокамага муҳтож, турли ечим йўлларига эга ва оддий томошабин учун ҳам тушунарли бўлиши лозим. Шунингдек, у барча учун қизиқ бўлиши ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши керак. Мунозара жанрида “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Munozara maydoni”, “Xulosa o‘zingizdan” кўрсатувлари тайёрланади.

Мунозара жанрида бошловчи баҳснинг йўналишини бошқариб туриши лозим, студияга таклиф қилинган барча ўз нуқтаи назарини билдира олиши керак. Шу ўринда, тортишувларнинг тор доирадаги

144 Телевизионная журналистика / Г.В. Кузнецов и др. – М.: Высшая школа, 2002.
http://evartist.narod.ru/text6/26.htm#%D0%B7_02/(м.в. 15.03.2021)

муҳокамаларга айланиб кетмаслигини ҳам назорат қилиш мақсадга мувофиқ. Бу кенг оммага тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин. Бунинг учун бошловчининг ўзи муаммони аввалдан яхшилаб ўрганиб чиқиши, қизиқарли ва энг муҳим жиҳатларини ажратиб олиши ҳамда муаммонинг муҳокамаси барчага тушунарли бўлишини таъминлаши лозим. Шунингдек, у импровизацияга тайёр туриши, баҳсларнинг оғир кўринишларида ҳам ўзини қандай тутишни билиши ўта муҳим.

Ток-шоу жанрига келсак, уни деярли барча телеканалларда томоша қилиш мумкин. У тележурналистикада энг кўп қўлланиладиган жанрлардан бири саналади. Ток-шоу инглиз тилидан таржима қилганда, сўзлашиш ва намоиш тушунчаларининг бирлашувини англатади. Ток-шоу томошабинлар эътирофига 60-йиллардаёқ аввал АҚШда, сўнгра Фарбий Европада, ваниҳоят, бутун дунёда сазовор бўла бошлади.¹⁴⁵ Ток-шоу интервью, дискуссия, ўйин белгиларини бирлаштиради. Ток-шоуларнинг бошловчилари аудитория орасида тез таниладилар. Чунки кўп ҳолларда уларда ақл, топқирлик, чирой, юмор, эшитиш маҳорати, пластика ва бошқа жиҳатлар бор. Ток-шоуда бошловчи билан биргаликда, студия меҳмонларининг ҳам ўрни катта бўлади. Улар таниқли ёки ўзларининг ҳаёти, фикрлари, турмуш тарзлари билан шунчаки қизиқ инсонлар бўлишлари мумкин. Студиядан жой олган томошабинларнинг гапиришлари муҳим эмас. Улар қарсақлар, кулгу, ҳайрат товушлари билан иштирок этишлари мумкин. Баъзи ток-шоуларда телетомошабинларни телефон орқали ёки студияга уланиш орқали суҳбатга тортиш мумкин.

Ток-шоунинг мураккаб кўринишларидан бири “Пресс-клуб” ҳисобланади.¹⁴⁶ Чунки улар видеорепортажлар кўринишида берилади.

Исталган диалог шаклидаги, айлана стол атрофидаги, ҳаттоки студиядаги интервьюларни ҳам ток-шоу дея аташ ҳолатлари кўп кузатилади. Кўпинча уларнинг бошловчилари таниқли инсонлар бўладилар. “O‘zbekiston” телеканалидаги “Munosabat”, “Sharh+”, “Uchburchak” кўрсатувлари ток-шоу дея аталади. Аммо улар назарияда кўрсатилган талаблар нуқтаи назаридан кўпроқ мунозара жанрига ўхшаб

145 Телевизионная журналистика / Г.В. Кузнецов и др. – М.: Высшая школа, 2002.

//http://evartist.narod.ru/text6/26.htm#%D0%B7_02// (15.03.2021)

146 Телевизионная журналистика / Г.В. Кузнецов и др. – М.: Высшая школа, 2002.

//http://evartist.narod.ru/text6/26.htm#%D0%B7_02// (15.03.2021)

кетади. “Oydin hayot”, “O‘zingni angla” кўрсатувлари эса ток-шоу жанрининг элементларини ўзида ёрқинроқ намоён этади, аммо улар муаллифлик кўрсатувлари эмас.

“Madaniyat va ma’rifat” телеканалидаги “Inson o‘zing”, “Meni o‘zgartirgan kitob”, “Ochiq studiya”, “Fayzli oqshom” дастурларини муаллифлик лойиҳалари қаторига киритиш мумкин. Аммо уларда юмор, кулгу, кўтаринки кайфият етарли даражада кузатилмайди. “Первый” телеканалидаги “Жить здорово” кўрсатуви ток-шоу жанрида тайёрланади.

Бошловчи ва муаллиф Елена Малышова саломатлик борасидаги тавсияларни қизиқарли услублар орқали томошабинларга етказиб беради. Махсус безатилган студия бунда ёрдамга келади. Масалан, кўрсатувлардан бирида 147 пневмококк ҳақида сўз юритилди. Аммо бошловчи унга ўзгача услубда ёндашди. Яъни сўзни болаларга вакцинация қилиш нима учун кераклиги, улардан қайси касалликларнинг олдини олиш учун фойдаланилиши ҳақида бошлаб, касалликлар, вируслар орасидан пневмококкни танлади. Кўрсатувнинг доимий шифокор меҳмонлари, шунингдек, ушбу касалликка алоқадор инсонлар билан мавзунини янада очиқ беришга ҳаракат қилди.

Яна бир эътиборли жиҳати бошловчи ҳар бир меҳмонга алоҳида ва батафсил маълумот бериб ўтди. Тиббиётга алоқадор бўлмаган меҳмонлар худди аудиториядан вакил сифатида томошабинларни янада қизиқтириш учун машҳур шахслардан чақирилган. Уларнинг оила аъзолари, ҳолатлари мисолида вакцинанинг нақадар муҳимлигини исботлашга уринишди. Меҳмонлар иштирокида студияда экспериментлар ҳам ўтказиб кўрилди. Студия турли тиббий ускуналар билан безалган. Шунингдек, бемор-ҳамшира образидаги инсонлар ҳам студиядан ўрин эгаллаган. Кўрсатув турли рубрикалардан ташкил топган: “Укол совести”, “Совет за одну минуту” ва ҳ. Буларнинг барчаси кўрсатувнинг янада қизиқарлилиги ва томошабоплигини оширади.

Умуман олганда, бугунги кунда бундай классификация амалда тўлиқ намоён бўлаётгани йўқ. Улардан интервью, суҳбат ҳамда ток-шоу

147 “Первый канал”, “Жить здорово” // <https://www.1tv.ru/shows/zhit-zdorovo/vypuski/zhit-zdorovo-vypusk-ot-06-06-2019/> (м.в. 15.04.2021)

тушунчалари ўз мазмун-моҳиятини сақлаган ҳолда эфирга узатилиши кам кузатиладиган ҳолатга айланди. Барчасининг ўрнига ток-шоу атамаси билан номлашаксарият журналист ва режиссёрлар учун одатга айланиб бормокда. Аммо шунга қарамай, бу диалог жанрларнинг бири-биридан фарқланиб турувчи юқорида кўрсатилган хусусиятлари мавжуд эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

3.2. Муаллифлик кўрсатувларида бошловчи маҳорати

Ҳар бир муаллифлик кўрсатувининг асосий қаҳрамони айнан муаллифдир. Унинг ғояси, тузилиши, таркиби, тайёрланиш услублари – буларнинг барчаси муаллифнинг маҳоратини намоён этиб туради. Баъзан журналист лойиҳаларининг айрим сонларида эфирда акс этишни истамайди ёки лозим топмайди, лекин унинг борлиги, дастурда, кадр ортида иштирок этганлиги кўрсатув қатнашчиларининг сўзлари, фикрлари, ўзини тутишларидан сезилиб туради. Телемахсулотни яратишда кўпгина ходимлар меҳнат қилади, аммо ҳар бир жараён журналист танлови, позицияси, ёндашувидан келиб чиқиб амалга оширилади. Шу сабабли у бундай дастурларнинг юраги, бирламчи омили ҳисобланади. Тадқиқ қилинаётган телеканалларда эфирга узатилаётган муаллифлик кўрсатувларининг ҳар бири ўзига хос.

“Mo‘jizalar makoni” ва “Ko‘ngil obodligi” кўрсатувлари “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга узатилади. Уларнинг бошловчиси ва муаллифи Саодат Ўрмонованинг маҳорати унинг халқчиллиги, самимияти, инсонлар билан киришиб кета олиш ва уларни гапиртира олиш қобилияти, томошабинлар билан вербал ва новербал мулоқотни ўрната олиши каби жиҳатларда кўринади. Унга самимийлик, оддийлик, халқоналик хос. Бу жиҳат унинг имиджи, ташқи кўриниши, инсонлар билан мулоқоти, сўзлашиш оҳанги, нутқида кўзга ташланади. Бошловчи халқ мақоллари, ҳикматли сўзларга ҳам тез-тез мурожаат қилади. У ўз чиқишларида мураккаб жумлалар, чиройли сўзлар билан нутқини бойитишга ҳаракат қилмайди. Барча нарсада оддийликка интилади, қаҳрамонлари ҳам халқимиз орасида танилмаган бўлса-да, эл-юртига кори яраётган оддий инсонлардир.

“Madaniyat va ta’rifat” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Tundaliklar” кўрсатуви бошловчиси ва муаллифи Шоира Рауфбоевадир. Унинг ҳаракатлар ва гапириш оҳангида ўзига бўлган юксак ишонч

сезилиб туради. Бошловчи Шоира Рауфбоева сўзини 148 “Кўрсатувимизнинг бугунги меҳмони Хайрулла Ҳамидов” деган сўзлар билан бошлайди. Биринчи саволини “Ўзиз ҳам тундаликлар ёзасизми?” деган мазмунда беради. Суҳбат давомида журналист “Лекин ичи бўш дутор яхши жаранглайди, дейдику. Ман ҳаёти текис бўлган, қанақадир фақат ёруғ кунлар, кечаси бемалол ухлайдиган одамдан унақа катта ижод намуналари кутмайман”, дея ўз фикрларини ҳам билдириб ўтади. Аммо бунда “билмадим қанчалик тўғри ёки нотўғри” дея ўз мулоҳазаларига шубҳа ҳам бериб қўяди. Суҳбатдошига тенглик назари билан эмас, бироз юқорироқ қараш билан боқади. Саволларга берилган жавобларни шунчаки қабул қилиб ёки уларга қўшилиб қўймасдан, уларни таҳлил қилиб олади ва қарши фикрлари ёки мулоҳазалари бўлса, билдириб кетади. Кўрсатувда бутун диққат-эътиборни суҳбатдошига қаратади. Томошабинларга деярли мурожаат қилмайди. Саволларида муайян қолип кўзга ташланади.

Бошловчи Сурайё Мансурованинг муаллифлик ва эфирни олиб бориш маҳорати ўзига хос. Бошқаларга ўхшамайдиган оҳанги, матни ва уни етказиб бериш йўли томошабин эътиборини жалб қилиб олади. Кўрсатувда ортиқча декорация, чироқ йўқ. Шунга қарамай, суҳбат давомида сўзланаётган мулоҳазалар, ўзаро баҳслар ёки фикр алмашишлар томошабоп тарзда эфирга узатилади.

Журналист Гулмира Мусажонованинг бошловчилик маҳорати ҳам эътиборга лойиқ. Ундаги қатъият, совуққонлик, саволларни беришдаги жиддийлик, юздаги очиқлик ва самимият телетомошабин билан алоқадан ҳам кўра кўпроқ суҳбатдошнинг эътиборини ўзига тортиб, ундан энг муҳим фикрларни сўзлаттиришга диққатини қаратади. Бу жиҳатдан у хориж журналистларига ўхшаб кетади.

Ўрганилган объектларда муаллифлик кўрсатувларини тайёрлашда узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган, маълум ютуқларга эришган, бу борада ўзига хос мактаб яратган муаллиф-бошловчилар ҳамда уларнинг дастурларини таҳлил қиламиз:

1. Қуддус Аъзамов:

148 “Tundaliklar”, “Madaniyat va ma’rifat” телеканали
<https://www.youtube.com/watch?v=3JtR3NvF8RI&t=30s//> (м.в. 25.04.2021)

- Умумий таъриф: сиёсий шарҳловчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, “Дўстлик” ордени соҳиби, “Олтин қалам” танлови ғолиби.

- Муаллифлик кўрсатувлари – “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Мўъжизалар мамлакати”, “Юзма-юз”, “Эътироф”, “Акс-садо”, “Муносабат”.

- Мавзу қамрови: ижтимоий-сиёсий.

- Муаллиф-бошловчига хос хусусиятлар: мамлакатимиз ва дунё сиёсий майдонидаги воқеаларни шарҳлайди. Айни давр учун долзарб ижтимоий муаммоларга бефарқ бўлмайди, кўрсатувга мавзу сифатида олиб чиқади. Ҳар ҳафта дастурнинг янги сонини эфирга тайёрлайди. Ўз фикрини билдиришда фаол. Расмийлик, жиддийлик, совуққонлик, катта аудиторияни бошқариш қобилиятига эга. Аммо кўрсатувда айрим баҳсли ўринларда мавзунини чалғитишга, сиёсий жараёнларни ёритишда ижобий жиҳатларни бўрттириб кўрсатишга уринади, холислик принципига ҳар доим ҳам амал қилмайди. Ўз нуқтаи назарини атрофдагиларга сингдиришга ҳаракат қилади.

2. Илмира Раҳматуллаева:

- Умумий таъриф: журналист, телебошловчи. 150 дан ортиқ кўрсатувлари ЎзМТРКнинг “Олтин фонд”ига қабул қилинган. Замонавий телевизион жараёнларга бағишлаб, 100 дан ортиқ илмий ва илмий-публицистик мақолалар ёзган.

- Муаллифлик кўрсатувлари – “Тадқиқот”, “Оила тилсими”, “Зиёли хонадон”, “Мактуб”, “Кундаликлар”, “Қатағон қурбонлари”.

- Мавзу қамрови: ижтимоий, маданий-маърифий, илмий, адабий.

- Муаллиф-бошловчига хос хусусиятлар: кўрсатувда бадиий-публицистик услубдан моҳирона фойдаланади, матни ва ифодаси жозибадор, сокин ва вазмин. Буюк шахслар ҳаётига оид маълумотларни ўзига хос ёндашувда етказиб беради. Фикр-мулоҳазаларини теран ифодалаши, танланган мавзунини тўлақонли очиб бериши фаолиятига оид ютуқлардан бири. Бошловчи сифатида ҳикоянавислиги, бадиий оҳангда сўзлаб бериши билан ажралиб туради. Камерага қараб гапирганда, томошабинлар билан мулоқот қилаётгандек таассурот уйғота олади. Алоҳида таъкидлаш керакки, камерага тўғри ва тик қараб сўзлаш

муаллиф-бошловчининг ажралиб турувчи жихатига киради. Сўзларига ишонтириш, алоҳида ўринларга урғу бериш хос.

3. Нозима Воҳидова:

- Умумий таъриф: журналист, телебошловчи

- Муаллифлик кўрсатувлари – “Маънавият сарчашмалари”, “Таклифлар ва ташрифлар”, “Мезон”, “Қўли гул уста”, “Бекаат”, “Марварид”, “Аёл бахти”, “Қорачиқ”, “Йўлчирик”, “Дўстлар даврасида”.

- Мавзу камрови: ижтимоий, маданий-маърифий, кўнгилочар.

- Муаллиф-бошловчига хос хусусиятлар: тезкор фикрлаш, сўз бойлигининг сермахсуллиги, респондентлар билан осон тил топишиш асосий жихатларидан ҳисобланади. Самимийлик, ҳозиржавоблик, одамшавандалик, серғайратлик бошловчилик фаолиятининг асосини ташкил этади. Рекреатив дастурлар тайёрлаш бўйича катта тажриба ва маҳоратга эга. Муаллифлик кўрсатувларини бир неча тур ва сонларда тайёрлаш бўйича тезкор.

4. Гулмира Мусажонова:

- Умумий таъриф: журналист, телебошловчи, “Олтин қалам” танлови ғолиби.

- Муаллифлик кўрсатувлари – “Оддий ҳақиқатлар”, “Эксклюзив суҳбат”, “Азиз сиймолар”, “Мен билган ҳақиқатлар”.

- Мавзу камрови: ижтимоий, маданий-маърифий, адабий.

- Муаллиф-бошловчига хос хусусиятлар: вазмин, жиддий сўзлаш, фикрларни равон тилда етказиб бериш, ҳар бир сўзни эътибор билан танлаш ва ишлатиш муаллиф-бошловчи фаолиятининг ютуғи ҳисобланади. Ижтимоий муаммоларни кўтариш, ўз нуқтаи назарини совуққонлик билан билдириш, воқеликлар таҳлилига алоҳида ўрин бериш каби хусусиятлар ҳам кузатилади.

Ушбу муаллиф-бошловчиларнинг фаолияти ўрганилганда, ҳар бирининг ўзига хос ютуқлари мавжудлиги аниқланди. Ахборотлар таҳлилига ортиқча ҳиссиётларсиз, совуққонлик билан ёндашиш Гулмира Мусажоновада яққолроқ намоён бўлса, туйғу-кечинмалар ифодасига Нозима Воҳидова кўпроқ ўрин беради. Бу икки хусусиятни бир-бирига қарши қўйиш, мантиқан фикрлаганда, тўғри бўлмайди. Чунки кўрсатув формати, моҳиятига кўра, муаллиф муайян услубни танлайди. Мазкур икки журналист кўтарган муаммо бир хил бўлган тақдирда ҳам уларнинг

ёндашуви турлича ифодаланиши мумкин. Бу энди унинг позицияси, “мен”и, дунёқарашига боғлиқ жиҳат.

Г. Мусажоновада ўзининг ҳақиқатларини, фикрларини очиқ-ойдин ва лўнда гапириш устуворлик қилади. “Men bilgan haqiqatlar” кўрсатувининг Шароф Бошбековга бағишланган сонида 149 бошловчи: “Сукунатда овоз чиқариб тўғри сўзни айтиш жасорат. Фақат негадир кўпчилик бу жасоратни зиёлилардан, хусусан, адиблардан ва журналистлардан кутади. Ахир сизга сўз берилган, сизнинг қуролингиз сўз, деб ўзини оқлайди. Лекин бир нарсани унутмайлик: сўз ва ҳақиқатни айтиш имкони ҳар биримизга берилган. Фақат, афсуски, кўпчилигимизга ҳақиқатни айтишга ичимиздаги кўрқоқлик халақит беради”, дея дастурни бошлайди. Таъкидлаш керакки, муаллифнинг дастурларида ўз позициясини ифодалаш нисбатан кўпроқ кузатилади. Кўрсатув бошидаёқ журналист телетомошабинларни фикрлашга ундайди, бунда сўзларни эътибор билан танлаб, ортиқча тафсилотларга ўрин бермасдан, лўнда гапиришга ҳаракат қилади.

Рус тадқиқотчиси П. Гуревич қуйидагича ёзади: “Сиз ўз образингиз устида муваффақиятли ишляпман деб ўйлайсиз. Бироқ телеаудитория ясамаликни кўради ва пайқайди. Муваффақиятга эришишнинг омилларидан бири – бошловчининг образи ўзининг табиий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда юзага келади”. 150 Дарҳақиқат, Г. Мусажоновада самимийлик устунлик қилади. Бу бошловчининг ташқи образида ҳам намоён бўлади. Имидж ва ўзини тутиш борасида табиийликка интилади. Н. Воҳидованинг нутқида эса сўзлар сони кўп, фикр-мулоҳазалар узун жумлалар билан тузилади. Баъзан танланган мавзу моҳиятидан бироз чалғишлар ҳам кўзга ташланади. Шунга қарамай, бошловчи нутқида томошабин эътиборини жалб қилиш хусусияти кучли. Н. Воҳидова: “Дейдиларки, ҳамма нарсанинг ниҳояси бор: сабрнинг ҳам, муҳаббатнинг ҳам, дўстнинг ҳам, ҳаттоки азобнинг ҳам. Аммо орзу-ю ҳавас ва албатта, ширин хотираларнинг чеки йўқ. Биз яна анъанага мувофиқ, ана ўша ширин хотираларга сизни саёҳатга таклиф этамиз.

149 Men bilgan haqiqatlar | Sharof Boshbekov. “Madaniyat va ma’rifat” телеканали.

<https://yandex.uz/video/preview/17785694858073832586//> ноябр 2021 (м.в. 20.10.2022)

150 Гуревич П. Приключения имиджа: типология создания телевизионного образа и парадоксы его восприятия. – М.: «Искусство», 1991. – С. 54.

Бугунги қаҳрамонимиз Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов дўстлари даврасида диллашадилар”, дея гап бошлайди дастурларнинг бирида.¹⁵¹ Нутқда самимийлик бор, аммо такрорлар кўп.

Бошловчининг чиқишлари ўрганилганда, уни айна шу образ, яъни тез ва ҳиссиёт билан гапириш, суҳбатдошларга чиройли таърифлар бериш, мулоқот жараёнида фақат савол берувчи ва тингловчи бўлишдан кўра дилдан суҳбат қилишга интилиш орқали бошқалардан ажралиб туриши аниқланди. Аммо айтиш керакки, фикрлар ва нутқнинг мантиқий кетма-кетлиги, равонлиги борасида айрим ноизчилликлар мавжуд. Буни спонтан нутққа таянган ҳолда ўз услубига эга бўлиш билан изоҳлаш мумкин. Бевосита интервью ва суҳбат жараёнида муаллифнинг иштироки кўриниб туриши, мулоқотга киришиш, респондентнинг тилини топиш ва тушуниш каби ҳолатларга ҳам мазкур икки муаллиф-бошловчининг кўрсатувларида гувоҳ бўлиш мумкин.

Илмира Раҳматуллаева ҳам ўз услуби, йўналишига эга ижодкор ҳисобланади. Журналистнинг телеасарлари ўрганилганда, унда мавзу моҳияти, матн жозибадорлиги юқори ўринда туриши кузатилди. Адабий, публицистик услубда ёзилган сценарийни камерага тик қараб англаб, тушунтириб сўзлаб бериш маҳорати бўйича И. Раҳматуллаева устувор жиҳатларга эга. Шунингдек, бошловчи имидж борасида ҳам ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Классик услуб ва табиийлик юзасидан Г. Мусажонова билан И. Раҳматуллаева ўртасида ўхшашлик мавжуд. Ваҳоланки, нутқ ифодаси ва ёндашув томондан фарқ катта.

“Первый канал”да эфирга узатиладиган “Лучше всех” ва “Сегодня вечером” кўрсатувлари бошловчиси Максим Галкинга эркинлик, самимийлик, тез киришувчанлик, ҳазилга бойлик хос. У исталган суҳбатдоши билан тезда эркин мулоқотга кириша олади. Саволларни вазиятдан ҳамда суҳбатдошининг сўзларидан келиб чиқиб, бериш қобилиятига эга. Танланган мавзу бўйича қизиқарли ва жонли суҳбат қила олади. Шу аснода студияда ва экран ортида кўриб ўтирган томошабинларни ҳам унутмайди, уларга мурожаатлар қилади. Суҳбатдош яхши гапира олмаса ҳам ҳазиллар орқали уларнинг кўнглига йўл топиб, дилидагини тилига чиқаради. Энг аҳамиятлиси, у кичик ва

¹⁵¹ Do‘stlar davrasida / IsmoilJalilov. “Madaniyat va ma’rifat” телеканали.09.10.2022 эфирдан.

катта ёшдагилар билан бирдек тил топишади. Бу эса бошловчи учун муҳим жиҳатлардан бири.

“Жить здорово” кўрсатуви бошловчиси Елена Малышева самимий, куюнчак, кувноқ бошловчи. Унинг асосий мавзуси саломатлик бўлгани сабабли томошабинлар ва меҳмонлар билан мулоқотда уларга куюнчаклик билан саломатлик ҳақида тавсиялар беради. Ҳар бир меҳмонга индивидуал тарзда ёндашишга ҳаракат қилади. Гапириш оҳанги, урғуларни кўйиши, овозни баланд-паст қилиб сўзлаши уни тинглашга бўлган иштиёқни оширади. Унинг имиджи ҳам ўзига хос. Ёш жиҳатдан бироз каттароқ бўлишига қарамасдан, классик услубнинг замонавий кўринишларида намоён бўлади. Жуда ҳам тартиб ва дид билан кийинади. Меҳмонларни тинглай олади ва кўрсатувдаги бошқа шифокорлар билан мулоқотда сўзни қизғаниш, олд ўринда туришга интилиш сезилмайди. Шунингдек, унинг саломатлик ва тиббиёт борасида шахсий билимлари ҳам кўплиги кўзга ташланади.

“Пусть говорят” кўрсатуви бошловчиси Дмитрий Борисов Россиянинг энг машҳур бошловчиларидан бири. Ундаги тез ва аниқ, тушунарли гапира олиш қобилияти эътирофга лойиқ. Ҳар қандай мавзуда сўз юритилмасин, юзида ҳеч қачон тундлик ва сўз бораётган мавзудан зерикканлик, суҳбатдошининг сўзларига қизиқмаслик жиҳатлари кўзга ташланмайди. Шу хусусиятлари билан у ўз имиджини, томошабинлар орасида ҳурмат-эътиборини қозона олган. Бошловчи баҳсли вазиятларда суҳбатдошларнинг сўзларини моҳирона бўлиши, мавзу четлашиб кетаётган бўлса, уни керакли йўналишга буриши каби жиҳатлари билан ажралиб туради.

Умрини муаллифлик кўрсатувини тайёрлашга бағишлаган Ларри Кинг кўринишидан томошабинларни ўзига қарата олмайдигандек туюлади. Ваҳоланки, унинг мухлислари бутун дунёда бор. Шоулари кўпгина мамлакатларда шуҳрат қозонган. У дастурларини “*Сиз Ларри Кинг шоусини томоша қиляпсиз*” деган сўзлар билан бошлаган. Сўзлаши, ўтириши, суҳбатдошга қараш, мимика ва ҳаракатларида эркинлик, мустақиллик ҳамда кучли самимият бор. Ларри Кинг доимо ўзини борича тутганлиги ва кўрсатганлиги билан ҳам миллионлаб мухлислар қалбига кира олган. Бошловчи имиджи бошқалардан ажралиб туради. Доимий кўзойнак, соч турмаги, кийим услуби ҳар бир эфирда ўзгармасдан

қолади. Кўрсатувларнинг турли сонларидаги суҳбатдошлар эса янада машҳур, таниқли, қизиқарли шахслардан иборат бўлади. Мулоқотнинг муваффақияти унинг маълум қолип асосида тайёрланмаслигида.

Кириш қисқагина таништирув билан бошланиб, ўз-ўзидан саволларга уланиб кетади. Буни томошабин сезмай ҳам қолади. Сабаби, Ларри Кинг суҳбатдоши ҳақида маълумотни ўқиб бераётган ҳолатида саволини моҳирона тарзда улаб кетади. Шу тариқа, суҳбат бошланади ва борган сари қизиқарли тус олаверди. Бошловчи меҳмонига бошқа дастурларникига қараганда, анча яқин ўтиради. Бу юзма-юз, кўзга қараб олиб бориладиган очиқ ва самимий суҳбатга айланади. Саволлар ҳар доим ҳам сўроқ оҳангида берилмайди. Ларри Кинг ўз фикрини ҳам қистириб ўтишни унутмайди. Шу тариқа, айрим ўринларда суҳбатдош билан баҳсга киришиб кетади. Саволлар қисқа, қизиғи, жавоблар ҳам узоқ давом этмайди. Бу эса томошабинни зериктириб қўймайди. Бошловчи суҳбатдошнинг гапидан кейин пауза ҳам ушламайди. Шу каби хусусиятлар Ларри Кинг шоуларининг муваффақиятини белгилаб берган. Аслида бу кўрсатувларнинг асосий ютуғи бошловчи ва муаллифнинг ўзига кўпроқ боғлиқ.

“Azizim, hayot!” ва “Imtihon” кўрсатувларини тайёрлаган журналист Умида Усмонова ҳам бошқа бошловчилардан ажралиб туради. Унинг гапириш оҳангининг ўзидаёқ бадийликка мойиллик, насиҳатомуз оҳанг сезилади, ўзининг ана шу оҳанги билан у кўпчиликнинг ёдида қола олади. Бошловчи ўта босиқ, одатда, суҳбатдошлар билан мулоқотда ўзгармас, бир хил темпда гапиради. Аммо ўз нутқини сўзлашда яна ўз оҳангига қайтади. Бошловчида томошабин билан коммуникацияга киришиш, уларнинг эътиборини жалб қилиш қобилияти, маҳорати кучли. Унинг калит сўзи – “Азизим” бўлиб, томошабинларга ҳам айнан шу сўз билан мурожаат қилади. Бу эса унинг томошабинларга янада яқинроқ бўлишини таъминлайди.

“Бугундан бир таассурот – интервью олувчи сенинг нима деяётганингни эшитмайди, у буни муҳим деб ҳам билмайди, чунки у диктофоннинг ҳар нарсани эшитишига ишонади. Бироқ у хато қилади: диктофон юрак зарбини эшитмайди, бу эса интервьюнинг муҳим

жиҳатларидан биридир”.¹⁵² Колумбиялик ёзувчи Габриел Гарсиа Маркес айтган ушбу фикрлар бугунги кун журналистикасининг оғриқли нуқталаридан бирини ифодалайди. Савол бераётган муаллиф хаёлида кейинги гапларини ўйлаш билан банд бўлади. Шу сабабли меҳмонининг фикрлари ва мулоҳазалари қайси томонга бурилаётгани, қандай оҳанг ва ҳолатда айтилаётганига эътиборни сусайтиради. Бу эса мулоқотнинг сифатига ва самимийлигига путур етказди. Суҳбатлар орқали танилган кўпгина журналистларнинг асосий ютуғи респондентни тинглай олиш қобилиятидан келиб чиқади. Ларри Кинг, Владимир Познер, Максим Галкин, Леонид Якубович каби бошловчиларга томошабинлар алоҳида меҳр қўйишига сабаб шунда. Улар мулоқотнинг жонлилиги, самимияти, кутилмаганлиги ва қизиқарлилигини кўрсатув сўнгига қадар сақлай оладилар.

Интервью олиш журналистдан маҳорат ва ўта зийракликни талаб этади. Телевидение ёки радиода эфирга узатиладиган интервью ва суҳбатларнинг муваффақиятли бўлишига асосий сабаблардан бири томошабин ёки тингловчи ўзига таниш, ҳаммага маълум ёки ўзига қизиқ бўлмаган савол ёки жавоблар берилса, шунчаки шу жойини эшитмай ёки кўрмай қўйиши, бошқа каналларга ўтказиб чиқиши, ўз ишларини қилиши ва ёнидаги ҳамроҳи билан суҳбатлашиши мумкин. Бироздан сўнг у яна интервью ва суҳбатнинг ўзи учун қизиқ томонлари қулоққа чалинса, эшитиш ёки кўришда давом этаверади. Ундан кўп нарса талаб қилинмайди, яъни унинг олдида бирор нарсани “ўқиб чиқиш” дек мураккаб вазифа қўйилмайди. Бундан ташқари, телевидение ва радиодаги суҳбатлар эркин мулоқот тарзида берилди. Кимнингдир тили сўзлашув услубига ўтиб кетаётгани сезилмайди, кулгули ўринларда кулгу овозларини эшитади ва бу уни ҳам беихтиёр табассум қилишга ундайди.

Аудитория интервью ва суҳбатнинг асл ўтказилиш жараёни, ҳудуди, муҳити, суҳбатдошларнинг кайфиятига ўзи гувоҳ бўла олади. Бунинг учун журналистдан катта маҳорат талаб қилинади. Ёки томошабинни

152 Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2008. – Б. 80.

қизиқтириш учун суҳбат жараёнининг бошланишини кичик анонс ўрнида бериш ҳам мумкин.

Интервью ва суҳбатда ўқувчи эътиборини ушлаб қолиш учун саволларнинг мантиқий кетма-кетликда тузилгани ва уларни ўсиб бориш тартибида жойлаштирилгани муҳим ўрин тутди. Бир саволга жавобни эшитиб бўлдим, қолганини кўрмасам ҳам бўлади, дегувчи томошабинларни кейинги саволда яна ушлаб қола олиш учун у суҳбатдошнинг олдинги саволга жавобидан келиб чиққан ҳолда тузилиши керак.

“Савол олдинги жавобдан мантиқан келиб чиққан ҳолда бўлиши керак. Журналистлар бундай усулни “нуқталарнинг уланиши” деб ҳам аташади, бунда қайсидир маънода савол-жавоб тарзидаги мулоқот хаосида муайян тартиб ўрнатади... Бу худди “сермазмун тўр” ни тўқишга ўхшайди, бу матннинг ўқишга қулайлигини таъминлайди, мақсадининг эса шаффофлигини”.¹⁵³ Аммо баъзан суҳбатдошнинг ҳар бир гапига аралашиб, мавзуларни турли томонларга буриб юбориш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳолат, айниқса, “Ҳо‘лчиноқ” кўрсатуви бошловчиси Нозима Воҳидова нутқида, олиб борган суҳбатларида тез-тез кузатилди.

“Первый” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Сегодня вечером” кўрсатувида 154 М. Галкин суҳбатдошининг “юмор соҳасидаги аёллар ўзларини аҳмоқдек кўрсатишларига тўғри келади”, деган фикрини давом эттириб, савол беради: “*Бу юмор йўналишида чиқиш қилаётган эркаклар ҳам шундай аҳмоқки, улар кимгадир ёқимли бўла олишмаслигини англатадими?*”. Юмор борасидаги мавзуда ҳазил аралаш шундай савол берилгандан сўнг студияда кулгу кўтарилади. Иккинчи суҳбатдош ҳам ўз фикрларини билдиргандан сўнг бошловчи шундай дейди: “*Мен сизни тўғри тушунган бўлсам, эркаклар юмори Худодан, аёлларники эса шайтонданми?*”. Бундай ўзаро бир-бирига чамбарчас занжирдек боғланиб кетган савол-жавоблар томошабинларда катта қизиқиш уйғотади ва унинг диққатини суҳбат сўнгигача ушлаб туришига хизмат қилади.

Эътибор берилса, бундай усуллар кўпроқ суҳбат жанридаги материалларда кузатилмоқда. Интервью жанрида тайёрланган

153 Лукина М. Технология интервью. – М.: Аспект Пресс, 2003. – С. 176.

154 “Сегодня вечером”, “Первый канал” // 25.05.2019.

материаллардаги саволларнинг кетма-кетлиги ҳам мазмун жиҳатидан ўсиб боради. Чунки “интервьюда асосий эътибор бир муаммо ёки бир мавзуга қаратилса, суҳбатда нисбатан кенгроқ, бир неча мавзуда савол-жавоб бўлиши мумкин”.¹⁵⁵ Масалан, “Первый” телеканали орқали эфирга узатиладиган “Познер” кўрсатувида 156 журналист Максим Галкиндан интервью олади. Интервьюни бошловчи жуда қисқа кириш қисми билан бошлайди. *“Эфирда “Познер” кўрсатуви. Дастур меҳмони Максим Галкин”*, мана шу сўзлардан сўнг бошловчи М. Галкин билан мулоқотга киришишни бошлаб юборади. Мулоқот қандай мавзуда олиб борилишини билиш учун томошабиннинг кўрсатувни охиригача томоша қилишига тўғри келади.

Интервьюни бошловчи М. Галкиннинг “Познер” кўрсатувида меҳмон бўлиб келиш истагини М. Жванецкий томонидан уюштирилган тадбирлардан бирида сезгани ва бунинг сабабини билишга қизиқаётгани ҳақидаги сўзлар билан бошлайди. *“Бу кўнгилочар дастур эмас”*, дейди журналист. Демак, интервью жанридаги кўрсатувни нафақат мавзу ва меҳмонни эълон қилиш билан, балки интервьюни ташкил қилиш учун сабаб билан бошлаш ҳам мумкин. Жавобда ҳаттоки суҳбатдошнинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтади: *“Мен билан қандай жиддий мавзунини муҳокама қилмоқчилигинингизни билмадим, аммо бу менинг жанримдан йироқлиги аниқ”*.

Шунингдек, бошловчи ўзи учун шахсан қизиқ бўлган саволларни ҳам бериб ўтади. Ҳаттоки шу билан суҳбатни бошлайди: *“Жиддий саволларга ўтишдан олдин, ўзим учун қизиқ бўлган бир-икки савол бермоқчиман. Сизнинг отангиз ҳарбий бўлган, бувангиз ҳам. Сизда ҳеч ҳам офицер бўлиш истаги уйғонмаганми?”*. “Познер” кўрсатувидаги суҳбатларда бошловчи тез-тез столидаги қоғозга қарайди, аммо у ўз сўзларини айнан шу вақтда спонтан равишда тузаётгандек, бироз ўйлаганнамо оҳангда етказди. Бу эса суҳбатнинг жонлилиги, самимийлигига хизмат қилади. Суҳбатдош қанча давомийликда гапирётган бўлса, журналист ҳам шунча сўзлайди. Бу жиҳат аслида

155 Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2008. – Б. 90.

156 Гость Максим Галкин. Познер. Выпуск от 03.06.2019.

//<https://www.youtube.com/watch?v=WHsoQYQqEo8/> (м.в. 25.04.2021)

интервью жанридаги кўрсатувда суҳбатнинг элементлари намоён бўлаётганини кўрсатади.

Журналист Владимир Познерга босиқлик, жиддийлик, мулоҳазакорлик каби жиҳатлар хос. Унинг сўзларида ўзига ишонч яққол сезилиб туради. У ўз суҳбатдошларининг табиати, характеридан келиб чиқиб, улар билан турлича муомала қилади. Суҳбат жараёнида фақатгина меҳмонини эшитмайди, балки унинг сўзларига аралашиб, ўз фикрларини билдирган ҳолда эркин мулоқот қилади. Савол бераётганда уни тўғридан-тўғри эмас, тўплаган маълумотлари билан боғлаган ҳолда узунроқ тарзда беради. Ҳар бир суҳбатдошни унинг салобати босиб туриши сезилади.

Айрим бошловчилар ва журналистлар ўзларини фикр билдиришга ҳақли эмасман, деб ҳисоблашади ёки ўзларининг муаллифлик кўрсатувларида шундай кўринишади. Аксинча, айнан ушбу ҳолат кўрсатувлардаги мулоқот жараёнининг зерикарли кечишига, фақат суҳбатдошнинг монотон овози билан боришига олиб келади. “O‘zbekiston” телеканалдаги “Yo‘lchiroq” кўрсатуви эса аксинча. Унда бошловчи ўз сўзларини айтишга тортинмайди, аммо унинг сўзларида суҳбатдошга кўпроқ ён босиш, қахрамоннинг фикрларини тасдиқлаш, шунингдек, ўз фикрларини билдиришда шошма-шошарлик ҳолатлари кузатилади.

“Первый” телеканалининг афсонавий кўрсатувларидан бири бўлмиш “Поле чудес” кўрсатувининг муваффақиятида бошловчи ва муаллиф Леонид Якубовичнинг улуши катта. Унинг иштирокчилар билан эркин ва самимий мулоқотга кириша олиши, нутқида, овозида урғулар, овоз кўтарилишлари ва тушишларига эътибор бериши, ҳар бир иштирокчининг ҳаёти ва касбларига қизиқиши, мулоқот жараёнида ўринли юморлардан фойдалана олиши кабиларда кўринади. Шахсий ҳаёт ҳақидаги суҳбатларни моҳирона йўл билан яна асосий бошқотирмаларга буриб юбориши ҳам эътирофга лойиқ. Кўрсатувда мусиқа, шеър, рақсларга ўрин берилгани унинг қизиқарлилиги ва томошабоплигини оширади. Шунингдек, кўрсатув давомида турли мусиқий жингллар, яъни бирор ҳарфни топа олинмаган ҳолат учун алоҳида ва бошқа шу каби ҳолатлар учун турли эффектлардан фойдаланилиши унинг томошабоплигига сабаб бўлади.

Муаллифлик кўрсатувларида бошловчининг маҳорати ўз қўлида тўпланган маълумотлар, ахборотлар, кадрлар ва суҳбатларни тўғри ва томошабинлар учун қизиқ кўринишда туза олиш, кадрлардан моҳирона ва ўрнида фойдалана олиш каби жиҳатларда ҳам кўринади. Масалан, “Madaniyat va ma’rifat” телеканали орқали эфирга бериладиган “Men uchun onam” кўрсатуви ўзига хос ижодий ёндашувга эга. Бошловчи ва муаллиф Юлдуз Файзий ҳар бир қаҳрамони билан уларнинг оналари ҳақида суҳбатлашади.

Дастурларнинг бирида 157 Ўзбекистон халқ артисти, актёр Эркин Комиловнинг онаси ҳақида сўз юритилади. Кўрсатув Э. Комиловнинг она ҳақидаги шеъри, сўзларининг кадрлар билан ёпилган шакли билан бошланади. Шундан сўнг кўрсатув шапкаси берилади ва журналист кўрсатувини ўз саволи ёки кириш сўзлари билан эмас, суҳбатдошининг сўзлари билан бошлайди. *“Сизни Эркин Комилов деса, ҳаётга келишиз, умуман ҳаётда бугун борлигиз ва шу ҳаётда яшаётганиз учун, энг аввало, онангиз билан боғлиқ деб ўйлайман. Сабаби, сиз билан Хўжаободда онангиз билан яшаган ва сиз тугилган хонадонда бўлганимизда айтгандингизки, эркин бўлиб тугилганим учун онам менга Эркин деб исм қўйганлар, деб эслагандингиз. Ўзи аслида бошқа исм бўлганди сизга”*, дея суҳбатни давом эттиради бошловчи. Унинг саволида бироз ғализлик ҳам кўзга ташланади. Аммо савол бериш услуби одатий исмингизни ким қўйган, нега сизга шундай исм қўйишган, каби кўринишда эмас, бу маълумотдан бошловчининг ҳам хабардорлигини кўрсатган ҳолда берилиши журналистнинг суҳбатга тайёрланганлигини билдиради. Аммо мазкур саволдан сўнг журналист анча вақт суҳбатга аралашмайди. Савол билан мурожаат қилмайди. Суҳбатдош ўзи онаси ҳақидаги хотираларини бирин-кетин сўзлаб кетаверади.

Телевидение орқали эфирга берилётган суҳбатларни томоша қилганда, унда икки кишининг айнан савол берувчи ва жавоб берувчига ажратилишига ҳолат йўқдек туюладиган ҳолатлар деярли учрамади. Ваҳоланки, уларда журналист ва суҳбатдош тенгма-тенг баҳс қилиши, фикрларини билдириши мумкин эди. Кузатувлар шуни кўрсатдики, ўзбек журналистлари ва бошловчиларида суҳбатдошдан тортиниш, унга оғир

гап айтмасликка, сўзларини бўлмасликка уриниш кабилар сезилиб туради.

Суҳбат бир текисда кетмайди, кўтарилишлар, биров ховуридан тушишлар билан кечади. Лекин энг муҳими томошабинни борган сари суҳбатдош билан яқинроқ таништиришга, унинг номаълум жиҳатларини мухлисларга кўрсатиб беришга, унинг диққатини бир дақиқа бўлса-да, бошқа хаёлга чалғитмасликка уринади. Журналистнинг интервью ва суҳбатни олиб бориш ва уни аудиторияга етказиш маҳорати айнан шуларда намоён бўлади. Бундай профессионализм эса барчада ҳам мавжуд эмас. У кўпгина изланишлар, меҳнат, тажриба ва албатта, билим натижасида эгалланади. Буларнинг барчаси бирлашиб, аудитория онгига етиб борувчи, унга таъсир этувчи, керак бўлса, шакллантирувчи интервью ва суҳбатларнинг, улар асосида муаллифлик кўрсатувларининг юзага келишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, журналист маҳорати унинг шахсий қобилияти, имкониятлари, йиллар давомида тўплаган тажрибасига боғлиқ. Кўрсатув олиб бораётган бошловчи маҳорати қуйидаги элементларда намоён бўлади:

- Сўз кучи, матннинг ифода этилиш шакли, услуби билан томошабин эътиборини қарата олиши;

- Суҳбатдош хаяжон, кўрқув ёки бошқа сабаблар билан фикрини жамлай олмай, жавоб беришга қийналганида, унга бу хаяжонни енгишига ёрдам бериши (хусусан, жонли эфирда), кўрсатув меҳмонидан керакли маълумотларни олиши;

- Суҳбат темпини бошқара олиши, мулоқот зерикарли тус олганда, керак ўринларда янада қизикарли, мулоҳазали ва баҳсли саволларни бериши;

- Интервью жараёнининг қандай бораётганлигини юз ифодаларида ва ҳаракатларда кўрсата олиши ва ҳ.

Бошловчи мулоқот давомида бир неча кўникмаларни ўзида намоён этиши зарур. Бу кўрсатувнинг муваффақияти гаровига айланади. Суҳбатдошни эшита олиш ва унинг фикрларига муносабат билдириш, кўз қарашлар, юз ифодаларидан фойдаланган ҳолда унинг ўзини янада эркин тутишига имконият яратиш, мулоқот мавзуси ва йўналишига қараб, меҳмон билан ўзини тенгдек ёки биров юқоридек тутиш,

респондентнинг ҳисларига ҳам таъсир кўрсата олиш ҳамда кечинмалар юзда, ҳаракатларда акс этганда, уларни сақлаб қола билиш каби хусусиятлар барча бошловчиларга ҳам хос эмас. Соҳа ходимлари орасида камерадан кўркмайдиган, фикрларини тез ва аниқ ифодалай оладиган одамларни излаш одатга айланган. Агар мулоқот кутилганидек бўлмаса ёки монтаж вақтида кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқарса, асосан бу муаммоларга сабаблар респондентга юкланади. Аслида эса суҳбатни олиб боришнинг ўзига хос сирлари, кўникмалар мавжуд ва уларга эга бошловчининг дастури омма орасида тезда танилади, кўрсатув рейтинги ошади. Бунинг учун журналистдан ўз устида кўпроқ ишлаши талаб этилади. Ўзбек телевидениесида эфирга берилаётган интервью, суҳбат ва ток-шоу жанрларидаги дастурларда кузатилаётган асосий муаммолар айнан ўз устида меҳнат қилмаслик ва кўникмаларни ривожлантирмаслик натижасида келиб чиқиши ўрганилди.

3.3. Диалог жанридаги муаллифлик кўрсатувларининг тил ва услуб имкониятлари

“ОАВда кенг қўлланиладиган ахборий жанрлардан бири интервью (қисқа суҳбат) дир. Интервью моҳиятан сўраб билиш ва уни аудиторияга етказишни мақсад қилади”.¹⁵⁸ Мазкур жанр ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини кенг ва чуқур ёритишга хизмат қилиб, тезкор ва ишончли, аниқ ахборотларни аудиторияга етказиш вазифасини бажаради.

Интервьюда, энг аввало, мавзу масаласи алоҳида ўрин тутади. Яъни у орқали ёритилаётган масала жамият учун долзарб бўлиши, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши, ўқувчиларнинг қизиқишини уйғота олиши керак. Бунинг учун эса журналистдан кузатувчанлик талаб қилинади. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар орасидан энг аҳамиятлиларини ажратиб, бу ҳақда маълумот бера оладиган зарур шахсларни топиш ва уларни мулоқотга чорлаш интервьюнинг асосий талабларидан биридир.

“Интервьюернинг муваффақияти, энг аввало, интервьюга унинг қанчалик тайёрланганига боғлиқ. Унинг тайёргарлиги эса интервью олмоқчи бўлган шахсни танлашидан бошланади”.¹⁵⁹ Бу интервьюнинг энг муҳим жиҳатларидан бири. Чунки интервьюнинг муваффақияти

158 Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: “Тафаккур”, 2011. – Б. 157.

159 Гуревич С.М. Газета: вчера, сегодня, завтра. – М.: Аспект Пресс, 2004. Глава 18.

//<http://evartist.narod.ru/text10/01.htm>// (м.в. 17.04.2021)

респондентнинг кимлиги, қандай билимларга эгаллиги, танланган мавзу бўйича қанчалик маълумот бера олишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Шунингдек, интервьюда фактларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун эса аниқлаштирувчи, масалани янада кенгроқ очиб берувчи саволлар билан мурожаат қилиш зарур. Шу билан бирга, бу саволлар ўз вақтида берилиши ҳамда уларга керакли жавоблар олиниши керак.

Интервью олиш жараёнида ўзаро ишончсизлик устувор турувчи конфронтацион (зиддиятли) усул, журналистнинг ижтимоий масъулият ҳиссидан келиб чиқувчи элитар усул ва ҳамкорлик усулидан бири қўлланилиши мумкин.¹⁶⁰

Зиддиятли усулда интервьюер ва респондент орасида фикрлар рақобати келиб чиқиши мумкин. Бундай усулда яратилган интервьюлар кўпроқ таблоид газеталарда кузатилади. Канадалик Жон Саватски фикрича, бундай рақобат бўлиши, табиий. Аммо бу ахборот йиғиш услуги сифатида журналистнинг тўлақонли интервью олишига халақит беради. Аслида фикрлар, мулоҳазалар тўқнашуви кўпроқ суҳбат жанрига хос. Чунки интервьюда саволлар берилади ва уларга жавоблар олинади.

Мавзу юзасидан журналист асосий эътиборни ўз билимларини респондент ёки аудиторияга кўрсатиб қўйишга қаратмаслиги керак. Бу интервью олишнинг элитар усули ҳисобланади. Бунда интервью муайян гуруҳ манфаатларини ифода этувчи материалга айланиб қолади. Шу сабабли бу жанр ақл ўргатиш ёки журналист ўз билимларини кўз-кўз қиладиган жанр ҳисобланмайди. Чунки у тезкор ва муҳим ахборотларни аудиторияга етказишга хизмат қилиши керак.

Ҳамкорликка асосланган интервью олиш усули энг мақбул усул. У ўзаро ишончга ва берилаётган ахборотнинг ҳаққонийлигига асосланади. Аслида ҳам ҳар қандай интервью очиклик, ошкоралик, бағрикенглик, долзарблик, қизиқарлилиқ, ўзаро ҳурмат принципларига асосланган бўлиши керак.

Интервьюга қўйиладиган асосий талаблардан яна бири — қисқалик ва лўндаликдир. Интервью жанрида тайёрланган материалларда саволлар мазкур икки хусусиятга эга бўлади. Аниқ жавобни кўзлаб берилган аниқ саволлар ахборотнинг барча учун тушунарли бўлишини таъминлайди.

160 Лукина М. Технология интервью. Учебное пособие для вузов. – М.: Аспект Пресс, 2003.– С. 3.

Э. Фихтелиус фикрича, атрофлича идрок қилинган, қисқа, лўнда ва жўн саволлар энг яхши саволлардир.¹⁶¹ Ортиқча тафсилотлар интервьюга хос хусусият эмас. Х. Дўстмухаммад таъбири билан айтганда, журналистларнинг интервью олиш вақтидаги вазифаси маълумот олиш – мулоҳаза билдириш эмас.¹⁶²

Канадалик журналист ва олимнинг журналист саволларига доир ажратиб кўрсатган “бало-қазоли гуноҳлар” рўйхати¹⁶³ журналистлар орасида маълум ва машҳур. Булар:

- Ҳа, йўқ сўзларига жавоб бўлувчи саволлар. Улар ёпиқ саволлар деб ҳам юритилади. Тадқиқотларга кўра, мулоқотлар давомида бериладиган 50 фоиз саволлар ушбу туркумга кирувчи саволлардир. Шу сабабли интервьюда журналист шу каби саволлардан қочиши мақсадга мувофиқ;

- Сўроқ гаплар ўрнига тасдиқловчи гапни ишлатиш. Бундай интервьюни тинглаган томошабин ўзи учун янги фикр, янги гоё олмайди. Фақатгина журналист мулоҳазаси билан танишади, холос;

- Бирваракайига икки савол. Одатда, бундай саволлар берилган интервьюларни ўқиганда, респондентнинг фақат битта саволга жавоб бергани ёки охириги берилган савол ёдида қолгани учун кўпроқ унга жавоб беришга интилиши кузатилади. Шунинг учун интервьюда ҳар бир савол бошқасидан ажратилган ҳолда, алоҳида берилиши зарур.

Бундан ташқари, шу сингари саволлар қаторига мураккаб, кўп маъноли; жавоби ўзида бўлган саволлар; саволда изоҳ ва ўз фикрини ифодалаш; саволда тахмин ва уйдирма бўлиши; кимларгадир, нимагадир тамға қўйиш; муболағага йўл қўйиш каби ҳолатлар ва тушуниш қийин бўлган чигал саволлар киритилган.

Интервью ахборий ва ҳажман кичик жанр бўлса-да, керакли ахборотларни тезкорлик билан олиш, қайта ишлаш ва узатиш учун энг қулай жанрлардан бири. Чунки “интервьюнинг олинган ва чоп этилган вақт оралиғи, иложи борича, қисқа бўлиши керак”.¹⁶⁴ Интервью жанрида тайёрланган материални томоша қилиш, тушуниш, унда илгари сурилаётган янгиликни англаш, бошқа жанрларга қараганда, аудитория

161 Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. –Т.: Шарқ, 2002. – Б. 68.

162 Дўстмухаммедов Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси.– Т., 2011.– Б. 28.

163 Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. –Т.: Шарқ, 2002. – Б.70.

164 Natsvlishvili P. For the genesis of interview as a genre (European Scientific Journal), 2013. December /SPECIAL/ edition// – P. 385.

учун осон ва қулай. Бирор ахборот ёки янгиликни хабар ёки ҳисобот жанрида ҳам узатиш мумкин. Аммо у ахборот манбаси билан савол-жавоб тариқасида тайёрланиб, эфирга узатилса, журналист саволлари орасидан ўзини қизиқтирган ёки қийнаётган саволни эшитиб, ўша саволларга жавобни бутун интервью жанридаги кўрсатувни томоша қилмай туриб ҳам олиш имкониятига эга.

Интервью ҳам бошқа жанрлар сингари уч таркибий қисмдан иборат: кириш— одатда, қисқа, бир-икки саволдан иборат бўлади; асосий қисм — савол-жавоблардан ташкил топади; хулоса —“Келажакдаги режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз”, “Яна қандай лойиҳалар амалга оширилиши кутиляпти?” каби яқунловчи саволлар билан тугатишади.

Аммо телекўрсатувлар орасида ноодатий услубда тайёрланадиган интервьюларни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, “O‘zbekiston” телеканали орқали эфирга бериладиган “Ko‘ngil obodligi” дастурида бошловчи ва муаллиф Саодат Ўрмонова ўз кўрсатуви қаҳрамонларидан ноодатий тарзда интервью олишга ҳаракат қилади. Қаҳрамонларни баъзан лолақизғалдоқлар орасида кўрамиз, баъзида ўз соҳасига алоқадор бўлган жойларда кўриш мумкин. Кўрсатувларнинг бирида (19.02.2018)165 кўпгина машҳур ўзбек фильмларида механик ассистент сифатида ишлаган Эркин Содиков билан суҳбат эфирга узатилган. Муаллиф дастур бошида қаҳрамонини таништирмайди. Нейтрал сўзлар билан “кўнгилларга ободлик улашиб келаётган” инсоннинг ҳаёт йўлларига назар ташлашини айтади. Шундан сўнг қаҳрамон қайси фильмларда ишлагани ҳақидаги қисқа интервью берилади. Кейин муаллиф кадр ортидан қаҳрамонини, унинг суратлари, исм-фамилияси экранда намоён бўлган ҳолда таништириб ўтади.

Кўрсатувнинг 2018-йил 19-феврал сонидан муаллифнинг ўзи кириш сўзларини стенд-апда айтади. Кўрсатувнинг асосий қисмида эса муаллиф кўринмасликка ҳаракат қилади. Аммо ўзининг иштирокини ва суратга олинаётган жараёнларда мавжуд эканлигини кўрсатиш мақсадида ўзи кўринмаган ҳолда саволлар билан қаҳрамонига мурожаат қилади. *“Сиз энди ҳам актёрликни ҳам бошиздан кечирганакансиз-а? Сиз ҳам тасвирчилик тажрибасига ҳам эгасиз. Қайси бири қийинроқакан?”*

165 “Ko‘ngil obodligi”, “O‘zbekiston” телеканали // 19.02.2018.

Тасвирчи бўлишимиз, актёр бўлишимиз?” дея биринчи саволини беради. Саволларни беришда муаллиф кўпроқ сўзлашув услубини қўллаётганини кўриш мумкин. Шу сабабли келтирилган биринчи саволда “ҳам” сўзининг такрор қўлланаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Кейинги саволда ҳам шевадан фойдаланилганини кўраемиз: *“Қайси довлатларга боргансиз?”*. Суҳбатдош билан бу каби сўзлашув услубида мулоқотга киришиш бир томондан, мулоқотнинг табиий ва осон кечишига хизмат қилади, аммо кадр ортида ёзиб тайёрланган матн адабий тил меъёрларига мос, бадиий элементларга бой бўлган вақтда сўзлашув услубида берилаётган саволлар мақсадга мувофиқ эмас, назаримизда.

Ҳар қандай интервью ва суҳбатнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этишда журналист саволлари муҳим ўрин тутаяди. Бу хусусиятларни белгилашда саволлар бирламчи омил ҳисобланади. “Савол – мантиққа асосланган бўлиб, мавжуд ахборотни ўз ичига олади ва фикрлар ҳаракатини бошқаради. Маълумот ва ахборот олишда журналистнинг асосий қуроли сифатида савол кутилмаганда респондентни баҳсга тортиши мумкин. Тўғри берилган савол суҳбатдошда жавобдан бўйин тобланишга ўрин қолдирмайди, уни борини гапиришга мажбур этади. Журналистнинг саволлари суҳбат мавзуси, муҳити, муҳокама этиладиган муаммосидан келиб чиқиб олдиндан тузилади ёки мулоқот давомида тузилади”.¹⁶⁶

“Ўзиззи қўйган фильмиздаям камчилик топасизми?” дея кейинги саволларда муаллиф бироз ғализликка ҳам йўл қўя бошлайди. Суҳбатдош камчилик топишини билдирганидан сўнг *“Масалан, қайси камчиликларни топгансиз?”* деб унинг жавобидан келиб чиқиб яна савол билан муружаат қилади.

Интервьюда сўз кўпроқ респондентга берилади. Шу сабабли журналистнинг маҳорати бу жараёнда қандай бошқаришида кўринади. Шунингдек, зарур саволларни бера олиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. “Савол қандай бўлса, жавоб ҳам шундай бўлади, дейишади. Яхши, тўлиқ жавоблар муваффақиятли саволдан, яхши бўлмаган, таркибан тўлиқсиз жавоблар эса кучсиз ва ўйланмаган саволлардан келиб чиқади”.¹⁶⁷

166 Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: 2013. – Б. 105.

167 Лукина М. Технология интервью. – М.: Аспект Пресс, 2003. – С. 16.

“Madaniyat va ma’rifat” телеканалда эфирга узатиладиган “Mavzu va mohiyat” 168 муаллифлик кўрсатуви ҳам интервью жанрида тайёрланди. У жонли эфирда томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Кўрсатувнинг такрор намойишида 169 Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг 1-ташаббуси бўйича интервью берилди. 1-ташаббус ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этишга оид бўлиб, 170 Маданият вазирлигининг 4 нафар вакиллари кўрсатувнинг респондентлари сифатида намоён бўлишди. Бошловчи ва муаллиф Маҳмуда Тожибоева респондентларга турли саволлар билан мурожаат қилди. Президентимиз мусиқа, санъат ва маданиятга ёшларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратяптилар, нима учун, деган мазмундаги саволни берди. Мана шу саволни бериш жараёнида спорт сўзини ҳам қўллаб юборди. Буни тўғирлаш учун “*узр, спорт 1-ташаббус эмас, 2-ташаббус*” дея таъкидлаб кетди. Сабаби савол бераётганда, бошловчининг ҳаяжонланаётгани сезилиб турди. Ҳаяжон эса хаёлларни чалғитиб юборади, айниқса, савол бераётганда ҳаяжонга йўл бермаслик, хаёлни бошқа нарсаларга чалғитмаслик жуда ҳам муҳим. Мавзу сиёсий даражада бўлгани сабабли буни кўпол хатонинг тўғирлаб кетилиши, дея баҳолаш мумкин. Саволларда ортиқча гаплар, сўзлар, изоҳлар кўп кузатилди. Жумладан, “*Ана энди камчиликлар ҳақида ҳам гапирсак. Маданият соҳасида етарлича камчиликларимиз бор. Камчиликларни бартараф этиш бўйича қандай ишлар қилиняпти, озриқли нуқталаримиз қаерда?*” деган жумлада 2 та савол кетма-кет берилмоқда. Бу, биринчидан, суҳбатдошни чалғитади. Кутилганидек, респондент фақат битта савол, яъни камчиликлар юзасидан қандай ишлар қилинаётганини таъкидлаб ўтди.

Тадқиқотчи М. Лукина саволларнинг тўғридан-тўғри ва тўғридан-тўғри бўлмаган турларини ажратиб кўрсатади. Тўғридан-тўғри бўлмаган саволларни кўпинча респондент шахсий ҳаётига дахлдор маълумотларни билиш мақсадида ёки тўғридан-тўғри аниқ саволнинг қўйилиши бироз

168 "MAVZU VA MOHIYAT"//<https://www.youtube.com/watch?v=9Sf2KiJFMmc//> (м.в. 17.04.2021)

169 “Mavzu va mohiyat”, “Madaniyat va ma’rifat” телеканали // 01.06.2019.

170 Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус.
//<http://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyev-beshta-tashabbusni//>(м.в. 17.04.2021)

ноқулай бўлган ҳолатларда қўллаш кераклигини мисоллар ёрдамида кўрсатади.¹⁷¹ Тўғридан-тўғри ва очиқ саволлар респондентнинг уларга аниқ ва лўнда жавоб беришига хизмат қилади. Бу интервьюни томоша қилган аудитория кичик хабар жанридаги материал билан танишиб чиққандек бўлади. Фақат бу ерда асосий ахборотни саволлар натижасида аниқлаштириб олиш ҳамда унинг ишончилигини билиш учун тегишли шахснинг тилидан тинглаш имкони яратилади. Оддий хабардан кўра, бундай интервьюларни кўриш осонроқ, назаримизда. Чунки у ҳамма тушунадиган содда тилда, аниқ ахборотларнигина тақдим этади, ортиқча тафсилотларга ўрин берилмайди. Бошловчи М. Тожибоева ҳам тўғридан-тўғри саволлардан фойдаланади. Аммо деярли ҳар бирига ортиқча қўшимчалар юклайди. Масалан, *“Ушбу қарорда соҳа вакиллари қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор берилган. Марҳамат, уларни қўллаб-қувватлашга қандай эътибор берилпти?”*; *“Ушбу қарордан келиб чиқиб, яна қандай қўшимчалар қилишни ният қилдингиз?”* ва ҳ. Кўрсатувнинг яна бир жиҳати студия декорациясига ҳам эътибор қаратиш лозим. Эски услубда, совуқ рангларда намоён бўлувчи ва жонли аудиториясиз студиядан фойдаланилган. Ўртада эса мониторда намоёиш этилаётган кадрлар чироқ нотўғри қўйилгани ҳисобига яхши кўринмаган. Монитордан студияда фойдаланилмаган ҳолатларда у ерда кўрсатув номини катта шрифтларда кўрсатган маъқулроқ бўлар эди, назаримизда. Чунки кўрсатув давомида монитордан бирор марта ҳам фойдаланилмади, ҳаттоки унга назар ҳам ташланмади.

“Madaniyat va ma’rifat” телеканали орқали эфирга узатилган 172 *“Eksklyuziv suhbat”* кўрсатувида ҳам бошловчи Гулмира Мусажонова россиялик журналист Алексей Денисовга тўғридан-тўғри саволлар билан муурожаат қилади. *“Сизга тарих, ўтмиш нимаси билан муҳим?”*, *“Телевидение томошабинни ўйлашга, фикрлашга чорлаши керакми ёки унинг вазифаси фақат ахборот бериш ва кўнгилочар кўрсатувлар билан экран қаршисида ўтирган мухлисни хушнуд этишимми?”* кабилар шулар жумласидандир. Кўрсатувнинг ўзига хослиги у доим турли жойларда суратга олинади. Аммо уларни бирлаштириб турувчи жиҳат – бу суҳбат

171 Лукина М. Технология интервью. – М.: Аспект Пресс, 2003. – С. 17.

172 *“Eksklyuziv suhbat”*, *“Madaniyat va ma’rifat”* телеканали // 05.06.2019.

жойининг оддийлиги ва классик услубдалигидадир. Бир финжон қаҳва устида журналист суҳбатдоши билан у фаолият юритаётган соҳа бўйича суҳбатлашади. Кўрсатув номида эксклюзив сўзининг қўлланилишига сабаб – суҳбатдошларнинг таниқли, чет тилида сўзлашувчи хорижликлар ёки юртдошларимиздан иборатлигидир. Улар билан бўлган суҳбатларни ҳар доим томоша қилмайсиз. Унинг эксклюзивлиги ҳам шунда. Журналист кўпроқ тинглаш услубидан фойдаланади. Кўрсатувида суҳбатдош ҳақида ортиқча маълумотлар, қўшимчалар бермайди. Тўғридан-тўғри саволларга киришади. Суҳбатдошини кўпроқ тинглаб, камроқ саволлар беради. Бошловчи имиджи ҳам ўзига хос. Макияждан қилмайди, сочи кўпинча турмаксиз ва бироз тартибсиз, классик услубдаги либосларда эфирга чиқади. Шунингдек, журналист кўрсатув вақтида аудитория билан мулоқотга киришмайди, у тўлиқ ўша интервью олинаётган жой ва муҳитга киришиб кетади. Томошабинлар билан саломлашмайди ва хайрлашмайди. Кўрсатувда асосий диққат-эътибор суҳбатдошга қаратилади.

“Первый” канали орқали кечки соатларда эфирга узатиладиган “Сегодня вечером” дастури ток-шоу жанрида тайёрланади. Кўрсатувларнинг бири 173 юморда аёллар мавзусига бағишланган. Бошловчи Максим Галкиннинг бу борадаги кичик кириш қисмидан сўнг Россияда юмор йўналишида ижод қилувчи аёллар намоиш этилган қисқа ролик эфирга берилди. Томошабиннинг хаёлига кўрсатув меҳмонлари айнан мана шу аёллар деган фикр келиши мумкин. Аммо бошловчи дастлаб мамлакатнинг таниқли сатирик ёзувчиларини таништиради. Бошқа меҳмонлар ҳам студияда бўлишига қарамасдан, бошловчи ёзувчиларни таништириши билан уларга савол билан мурожаат қилади.

Кўрсатувнинг кириш қисмида аёллар барча соҳада илғор бўлишига қарамасдан, юмор санъатида эркаклар фаолроқ, деган фикрининг давоми сифатида бошловчи *“Нима сабабдан юморда патриархат ҳукмрон?”* деган саволни беради. Максим Галкин савол бергач, унга қисқа жавоб олиши билан кейинги саволни беришга шошади. Яъни суҳбатдош билан

173 Сегодня вечером. В юморе только женщины. Выпуск от 25.05.2019
<https://www.youtube.com/watch?v=LgtNiaPWqIw//> (м.в. 20.04.2021)

бевосита суҳбат куришга киришади. Аслида савол-жавобларнинг жуда узайиб кетмаслиги, саволга қизиқарли, айнан жавобни ола билгандан сўнг кейинги саволга киришиш телетомошабин эътиборининг чалғимаслигига олиб келади. Айниқса, унга юмор ҳам қўшилган бўлса янада мақсадга мувофиқ. М. Галкин суҳбатдошининг сўзларидан келиб чиқиб, *“эътибор берган бўлсангиз, студиямиздаги томошабинларнинг ҳам деярли барчаси аёллар”* деган фикрни айтиб ўтади. Бошловчи суҳбат жараёнида фақат сўроқ оҳангидаги саволлардан фойдаланмайди, балки эркин суҳбат олиб боришга ҳаракат қилади. Бу эркинлик унинг хатти-ҳаракатида ҳам, гаплашиш оҳангида ҳам сезилади. Шу ўринда, студияда кечаётган жараён ва тезкорлик билан гоҳ суҳбатдош, гоҳ бошловчи сўзлаётган вақтда кадрларни тўғри йўналтира билган режиссёр ҳамда тасвирчи маҳорати ҳам эътирофга лойиқ. Биринчи суҳбатдош ёзувчидан қисқа фикрларни сўраб билгач, энди бошловчи иккинчи ёзувчига мурожаат қилади. *“Сиз бу борадаги ўз фикрингизни билдириб ўтсангиз, аёллар юмори эркаларникидан қанчалик фарқ қилади?”* дея савол беради. Суҳбатдошлар бу жараёнда нафақат бошловчи билан, балки ўзаро ҳам фикр алмашадилар.

Шунингдек, “Первый” каналида эфирга узатиладиган “Видели видео” муаллифлик кўрсатуви ҳам ўзига хос. Уни бошловчи Александр Смол олиб боради. Ҳафтанинг интернетда тарқалган энг қизиқарли видеоларини тўплайди ва уларнинг иштирокчиларини студияга чақириб, суҳбат куради. Шу тариқа, кўпчилик телетомошабинлар қизиқишига сабаб бўлган видеолар ҳақида кўпроқ, энг муҳими, уларни суратга туширган ва видеода иштирок этган инсонлар тилидан маълумот берилади. Масалан, кўрсатувда 174 айиқ билан рақсга тушган инсон студияга чақирилган ва унинг айиқлар билан бундай дўстона муносабати ҳамда видеонинг қандай суратга олингани ҳақида сўз юритилди. Иштирокчилар билан суҳбат вақтида студия марказидаги катта мониторда ушбу видеоролик айланиб турди. Таниқли шахслар, масалан, хонандалар, артистлардан иборат меҳмонлар ҳам суҳбат жараёнига аралашиб, саволлар билан мурожаат қилди.

174 Видели видео (Первый канал, 02.06.2019) // <https://www.youtube.com/watch?v=t6Zd5z4QqjE//> (м.в. 20.04.2021)

Ўзбек телевидениесида эълон қилинган интервью, суҳбатлар кузатилганда, уларда ёпиқ саволлардан жуда камдан-кам ҳолатда, асосан очик саволлардан фойдаланилишига гувоҳ бўлинди. Албатта, бундай саволлар респондентга фикр билдириш, маълумот бериш учун имконият яратади. “Айтиш мумкинки, очик саволлар анча демократик характерга эга. Бундай саволга мисол сифатида “Ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз...” каби суҳбатдошни мулоқотга киришишга чорловчи иборани кўрсатиш мумкин. Буни янада аниқлаштириш мумкин: “От минишга қизиқингиз ҳақида гапириб берсангиз...”. Бундай вариантда ҳам савол очиклигича қолади, чунки унда суҳбатдошга қандай жавоб бериш, қандай урғулар қўйиш ва қўшимча тафсилотлар қўшиш ҳуқуқини қолдиради”.¹⁷⁵ Аммо шу ўринда таъкидлаш лозимки, “Ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз...” каби моҳиятига кўра, жуда ҳам кенг маънодаги савол респондентни шошириб қўйиши, нимани гапиришни билмай қолиши, “ундан кўра савол бера қолинг” (!) дейишига ҳам амалиётда кўп гувоҳ бўлинган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, саволларни имкон қадар аниқлаштириб ва соддароқ тилда бериш мақсадга мувофиқ.

“Навоҳ ва хаҳо уо‘ллариди” кўрсатуви саволларнинг ноодатийлиги борасиди анчагина етакчи. Берилаетган саволлар суҳбатдошни ўйлашга, сукут сақлашга мажбур қилади. “O‘zbekiston” ва “Madaniyat va ma‘rifat” телеканалларидаги муаллифлик кўрсатувлари ўрганилганда, уларда журналистнинг адабий тилга риоҳ қилиши, аммо респондент ва суҳбатдошлар билан мулоқотга киришишда сўзлашув услубидан фойдаланганига гувоҳ бўлинди. Бунга сабабни мулоқотнинг самимий ва жонли бўлиши учун интилиш билан изоҳлаш мумкин бўлса, бошқа тарафдан, интервью ва суҳбатларнинг адабий тил меъёрларига мос келмаслиги ҳам мақсадга мувофиқ эмас, назаримизда.

Бундан ташқари, кўпгина интервью ва суҳбатларда журналист ўз сўзининг қадрини билмайди, кўп сўзларни беҳуда ишлатиб, “исроф қилади”. Бу эса томошабинларнинг ҳам уларни қабул қилиши ва англашини қийинлаштиради. Масалан, оддийгина савол узун жумлалар-

175 Лукина М. Технология интервью.– М.: Аспект Пресс, 2003. –С. 18.

у мушоҳадалар билан бошланади, аммо саволнинг сўнгига келганда, унга бундай узун “кириш” қисми зарур эдими, деган шубҳа туғилади.

Масалан, “Ҳо‘лчиноқ” дастурида 176 бошловчи ва муаллиф Нозима Воҳидова актриса Наргиза Абдуллаева билан суҳбатлашади. Бошловчи кириш қисмини бироз узунроқ жумлалар билан бошлайди. Суҳбатни автомобилда олиб борар экан, бир саволга тўлиқ жавоб олмай туриб, суҳбатдошнинг сўзларига қараб, уни бутунлай бошқа мавзуга буриб юборади. Актриса кичиклигида ойнага қараб, ўзини машҳур актрисадек ҳис қилиб, ручкадан микрофонларни тасаввур этиб, машқ қилганини айтар экан, журналист шундай савол билан мурожаат қилади: *“Бу панд бермадими ўқишингизга?”*. *“Панд берди, бир-икки устозларим жудаям дилимни оғритишди”*, дейди суҳбатдош. *“Балки улар сизнинг яхшироқ ўқишингизни хоҳлаб шундай қилишгандир?”*, дея гапни илиб кетади бошловчи. Бу саволга ҳам жавоб бериш жараёнида бошловчи энди *“яшил чироқ, ҳар доим йўлингиз очиқ бўлган санъат йўлида”*, дея яна суҳбатни чалғитади. Суҳбат жараёнида бир мавзуда бошланган мулоқотни гоҳ бир йўналишга, гоҳ бошқасига буриб юборавериш томошабинларни асосий мавзу ва илк берилган саволдан чалғитади. Бу эса суҳбатнинг мазмун-моҳиятини англашга халақит беради. *“Оилада санъаткорлар бўлганми? Уйдагилар қандай қарашди бу ҳолатга? Бизда дастлабки қизил чироқ, Наргизахон”*, дейди бошловчи суҳбат давомида. Шу бир гапнинг ўзида 2 та савол ва ташқи ҳолат ҳақидаги битта маълумот жой олган. Бу ҳолатда телетомошабиннинг ҳам, суҳбатдошнинг ҳам ҳаёли қизил чироқ томон чалғиб кетади. Умуман олганда, бундай ҳолат бутун суҳбат давомида кузатилади.

Шунингдек, ўзбек телевидениесига эълон қилинган интервью ва суҳбатлар ўрганилганда, уларда саволларнинг маълум бир қолипдалиги кузатилди. Бу ўринда қолип деганда, такрорланаётган сўзлар ёки жумлалар назарда тутилмаяпти, балки мулоқотнинг тузилишидаги бир хилликка эътибор қаратилмоқда. Энг кўп қўлланиладиган бундай усуллардан бири – журналист аниқ бир саволни бера туриб, суҳбатдошнинг кейинги паузаси туфайли уни янада ойдинлаштириб

176 Ҳо‘лчиноқ | Актриса Наргиза Абдуллаеванинг кўнгил оламига саёхат [18.04.2019]
<https://www.youtube.com/watch?v=R24fuN106Ms//> (м.в. 20.04.2021)

беришга ҳаракат қилиши кўп кузатилади. Бунда бошловчи суҳбатдошнинг паузасини унинг фикрни тушунмаганлиги белгиси деб тушунмоқда. Бундай ҳолатни ўрганилаётган ҳар иккала ўзбек телеканали мисолида кўриб чиқамиз.

“O‘zbekiston” ва “Madaniyat va ma’rifat” телеканали:

- 1) *“Мисол учун, қачон, қай пайтда? Бу ҳаёт йўли. Мана чуқурликка тушиямиз, кутмаганимизда бизга сигнал бериб, ўтиб кетишяпти. Ҳамма нарса ҳам, ҳаммиша ҳам ўзимизга боғлиқ бўлмайди”*177;
- 2) *“Мана сизларни ҳозир эшитиб турибман. Биз кўпроқ ютуқларимиз ҳақида гапиряпмиз. Ютуқлар ўзимизники, албатта, бунини эътироф ҳам этиши керак. Энди камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Биз биламизки, мана шу маданият соҳасида ҳам етарлича камчиликларимиз бор. Ўзи аслида ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада камчилик бўлади. Камчилик – бу маъжозий маънода бир фожиа дегани эмас. Мана шу камчиликларни бартараф этиши масаласида ҳам қандай ишлар қилиняпти ва бизнинг мана шу оғриқли нуқтамиз қаерда?”*178.

Бундай усулда тузилган саволларни ҳар доим муваффақиятли, деб бўлмайди. Улар журналист билимини маълум даражада кўрсатишга хизмат қилиши мумкин. Аммо ҳар қандай сўроқ гапдан кўзланган мақсад суҳбатдошдан муҳим, қизиқарли ахборотни олишга қаратилиши лозим, назаримизда.

Демак, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўрганилаётган миллий объектлардаги телемаҳсулотлар бир қанча ютуқлар билан бирга, муаммолардан ҳам ҳоли эмас. Интервью ва суҳбат, умуман ҳар қандай мулоқотнинг асосини саволлар ташкил этишини инобатга олсак, уларни тузишда журналистлар аниқлик, лўндалик, тушунарлилик, фикрни қисқа ва жўн ифода этиш сингари хусусиятларга кам эътибор қаратадилар.

Сценарийни олдиндан тайёрлаб олган, фикрларини қайд этиб олган муаллифлар ташқи таъсирлар туфайли уларни суҳбатдошга етказиб беришда муаммоларга дуч келадилар, камера борлигини ҳис қилиш,

177 Yo`lchiroq | Актриса Наргиза Абдуллаеванинг кўнгил оламига саёхат [18.04.2019]

//<https://www.youtube.com/watch?v=R24fuNl06Ms//> (м.в. 20.04.2021)

178 “Mavzu va mohiyat”, “Madaniyat va ma’rifat” телеканали // 01.06.2019.

атрофда техник ходимлар ҳаракати ва айрим ҳолларда шивирлашиши, чироқлар, студиядаги юқори ҳарорат каби омиллар мулоқотнинг сифати, бошловчининг фикрни ифодалаб бериши даражасига салбий таъсир кўрсатади. Шундай вазиятларда ҳам вазиятни қўлга олиш, жавоблардан келиб чиқиб, кутилмаган саволлар билан мурожаат қилиш, диалогни пантомимика билан янада қизиқарли ва ифодали етказиш, студиядаги жараёнларни бошқара олиш ҳамда бошқа хусусиятлар журналистнинг маҳорати ва тажрибасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиши тадқиқ этилди.

Ишлатилаётган ҳар бир сўзнинг кадрини билиш, ортиқча тафсилотлар, тушунтиришлар билан фикрни чалғитмаслик, аниқ ва пухта саволларни тайёрлаш ва бериш мулоқотнинг муваффақиятини таъминлайди. Ваҳоланки, айнан мазкур хусусиятлар ўзбек телеконтентидан ўрин олган дастурларда асосий муаммо сифатида қайд этилди.

ХУЛОСА

1. Телевидение бугунги кунда томошабин эътиборини қандай усуллар билан бўлмасин, иложи борича, узокроқ ўз каналида ушлаб туришга эътибор қаратмоқда. Бу борада телеканаллар орасида носоғлом рақобат вужудга келаётгани кузатиляпти. Кўрсатувлар ғоялари, мавзулари ва ҳатто номлари ўхшашлиги, айрим ҳолларда бирга-бир тарзда кўчирилгани каби ҳолатлар учраб турибди. Шунингдек, телеканаллар асосан реклама орқали ўз молиявий аҳволини тутиб туришга уринаётгани сабабли аксарият телеканалларга уланганда, дастур жадвалининг катта қисмини рекламалар эгаллаётганини кузатиш мумкин. Телевидение тараққиётининг шундай бир даврида журналистлар ижодкорлиги, креативлиги маҳсули бўлган муаллифлик кўрсатувларига бўлган талаб ортиб бораётганини, аммо уларнинг томошабинларнинг севимли дастурлари қаторидан жой олиши бирмунча мураккаб ҳолга келиб қолаётгани кўринади. Шунга қарамай, тадқиқотлар давомида журналистлар ғоя, услуб, йўналиш жиҳатидан янгича муаллифлик кўрсатувларини яратишга фаол ҳаракат қилаётгани кузатилди. Дастурлар ток-шоу, шарҳ, интервью, суҳбат каби турли жанрда тайёрланган.

2. “O‘zbekiston” ҳамда “Madaniyat va ma’rifat” телеканалларида берилган муаллифлик кўрсатувларини ўрганиш натижасида уларнинг бир неча ижобий хусусиятлари аниқланди. Хусусан, “O‘zbekiston” телеканалида:

- ижтимоий муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган муаллифлик кўрсатувлари сон жиҳатдан кўп(ўрганилган давр нуқтаи назаридан – 2017-2021 йиллар). Эътиборлиси, уларнинг аксарияти ток-шоу жанрида тайёрланади: “Munosabat”, “Xulosa o‘zingizdan”, “Munozara maydoni”, “Sharh+” ва б.;

- дастурларда миллийлик ва анъанавийлик устуворлик қилади. Улар миллий қадриятларга мос тарзда тайёрланади. Бу кўтарилаётган мавзу, эфирда намоён бўлаётган бошловчи ва меҳмонлар имиджи, сўзлашуви, кийиниши каби элементларда яққолроқ кўзга ташланади;

- кўрсатувлар анонсига кўп аҳамият қаратилади. Тасвирларда муаллиф-бошловчига ҳам урғу берилади;

- муаллифлик дастурларини бир неча йиллик тажрибага эга журналистлар тайёрлайди. Ушбу шаклдаги айрим кўрсатувлар узок йиллардан бери эфирга узатилади. Жумладан, “Bir jinoyat izidan” телеканалда намойиш этиб келинаётганига қарийб 20 йил бўлмоқда. Муаллиф ҳам ўзгармаган.

3. Шунингдек, ўзбек телевидениеси, хусусан, “O‘zbekiston” ва “Madaniyat va ma’rifat” телеканалларида ўрганилган давр миқёсида интервью ва суҳбатлар мунтазам бериб борилган. Жумладан, “O‘zbekiston” телеканалида бу жанрда “Yo‘lchiroq”, “Azizim, hayot!”, “Suhbatdosh”, “Munozara maydoni”, “Ko‘ngil obodligi” каби муаллифлик кўрсатувлари эфирга узатилди. “Madaniyat va ma’rifat” телеканалида эса “Men uchun onam”, “Uyga qaytib”, “Men sevgan asar”, “Fayzli oqshom”, “Eksklyuziv suhbat” каби муаллифлик кўрсатувларини мисол қилиб келтириш мумкин.

4. “Madaniyat va ma’rifat” телеканалида намойиш этиладиган муаллифлик кўрсатувларининг аниқланган ижобий хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- дастурлар мавзуси, кўлами кенг. Муаллифлик кўрсатувлари тайёрлаш бўйича телеканал ходимлари сермахсул ижод қилади;

- ҳар бир кўрсатувнинг миллий қадриятларга, маданиятга боғлиқлиги мавжуд. Бу телеканал номи ва форматидан ҳам келиб чиқади;

- муаллиф-бошловчилар ўзига хос услуб, имидж ва устуворликни намойиш этишади. Уларнинг аксарияти эл орасида танилган, фуқаролик позициясига ва соҳада тажрибали шахслар. Масалан, Гулмира Мусажонова, Илмира Раҳматуллаева, Юлдуз Файзий, Нозима Воҳидова ва б.;

- телеканалнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида фаоллиги юзасидан янги лойиҳалар ва уларнинг мавзулари ҳақида маълумот олишнинг қулай ҳамда осонлиги.

5. “Первый” телеканалида кузатилган ижобий томонларни санаб ўтамиз:

- томошабоп кўрсатувлар тайёрлашда жамоанинг креативлиги;

- муаллиф-бошловчиларнинг фикрлашда эркин, муҳокамаларга очик ҳамда мулоҳазакорлиги, шунингдек, сўз айтишда жасорат ва қатъиятнинг юқорилиги;

- томошабинлар учун қизиқарли ва эътиборни жалб қилувчи мавзуларни кўрсатувга олиб чиқиш;

- телеканал сайтнинг қулай, фойдаланишда тез ва осонлиги, дастурларни онлайн режимда кузатиб бориш имконияти, сайт контентининг керакли маълумотларга бойлиги.

6. Тадқиқот давомида ўрганилган объектлардаги муаллифлик кўрсатувларининг салбий томонлари ҳам аниқланди. Хусусан, “O‘zbekiston” телеканалида:

- кўрсатувларда бир замон ва даврда кўтарилаётган масалалар айна ҳолатни ўхшаш услуб ва шаклда узатилиши, бир мавзуга қайта-қайта, такрорий гаплар билан қайтилиши, баҳсли масалаларда журналистда ўтқир сўз, фикрга қарши фикрнинг етишмаслиги;

- интервью ва суҳбатларда кўтарилаётган муаммодан четга чиқишлар кўплиги, саволларда ноаниқликлар жавобларга ҳам таъсир ўтказиши, бошловчиларнинг жараёнларда иштироки кўп сезилмаслиги;

- режиссёр ва монтаж усталарининг кўрсатувни эфирга узатишда креативликни қўллагмаслиги, студия декорациясида асосан кўк рангнинг ишлатилиши, замонавий безак воситаларининг деярли мавжуд эмаслиги;

- рекреатив дастурларда кўнгилочарлик хусусиятининг етарли эмаслиги, бошловчиларда қизиқарли суҳбат олиб бориш кўникмаси яхши ривожланмаганлиги.

“Madaniyat va ma’rifat” телеканалида:

- студия декорацияларида эски, анъанавий услуб устуворлиги;

- маданий-маърифий кўрсатувларнинг томошабоплиги етарли даражада эмаслиги. Бу кўпроқ интервью, суҳбатларнинг бир маромда кечиши, асосан респондент сўзига вақт ажратиш, жонли мулоқот темпининг пастлиги билан боғлиқ;

- замонавий режиссура ва монтаж элементларининг етарли эмаслиги. Бу томошабинлар эътиборини жалб қилиш учун муҳим омиллардан бири саналади;

- суҳбатларда журналист-муаллифнинг кўпроқ тингловчи образига кириб қолиши.

“Первый” телеканалида кузатилган салбий томонларни санаб ўтамиз:

- телеасарлардаги услуб ва ёндашувнинг бир-бирига ўхшашлиги;

- миллийлик ва анъанавийликнинг кам намоён бўлиши;
- ток-шоуларда жанжалли можароларга кўп ўрин берилиши;
- муаллифлик кўрсатувлари ва журналист-бошловчиларнинг нисбатан камлиги.

7. Шунингдек, жанрлар интеграциялашуви жараёнининг муаллифлик кўрсатувларига салбий таъсирини кузатиш мумкин. Ўзбек телевидениесида суҳбатларда фикрлар баҳсининг етишмаслиги, мунозараларда ҳақиқатни излашдан кўра, фикрлардаги айрим сўз ва жумлаларни таҳлил қилишга ўтиб кетилиши, журналист касб одоби нормаларининг бузилиши каби муаммолар аниқланди.

8. Ўз лойиҳасини тайёрлаётган журналист ҳаққонийлик ва холисликни устувор билиши, позицияси ва фикрларини билдиришда субъективликдан қочиб, объективликка интилиши зарур. Мавзу танлаш жараёнидан бошлаб кўрсатувни қандай фикрлар билан яқунлаш босқичигача ижтимоий масъулият ҳиссини унутмаслиги бирламчи вазифадир.

9. Тадқиқот давомида бошловчи-журналистнинг касб одоби масаласида қатор муаммолар мавжудлиги қайд этилди. Муаллифлик дастурларининг дастлабки намуналари ўрганилганда, уларда маданият, ўзни тутиш, респондент билан мулоқот қилиш одоби устуворлиги, журналистнинг саволни беришда жасурлик ва ҳурматсизлик орасидаги олтин ўрталикни сақлай олгани каби хусусиятлар аниқланди. Замонавий телекўрсатувларда бу борада прогресс кузатилмаётгани, аксинча, бошловчи-журналистларнинг савол тузиш ва уни респондентга етказишда касб одоби тамойилларидан четга чиқиш ҳолатлари кўзга ташланди. Муаллифлик лойиҳаларининг муваффақиятсизлиги, рейтингда кўнгилочар дастурлардан кейинги ўринларни эгаллаётгани, телетомошабинлар орасида “Мен телевизор умуман кўрмайман”, деган тренднинг оммалашишига сабаб бўлаётганига сабаблардан бири сифатида айнан касб этикасига талаб даражасида риоя этилмаётганини кўрсатиш мумкин.

10. Бугунги кунда, айниқса, давлат телеканалларидаги журналистларга нисбатан жамоатчилик ишончининг пастлиги тўғридан-тўғри муаллифлик “мен”и, позицияси, фикри ва таҳлили мавжуд бўлган дастурларнинг камлиги, бошловчиларнинг нутқни ифода этишда қатъият

ва жасоратнинг етишмаслиги, сўзнинг мазмунидан кўра, миқдори ошиб бораётгани ҳамда бирор аҳамиятга эга моҳиятни ўзида акс эттирмаслиги сингари сабабларга бориб тақалади. Жамият орасида ҳозирги даврнинг илғор журналистлари борасида гап кетганда, асосан диктор ва шоуменларнинг номини санаш ҳолатлари кузатилаётганига соҳа ходимларининг, аввало, ўзлари сабабчи эканликлари очиқ ҳақиқат. Ўзбек телетомошабинларида журналистнинг ўткир ва кескир нутқи, таҳлили ва мулоҳазасига талаб юқори. Аммо унинг етарли даражада қондирилмаётгани бугунги кун соҳа мутахассисларида ижтимоий-сиёсий билим камлиги, таҳлилга нўноқлиги, танқид қилишда касб одобига ҳар доим ҳам риоя қилмаслиги, жамоатчилик муаммоларини кўтариб чиқишдан ташқари, уларнинг ечими масаласини четлаб ўтиши билан изоҳланади.

11. Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш учун куйидаги таклифлар билдирилади:

- кўрсатувларда муаллифнинг иштирокини ошириш, қаҳрамонлар билан бевосита мулоқотга киришиш жараёнини ҳам кўрсатиш;

- ЎзМТРК нинг расмий платформасида “муаллифлар” ва “муаллифлик кўрсатувлари” номли алоҳида бўлим ажратиш ҳамда ушбу саҳифаларда дастурларни саралаб, сўнгги сонларини жойлаб бориш. Шунингдек, мазкур бўлимларни муаллиф-журналистлар, кўрсатувлар фаолияти ва даврийлиги юзасидан маълумотлар билан тўлдириб бориш;

- янги муаллиф-журналистлар авлодини етиштириш мақсадида соҳага тааллуқли олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнларида алоҳида фан, тўгарак ёки семинар ташкил этиш ҳамда профессионал кўрсатув муаллифларини тарбиялаб тайёр кадр сифатида етказиб бериш;

- кўп йиллик тажрибага эга муаллиф-бошловчилар ва ёш кадрлар ўртасида устоз-шогирд механизмини йўлга қўйиш;

- “Первый” телеканалида эфирга берилаётган муаллифлик кўрсатувлари, хусусан, ток-шоуларни тайёрлашнинг илғор жиҳатларини миллий кўрсатувларда ҳам қўллаш зарур;

- кўрсатувларни монтаж қилишда замонавий услубларни қўллаш, мусикий ва кадр эффектларидан фаол фойдаланиш;


- сўз имкониятларига кадр имкониятларини тенглаштириш, яъни сўзнинг ҳаддан ташқари кўп бўлишига йўл қўймаслик, сўзларни исроф қилмаслик;

- бошловчиларнинг мулоқотга киришиш, савол бериш қобилиятларини янада ошириш;
- интервью жанридаги материалларнинг самарадорлиги, аудитория онгига таъсирчанлигини ошириш учун интервью мавзуси, соҳаси бўйича ихтисослашган журналистнинг мулоқотни олиб бориши;
- бир соҳада фаолият юритаётган икки мутахассис суҳбатларини йўлга қўйиш зарур;
- видеотасвирлар билан бирга, фотосуратлардан фаол фойдаланиш зарур;
- таржима муаллифлик кўрсатувларини мунтазам бериб боришни ташкил этиш лозим. Бу орқали чет эл тажрибасининг ўзига хос жиҳатларини ўзлаштириш ва ўзбек телевидениесига қўллаш мумкин;
- бошловчилар имиджи билан замонавий стилистлар шуғулланиши зарур. Имидж кўрсатув моҳиятига мос келса, янада мақсадга мувофиқ; кўрсатувлар жараёнининг тезкорлигини, динамикасини ошириш зарур.

1-илова.



1.1-расм. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан ўтказилган сўровноманинг қамраб олинганлик даражаси.



1.2-расм. Сўровнома иштирокчиларининг ҳафта давомида телевизор кўриш кўрсаткичи.




1.3-расм. Томошабинларнинг кўрсатув ва дастурларни томоша қилиш кўрсаткичи.




1.4-расм. Телеканалларда қандай дастурлар етишмаслиги борасида томошабинлар фикри.

2-илова.



2.1-расм. “Қайси каналлардаги кўрсатувларни кўпроқ кузатасиз?” сўровнома натижаси диаграммаси




2.2-расм. “Сиз одатда қайси кўрсатувларни кўпроқ томоша қиласиз?” сўровнома натижаси диаграммаси.



2.3-расм. “Қайси тележурналист ижодига ижобий баҳо берасиз?” сўровнома натижаси диаграммаси.



2.4-расм. “Қайси бошловчиларнинг муаллифлик позицияси кўпроқ намоён бўлади?” сўровнома натижаси диаграммаси.



2.5-расм. “Қайси бошловчининг аудиторияни жалб қилиш маҳорати кучли?” сўровнома натижаси диаграммаси.

Фойдаланилган адабиётлар:

I. Меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 74 б.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 7 февраль // “Халқ сўзи”. 2017 йил 8 февраль.
3. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 15.01.2007 йилдаги ЎРҚ-78-сон. <https://lex.uz/uz/docs/1106870>.
4. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 20.07.2006 йилдаги ЎРҚ-42-сон/<https://www.lex.uz/acts/1022944>.
5. ОАВ фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.

II. Расмий адабиётлар

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 29 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 485 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 103 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 47 б.

III. Асосий адабиётлар

10. Азарин В. От замысла до экрана. – М., 1995. – 304 с.
11. Алламберганаева П. Тележурналистика жанрлари: Қорақалпоғистон телевидениеси мисолида. – Т.: Янги аср авлоди, 2014.
12. Беспалова А.Г., Корнилов Е.А. и др. История мировой журналистики. –Москва –Ростов-на-Дону: Март, 2003. – 432 с.
13. Борецкий Р., Кузнецов Г. Журналист ТВ: за кадром и в кадре, – М. 1990. – 152 с.
14. Борецкий Р. В Бермудском треугольнике ТВ. – М., 1999. – 202 с.
15. Бриггз А., Кобли П. Медиа. Введение. (Перевод с английского Ю.Никуличев). – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.
16. Бурдье П. О телевидении и журналистике. – М.: Фонд научных исследований "Прагматика культуры", Институт экспериментальной социологии, 2002.

17. Ворошилов В. Журналистика. Учебник. 2-е издание. – СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2000. – 360 с.
18. Гуревич С.М. Газета: вчера, сегодня, завтра. – М.: Аспект Пресс, 2004. – 288 с.
19. Дўстмухаммедов Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. – Т., 2011. – 144 б.
20. Егоров В. Телевидение между прошлым и будущим. – М., 1999; – 21 с.
21. Цвик В. Телевидение, системные характеристики. – М., 1998.
22. Кайда Л. Авторская позиция в публицистике (функционально-стилистическое исследование современных газетных жанров): автореф. дис. д-ра филол. наук. – М.: МГУ, 1991.
23. Каримов А. Аудиовизуал журналистика. – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2019.
24. Качкаева А. Новейшая история российского телевидения (1985—2004) // Телеэфир: история и современность. – М., 2005.
25. Колесниченко А. Основы журналистской деятельности. Учебное пособие для вузов 2-е издание, переработанное и дополненное. – М.: Юрайт, 2018.
26. Коломина В. Современные тенденции развития авторской журналистики в контексте интернет-пространства. "Вестник Чувашского университета", 2007. №31.
27. Кройчик Л.Е. Система журналистских жанров. (Основы творческой деятельности журналиста). – СПб, 2000. – 400 с.
28. Кузнецов Г. Телевизионная журналистика. – М.: Высшая школа, 2002. // http://evartist.narod.ru/text6/32.htm#_top
29. Кустарёв А. Конкуренция и конфликт в журналистике / Pro et contra, 2000. № 4.
30. Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. Учебник для вузов. – М.: Аспект Пресс, 2001. – 400 с.
31. Литвинская О., Чернишев Н. Основы теории передачи информации. – М.: “Издательство КноРус”, 2013.
32. Лукина М. Технология интервью. Учебное пособие для вузов. – М.: Аспект Пресс, 2003. – 191 с.
33. Мельник Г. Методы журналистики: Учебное пособие для студентов факультетов журналистики. – СПб.: Издательство Михайлова В.А., 2006.
34. Мельник Г., Тепляшина А. Основы творческой деятельности журналиста. – СПб.: Питер, 2009.
35. Муратов С. Телевизионное общение в кадре и за кадром. – М.: Аспект Пресс, 2003.
36. Ортикова Ю. Интерактив журналистика. – Т.: Мумтоз сўз, 2011.
37. Основы творческой деятельности журналиста. Ред.-сост. С.Г. Корконосенко, – СПб.: Знание, 2000 г. – 400 с.
38. Рўзиев Ф., Жўраева Х. Тележурналистга тавсиялар. – Т.: Sharq, 2013.

39. Савацки Д. How To Ask Powerful Questions: Лекции // Европейский центр журналистики. – Маастрихт, 2000. – 150 с.
40. Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – 119 б.
41. Смирнов В.Б., Пичугин А.В. Беседа: разновидность интервью или самостоятельный жанр? // Вестник ВолГУ. Серия 8: Литературоведение. Журналистика. – 2005. – № 4.
42. Старуш М. Авторское «Я» в публицистическом произведении: дис. канд. филол. наук. М.: МГУ, 1985. Авторефераты диссертаций.
43. Тепляшина А. Жанровая модель авторской журналистики. [Электронный ресурс] // Журналистский ежегодник. 2015.
44. Тертычный А.А. Жанры периодической печати. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 310 с.
45. Тошпўлатова Н.Қ. Журналистика психологияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2013. – 185 б.
46. Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. – Т.: Шарқ, 2002. – 55 б.
47. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Тафаккур, 2011. – 287 б.
48. Цвик В. Телевидение, системные характеристики. – М., 1998. – 49 с.
49. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Мадвалиева А. таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий нашриёти, 2006-2008 йй. – 800 б.
50. Ўтаев Ў. Телевидение – давр кўзгуси. – Т., 2010.
51. Қозоқбоев Т. Журналистика асослари. – Т.: Мусиқа, 2007. – 125 б.
52. Campbell R., Martin K., Fabos V. Media and culture. Masscommunication in a digital age. Ninth Edition: Bedford/St. Martin's, 2014.
53. Killenberg G.M., Anderson R.H. Before the Story: Interviewing and Communication Skills for Journalists. – New York: St. Martm's Press, 2000. – 224 p.
54. Merriam Webster Dictionary. Retrieved February 16, 2016. – 250 p.
55. Natsvlishvili P. For the genesis of interview as a genre // European Scientific Journal. – 2013. – December /SPECIAL/ edition//

IV. Интернет манбалари

56. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/364776>
57. <https://mtrk.uz/uz/tv/madaniyat/tvshows/584177532267d53716fce551>
58. <http://www.eartist.narod.ru/text1/09.htm>
59. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/interview>
60. <http://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=21360>
61. <https://www.1tv.ru/schedule/week>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИ	
РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ	
1.1. Муаллифлик кўрсатувларининг ўзига хослиги ва тузилиши.....	5
1.2. Телевидениеда муаллифлик кўрсатувларининг шакллари: жанр ва формат.....	19
1.3. Муаллиф позициясининг муаллифлик кўрсатувларида ифода этилиши ва усуллари.....	30
II БОБ. ТЕЛЕВИДЕНИЕДА МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИ	
ТАДРИЖИ: АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК	
2.1. Муаллифлик кўрсатувларида анъанавий ва миллий хусусиятлар.....	40
2.2. Муаллифлик кўрсатувларида замонавий тенденциялар.....	59
2.3. Ахборий-кўнгилочар кўрсатувларнинг рекреативлик функцияси.....	69
III БОБ. ИНТЕРВЬЮ-СУХБАТ ВА ТОК-ШОУ ЖАНРИДАГИ МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	
3.1. Интервью-сухбат ва ток-шоу жанрининг телевидениедаги ўрни ва аҳамияти.....	77
3.2. Муаллифлик кўрсатувларида бошловчи маҳорати.....	97
3.3. Диалог жанридаги муаллифлик кўрсатувларининг тил ва услуб имкониятлари.....	111
Хулоса	124
Илова	129
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	134

Илмий нашр

К.Р.ЭРМАМАТОВА

**ТЕЛЕВИДЕНИЕДА МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИ:
ТУЗИЛИШИ, ТИПОЛОГИЯСИ ВА МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ**

Монография

Муҳаррир Хусния Жумабоева
Дизайнер Б.Ҳайдаров

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 3996-сонли
ТАСДИҚНОМА берилган.

Босишга 2025 йил 15 январда рухсат этилди.

Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма усулида босилди.

ПТ Астра Сериф гарнитураси.

Шартли босма тобоқ 9,5. Адади 100 нусха.

Оригинал макет “FIRDAVS-SHOH NASHRIYOTI” да тайёрланди.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Биродарлик-114-А.

Тел.: 90-372-85-17

99-780-85-17

<https://t.me/firdavsshohnashriyoti>